



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ



СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ УСУЛЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ УСУЛЛАРИ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2011

65.9(2)26

УДК: 336.2 (575.1)

ББК65.9(Ўзб)я75

С-78-600

Ш.Тошматов, Ф.Рўзиев, Ф.Хашимото, Д.Бобожонов, К.Хотамов. Солиқ текшируви усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Янги аср авлоди». – 2011. – 212 бет.

Ушбу ўқув қўлланма солиқ текширувларига бағишланган уч қисмли ўқув қўлланманинг иккинчи қисми бўлиб, унда асосий ургу солиқ текширувларини ўтказиш билан боғлиқ масалаларга берилган. Жумладаи, мазкур қўлланмада солиқ текширувига тайёргарлик, уни жойида ўтказиш тартиби, текширув объектлари ва текшириши усуллари, текшириш жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар, уларнинг натижаларини расмийлаштириш каби масалалар ёритиб берилган ҳамда Япония давлатининг солиқ текширувларини ташкил этиши усулларига доир илғор тажрибаси баён этилган.

Қўлланма иқтисодий йўналишдаги Олий ўқув юртлари талабалари ҳамда малака ошириш курсларида ўқиётган солиқ идоралари ходимлари учун тавсия этилади. Шу билан бирга, ўқув қўлланмадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва талқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

ББК65.9(Ўзб)я75

*Мазкур ўқув қўлланма Солиқ академияси
Илмий Конгреси (2010 йил 30 октябрдаги 3/4/4 Қарори)
томонидан националь тавсия этилеан*

Тақризчилар:

Б. ҲОЖИМИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Ҷавзаг солиқ қўмитаси Ҳужжатли текширувларни ташкил қилинг бониқармаси бўлим бошлиғи

Н. ҚЎЗИЕВА, Солиқ академияси «Солиқлар ва солиққа тортин» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори

ISBN 978-9943-08-690-6

© Тошматов Ш., Рўзиев Ф., Хашимото Ф., Бобожонов Д., Хотамов К.
Солиқ текшируви усуллари: «Янги аср авлоди», 2011.

КИРИШ

Мамлакатимизда солиқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектлари зиммасидағи солиқ юкини камайтириш орқали улар иқтисодий фаолиятини рафбатлантириш, инвестицион фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш ва диверсификация қилишга эришиш ҳамда солиқ тушумларида юз бериши мүмкін бўлган йўқотишларни солиқ солинадиган базанинг кенгайиши ҳисобига қоплаш ҳисобланади. Ушбу жараёнда давлат солиқ хизмати идоралари олдига яна бир муҳим вазифа – тадбиркорлик субъектлари тақдим этилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланаётганлигини ўрганиш ва ушбу имтиёзларнинг мақсадлиигини аниқлаш масъулияти қўйилмоқда.

Солиқ қонунчилигига асосан солиқ тўловчи юридиқ шахслар юритаётган ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳужжатлари асосида солиқларни мустақил ҳисоблайдилар ва тўлайдилар. Бундан келиб чиқадики, агар солиқ тўловчилар солиқларни тўғри ҳисоблаб, тўлиқ тўлаб боргандаридан, солиқ тушумлари бўйича муаммолар бўлмас эди. Бироқ, қайси замон ва қайси мамлакат бўлмасин, солиқ тўловчилар томонидан даромадларини яшириш, солиқларни тўлиқ ҳисобламаслик ва тўламаслик ҳоллари учраб туради. Шунинг учун, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва бюджетта тўлиқ тушишини назорат қилиш мақсадида давлат солиқ хизмати ташкил этилади.

Давлат солиқ органлари фаолиятининг муҳим жабҳаларидан бири солиқ текширувларини ўтказиш бўлиб, бу давлатнинг молиявий тузилмасини таъминлаш ва солиқларни йигилувчанлик даражасини ошириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган. Бундан ташқари, солиқ текширувлари солиқ бошқарувини ўтказишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Солиқ текширувлари – бу солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларида, унинг ишлаб чиқариш фаолияти ишончли акс эттирилганлигини ~~чукур текширишлар~~ Демак,

солиқларни текширишда энг муҳими текшириш обьекти фаолиятини ва ушбу фаолият натижаларини бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилғанлыгини көнг қамраб олишдир. Бироқ солиқ текширувлари осон иш әмас ва уни үтказиш усууллари турлича бўлиши мумкин.

Солиқ тўловчи хато қилди, деб фараз қиласайлик. Бу қонунга зид ҳаракат дейилади, аммо бу ҳаракатнинг шакли ҳар хил солиқ тўловчидаги турли хил бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам «бу ҳаракат қандай амалга оширилди», «бу қандай қилиб аниқланди» деган ва бошқа саволларга ҳам жавоб ҳар хил бўлади. Демак, солиқ текширувлари услубиётида математика ёки химия фанидаги каби аниқ тенгламалар ёки формуулалар мавжуд әмас. Шунинг учун солиқ текширувлари үтказаётганда мумкин қадар кўп ахборот ва ҳужжатларни тўплаш, саволларни тайёрлаш ва бериш керак. Охир оқибатда, бирор бир фойдали натижа бўлса, текширув муваффақиятли үтди дейиш мумкин. Агарда, солиқ текширувидаги маълумотларга ҳожат бўлмаса ҳам, ушбу текширувда аниқланган ахборот ва билимларни кейинги текширувлар учун фойдаси бўлади, деб тушуниш керак. Демак, текшириш учун масъул шахснинг алоҳида солиқ тўловчининг ишлаб чиқаришдаги ва савдодаги фаолиятини солиқ текшируви орқали тўғри қамраб олиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай билим ва ахборотларни жамлаб бориш – ҳар бир текширувчининг хусусий мулки ва ноу-хаусидир. Буларни келажакда керак бўлишини доимо эсда тутиш керак.

Келажакда тизим ҳар бир текширувчисининг билими ва ноу-хауларидан биргаликда фойдаланиб, солиқ текширувларини яна ҳам самарали ва таъсирчан қилиб үтказиш мумкин бўлади.

Кўп ҳолларда маҳорат ва иш усууллари тажриба орқали орттирилади. Аммо бунда ҳам текширувчининг ишдаги ўз тажрибаси орқали орттира оладиган маҳорати ва усулининг маълум чегараси мавжуд. Бундан ташқари, олдинги тажриба ва билим кўп ҳолларда бошқа текширувчиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар томонидан хўжаликлардаги камчиликларнинг шакллари ва уларни аниқлани усууллари ҳақида ахборот олишдан иборат. Шунинг учун бу ҳам малака ва тажриба ошириш йўлларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, актив позицияда(холатда) туриш ва ўз мавқеини мустаҳкам билиш солиқларни текширишда жуда муҳимдир. Тез ривожланиб бораётган мамлакати-

мизда иқтисодий ислоҳотларнинг кейинги босқичларида молия тизимини мустаҳкамлаб боришимиз зарур.

Мазкур қўлланмада солиқ текширувларининг моҳияти ва усуллари кенг тарзда кўрсатилган. Аммо берилган маълумотлар қанчалик аниқ бўлмасин, солиқ текширишларига тегишли барча масалаларни ёритиб бера олмайди. Солиқларни текшириш қонунчилик, текшириш қоидалари, текшириш даврийлиги ва муддатлари билан чекланади. Шунинг учун ушбу чекланишларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир солиқ текширишида ўзига хос услубни ташлаш керак.

Ушбу қўлланмада асосий зътибор солиқ текширувларини ўтказиш билан боғлиқ масалаларга қаратилган бўлиб, унда асоссан текширишга тайёргарлик, уни жойида ўтказиш тартиби, текширув объектлари ва уларни текшириш усуллари, текшириш жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар, уларнинг натижаларини расмийлаштириш каби масалаларни ёритиб беришга ҳаракат қилинган ҳамда Япония давлатининг солиқ текширувларини ташкил этиш усулларига доир илгор тажрибаси баён этилган.

I. ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

1.1§. Солиқ текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектни танлаш услуги

Солиқ органларида текширилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларни танлаш, энг аввало улар рўйхатини тузиш ва «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинги» бўлими (шўбаси) томонидан «Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа жадвали»га киритишдан бошланади.

Бу жараён ўнта босқичдан иборат бўлиб, унинг биринчи босқичида бошқа назорат органлари қаторида солиқ органларининг қуий бўғини ҳисобланадиган туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекциялари туман (шаҳар) ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни танлаб олишда солиқ органлари томонидан хавф таҳлили тизими элементлари – «йиллик ва чораклик текширувлар режаси принципи»га таянган ҳолда навбатдаги йил текширишлари режасига таклифлар ишлаб чиқади. Ишлаб чиқилган режаларни туман комиссияси (ҳудудий) ишчи гуруҳи (ҳайъати) га тақдим этади.

Иккинчи босқичда туман комиссияси (ҳайъати) нинг ишчи гуруҳи тақдим этилган режаларни кўриб чиқади ва келишилган режани назорат қилувчи органларнинг туман (ҳудудий) бўлинмаларига (шу жумладан, туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекцияларига) жўнатади. Назорат қилувчи органларнинг туман (ҳудудий) бўлинмалари тақдим этган маълумотларни текширишларни режа-жадвални шакллантириш маълумотлар базасига киритади ва мазкур маълумотлар базасини вилоят комиссияси ишчи гуруҳи (ҳайъати)га жўнатади.

Учинчи босқичда назорат қилувчи органларнинг туман (ҳудудий) бўлинмалари қаторида туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекциялари ишлаб чиқилган ва туман комиссияси билан келишилган режани Давлат солиқ бошқармаларига тақдим этади.

Тўртингчى босқичда Давлат солиқ бошқармалари туман (шашар) давлат солиқ инспекциялари томонидан ишлаб чиқилган режани хавф таҳлили тизими элементлари – «йиллик ва чораклик текширувлар режаси принципи»га мослигини кўриб чиқади ва улар тўғри келган ҳолда, туман (шашар) давлат солиқ инспекциялари томонидан тақдим этилган режалар умумлаштирилади. Шундан сўнг умумлаштирилган режани вилоят комиссияси ишчи гуруҳига тақдим этади.

Бешинчى босқичда вилоят комиссиясининг ишчи гуруҳи назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмаларига (жумладан, туман Давлат солиқ инспекцияларининг вилоят Давлат солиқ бошқармаларига) тақдим этилган режаларни кўриб чиқади ва келишилган режани назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмаларига жўнатади.

Назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмалари (шу жумладан, вилоят Давлат солиқ бошқармалари) тақдим этган маълумотлар асосида текширишларни режа-жадвални шакллантириш маълумотлар базасига тузатишлар (корректировка) киритади ва тузатиш киритилган текширишларни режа-жадвални шакллантириш маълумотлар базасини Кенгашнинг ишчи гуруҳига жўнатади.

Олтинчى босқичда вилоят Давлат солиқ бошқармалари умумлаштирилган ва вилоят комиссияси билан келишилган режани Давлат солиқ қўмитасига тақдим этади.

Етгинчى босқичда Давлат солиқ қўмитаси вилоят Давлат солиқ бошқармалари томонидан умумлаштирилган режани хўжалик юритувчи субъектларни танлаб олишда солиқ органлари томонидан хавф таҳлили тизими элементлари – «йиллик ва чораклик текширувлар режаси принципи»га мослигини кўриб чиқади. Агар режалар танлов принципига тўғри келмайдиган бўлса, у ҳолда вилоят Давлат солиқ бошқармаларига қайта ишлаб чиқиш учун қайтарилади. Агарда улар тўғри келган ҳолда, вилоят Давлат солиқ бошқармалари томонидан тақдим этилган режалар умумлаштирилади. Шундан кейин мазкур режани Кенгашнинг ишчи гуруҳига тақдим этади.

Саккизинчى босқичда Кенгаш ишчи гуруҳи назорат қилувчи органларнинг марказий аппарати (шу жумладан, Давлат солиқ қўмитаси) томонидан ишлаб чиқилган режани назорат қилувчи органлар томонидан тасдиқланган танлов принципига мослиги-

ни кўриб чиқади. Улар тўғри келган ҳолда, текширишлар режа графиги лойиҳасини ишлаб чиқади.

Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа назорат қилувчи органларнинг марказий аппарати билан келишилган ҳолда биттадан ортиқ назорат қилувчи орган томонидан битта корхонада текшириш режалаштирилган бўлса, ушбу таклифлар асосида комплекс текширишларни шакллантиради ва текширишлар режа-жадвали лойиҳасини тасдиқлаш учун Кенгашга тақдим этади. Давлат солиқ қўмитаси ва назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари тақдим этган маълумотлар асосида текширишларни режа-жадвални шакллантириш маълумотлар базасига тузатишлар (корректировка) киритади.

Тўққизинч босқичда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашси текширишлар режа-жадвали лойиҳасини тасдиқлайди. Тасдиқланган режа-жадвални ижро учун назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратга (шу жумладан, Давлат солиқ қўмитасига) ҳамда Кенгашнинг вилоят ва туман комиссияларига жўнатади.

Ўнинч босқичда Давлат солиқ қўмитаси вилоят Давлат солиқ бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекцияларига тасдиқланган текширишлар режа-жадвалини жўнатади.

Юқорида санаб ўтилган босқичларда бажариладиган ишлар олдинги йилнинг 25 декабригача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Назорат қилувчи органлар томонидан тегишли йил учун тадбиркорлик субъектларини текширишларнинг режа-жадваллари, кейинчалик тузатишлар киритган ҳолда ишлаб чиқиши тартиби 1-расмда келтириб ўтилган.

Текширишлар режа-жадвалини ишлаб чиқиши ТАРТИБИ¹

Боскичтар	Субъектлар	Бажарыладыган ишлар	Муддатлар
1-боскич	Назорат қылувчи органдарнинг туман (худудий) бўлинмалари	1. Тадбиркорлик субъектларни танлаб олиш тамоили (принципи) асосида наебатдаги йил текширишлари режасига тақдифлар ишлаб чиқади. 2. Ишлаб чиқитган режаларни туман комиссияси (худудий) ишчи гуруди (ҳайъати) га тақдим этади.	Олдинги Йилнинг 10 сентябрига қадар
2-боскич	Туман комиссияси (ҳайъати) ийнг ишчи гурухи	1. Назорат қылувчи органдарнинг туман (худудий) бўлинмаларига тақдим этилган режаларни кўриб чиқади. 2. Келишилган режани назорат қылувчи органдарнинг туман (худудий) бўлинмаларига жўнатади. 3. Назорат қылувчи органдарнинг туман (худудий) бўлинмалари тақдим этган маълумотларни текширишлари режа-жадвали шакллантириш маълумотлар базасига киритади. 4. Текширишлар режа-жадвалини шакллантириш маълумотлар базасини вилоят комиссияси ишчи гуруди (ҳайъатига жўнатади).	Олдинги Йилнинг 20 сентябрига қадар
3-боскич	Назорат қылувчи органдарнинг туман худ. бўлинмалари	1. Ишлаб чиқилган ва туман комиссияси билан келишилган режани назорат қылувчи органдарнинг вилоят бўлинмаларига тақдим этади.	Олдинги Йилнинг 1 октябрига қадар
4-боскич	Назорат қылувчи органдарнинг вилоят бўлинмалари	1. Туман бўлинмалари томонидан ишлаб чиқитган режани назорат қылувчи органлар томонидан тасдиқланган таплов принципига мослигини кўриб чиқади. 2. Режалар таплов тамомилига тўғри келмагсан ҳолда, қайта ишлаб чиқиш учун ҳайтарорлади. 3. Улар тубер келган ҳолда, туман бўлинмалари томонидан тақдим этилган режалар умумлаштирилади. 4. Умумлаштирилган режани вилоят комиссияси ишчи гурухiga тақдим этади.	Олдинги Йилнинг 10 октябрига қадар
5-боскич	Вилоят комиссияси-ning ишчи гурухи	1. Назорат қылувчи органдарнинг вилоят бўлинмаларига тақдим этилган режаларни кўриб чиқади. 2. Келишилган режани назорат қылувчи органдарнинг вилоят бўлинмаларига жўнатади. 3. Назорат қылувчи органдарнинг вилоят бўлинмалари тақдим этган маълумотлар асосида текширишлари режа-жадвали шакллантириш маълумотлар базасига тузатишлар (корректировка) киритади. 4. Тузатишлар кирилтилган (корректировка қилинган) текширишларни режа-жадвалини шакллантириш маълумотлар базасини Кенгашнинг ишчи гурухига жўнатади.	Олдинги Йилнинг 20 октябрига қадар

¹ Назорат қылувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгashi томонидан 2006 йил 11 мартағи 06-01-01-сон қарори билан тасдиқланган «Назорат қылувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тұғрисида НИЗОМ»нинг 1-иловаси

6-боскич	Назорат қылуучи органларнинг вилоят бўлинмалари	1. Умумлаштирилган ва вилоят комиссияси билан келишилган режани назорат қылуучи органларнинг марказий аппаратига тақдим этади.	Олдинги йилнинг 1 ноябрига қадар
7-боскич	Назорат қылуучи органларнинг марказий аппарати	1. Вилоят бўлинмалари томонидан умумлаштирилган режани назорат қылуучи органлар томонидан тасдиқланган тавлов принципига мослигигини кўриб чиқади. 2. Режалар тавлов принципига тўғри келмаган ҳолда қайта ишлаб чиқиш учун қўйтарилади. 3. Улар тўғри келган ҳолда вилоят бўлинмалари томонидан тақдим этилган режалар умумлаштирилади. 4. Режани Кенгашиниң ишчи сурӯхига тақдим этади.	Олдинги йилнинг 15 ноябрига қадар
8-боскич	Кенгаш яшчи групни	1. Назорат қылуучи органларнинг марказий аппарати томонидан ишлаб чиқилган режани назорат қылуучи органлар томонидан тасдиқланган тавлов принципига мослигини кўриб чиқади. 2. Ишлаб чиқилган режадар тавлов принципига тўғри келмаган ҳолда, қайта ишлаб чиқиш учун қўйторилади. 3. Улар тўғри келган ҳолда текширишлар ректа графиги лойиҳасини ишлаб чиқади. 4. Назорат қылуучи органларнинг марказий аппарати билан келишилган ҳолда биттадан ортиқ назорат қылуучи орган томонидан битта корхонада текшириш режалаштирилган бўлса, ушбу тақлифлар асосида комплекс текширишларни шакллантириади. 5. Текширишлар ректа-жадвали лойиҳасини тасдиқлаш учун Кенгашига тақдим этади. 6. Назорат қылуучи органларнинг марказий аппаратлари тақдим этган маълумотлар асосида текширишларни режа-жадвалини шакллантириш маълумотлар базасига тузатишлар (корректировка) киригади.	Олдинги йилнинг 15 декабргига қадар
9-боскич	Кенгаш	1. Текширишлар ректа-жадвали лойиҳасини тасдиқлайди 2. Тасдиқланган ректа-жадвалини ижроси учун куйидаги органларга жўнатади: - назорат қылуучи органларнинг марказий аппаратига, - Кенгашиниң вилоят ва туман комиссияларига.	Олдинги йилнинг 20 декабргига қадар
10-боскич	Назорат қылуучи органларнинг марказий аппарати	1. Назорат қылуучи органларнинг вилоят ва туман бўлинмаларига тасдиқланган текширишлар ректа-жадвалини жўнатади.	Олдинги йилнинг 25 декабргига қадар

1-расм. Текширишлар ректа-жадвалини ишлаб чиқиш тартиби

Режали текширишлар учун хўжалик юритувчи субъектларни таnlаб олишда солиқ органлари томонидан хавф таҳлили тизими элементлари – «йиллик ва чораклик текширувлар режаси принципи»га таянилади. Бу тизим 2006 йилда солиқ органлари томонидан ишлаб чиқилган ва жорий этилган.²

Фаолиятга режали текширувни белгилаштиришларига асосан, тадбиркорлик субъектлари бешта хавф гуруҳига ажратилидилар.³ Уларнинг ҳар бири учун фаолиятни режали текширишнинг ўз даврийлиги ўрнатилган.

Фаолияти турлича даврийлика режали текшириладиган корхоналар тоифаси:

Биринчи гуруҳ – солиқ қоидабузарлиги содир этилиш эҳтимоли юқори даражада бўлган тадбиркорлик субъектлари (кейинги ўринда – хавф даражаси). Бу гуруҳга муайян ташкилий тузилмага киритилган корхоналар даҳлдордир (холдинглар, уюшмалар, бирлашмалар).

Мазкур гуруҳга тааллуқли хўжалик юритувчи субъектлар учийилда кўпи билан бир марта режали текширувдан ўтказилади.

Иккинчи гуруҳ – хавф даражаси ўртача бўлган тадбиркорлик субъектлари. Бу гуруҳга йиллик обороти қўйидагича бўлган тадбиркорлик субъектлари даҳлдор:

а) микро фирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун – 5 минг энг кам иш ҳақи ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари. Бу тоифадагилар режали текширувга 4 йилда кўпи билан бир марта, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузмаганлар – 5 йилда бир марта текширувга тортилади.

б) микро фирмалар ва кичик корхоналарга киритилмаган субъектлар учун – 50000 энг кам иш ҳақи ва ундан юқори. Улар 3 йилда кўпи билан бир марта, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузмаганлар – 4 йилда бир марта текширувга тортилади.

² Тадбиркорлик субъектларини текширишларнинг йиллик ва чораклик мувофиқлаштирувчи режа-жадвалини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом, ДСҲ томонидан 2006 йил 13 марта тасдиқланган.

³ Ҳалқаро молия корпорацияси. Ўзбекистон тадбиркорлик субъектларининг солиқ маъмуриятчилиги ва ҳисоботларга доир ҳаржатлари. Ҳисобот. <http://www.ifc.org/uzbee> манзили бўйича IFC сайти

Учинчи гуруҳ – хавф даражаси паст бўлган тадбиркорлик субъектлари. Бу гуруҳга йиллик обороти энг кам иш ҳақининг 200 дан 5000 бараваригача бўлган тадбиркорлик субъектлари дахлдор.

Мазкур субъектлар 4 йилда кўпи билан бир марта, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузмаганлар – 5 йилда бир марта режали текширувдан ўтказилади.

Тўрtingчи гуруҳ – хавфсиз субъектлар. Уларга йиллик обороти энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузмаган ва ягона ер солиги бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаган фермер хўжаликлари дахлдордир.

Бешинчи гуруҳ – алоҳида хавф даражасига эга корхоналар бўлиб, уларга обороти ва фойда меъёридан қатъи назар, фаолиятни савдо ва умумий овқатланиш соҳасида амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари киради.

Мазкур субъектларда текширувлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар тугаганидан кейин амалга оширилади.

Юқоридаги тизим асосида ишлаб чиқилган «Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа жадвали» Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан тасдиқлангач, ушбу жадвалга киритилган хўжалик юритувчи субъект кейинги йилда режали солиқ текшируви ўтказилиши учун танланган субъект ҳисобланади.

Кейинги йил учун фаолияти текшириладиган хўжалик юритувчи субъектлар, уларни текширувчи органлар ҳамда текширув муддатлари акс эттирилган режа жадвал:

- йиллик;
- ярим йиллик;
- чораклик;
- ойлик кўрининшида матбуотда эълон қилинади.

«Ўзбекистон Республикасининг Назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текшириш Режа жадвали»нинг биринчи устунида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг туман (шаҳар)лари бўйича текширилиши кўзда тутилган корхоналар номлари, иккинчи устунда уларнинг СТИРи (Солиқ тўловчининг идентифи-

кацион рақами), учинчи устунда эса текширув ўтказиш учун масъул назорат органлари ва уларнинг бўлинмалари (уларнинг кодлари ва даражалари) келтириб ўтилган бўлади. Текширув ўтказиш учун масъул назорат органларининг кодлари сонлар билан, даражалари лотин алифбоси ҳарфлари билан белгиланади.

Масалан, энг асосий назорат органларидан бири – Давлат солиқ қўмитасининг коди 1, туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекциялари даражаси А ҳарфи билан, вилоят Давлат солиқ бошқармалари даражаси В ҳарфи билан, Давлат солиқ қўмитаси С ҳарфи билан белгиланади (1-иловада келтирилган).

Қўйида 2009 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикасининг Назорат қулувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа-жадвалининг бир қисми, яъни Тошкент шаҳрининг айрим туманларининг текширишлар режа-жадвалига киритилган корхоналарини кўриб чиқамиз: (1-жадвалга қаранг).

Агар мазкур режа-жадвалдан Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманида жойлашган «ООО ORZU-OSH TUZI» корхонасини 2009 йил декабрь ойида назорат қиласидиган органлар таркибини таҳлил қиласидиган бўлсак, ушбу органлар таркибини Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси 1(В), Собир Раҳимов тумани Давлат санитария-эпидемиология станцияси 11(А), Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг Тошкент шаҳар бўлими 16(В), Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси 17(В), Собир Раҳимов тумани Давлат ёнғин назорати бўлими 20(А), Ўзбекистон Республикасининг Электр энергетикасида назорат қилиш давлат инспекциясининг Тошкент шаҳар бўлими 22(В), Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Собир Раҳимов тумани бўлими 25(А) ташкил қилишлигини кўриш мумкин бўлади (1-жадвал).

**2009 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикасининг Назорат
қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи
субъектларни текшириш
РЕЖА-ЖАДВАЛИ**

Тошкент шаҳрининг айрим туманлари мисолида⁴

Корхона номи	СТИР	Текширув ўтказиш учун масъул назорат органлари ва улар- нинг бўлинмалари
БЕКТЕМИР тумани BTBM SHAKL MCHJ	200663000	1(B), 11(A), 17(B),
O'ZB.-TURK. QK		20(A), 38(B)
MASLOTREST TASHKENT TRADE	206811555	1(B), 20(A)
МИРОБОД тумани SALAR TEMIR YO'L	203846309	35(C), 37(C)
MASOFASI DAK		
GLOBAL LEASING MCHJ	300481272	1(C), 20(A)
MUFAR-QURILISH-SAVDO MCHJ	206938064	1(B)
OLIMPIA GLOBAL INVEST MCHJ	300634420	1(C), 17(B), 20(A)
O'ZBEK. TEMIR YO'LLARI DAK	201051951	2(C), 21(C), 35(C),
GABUS-QURILISH-TO'RT MCHJ	37(C)	
GABUS-QURILISH-BESH MCHJ	203711215	1(B), 25(A)
СОБИР-РАҲИМОВ тумани		
MAXSUMA-BEGIM	201992540	1(A), 11(A), 45(C)
ELEKTRO LAYT MCHJ	204658374	1(B)
ООО ORZU-OSH TUZI	203723793	1(B), 11(A), 16(B), 17(B), 20(A), 22(B), 25(A)

⁴ Мазкур маълумотлар «Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 45 (797)-сонида (2009 йил 9 ноябр) келтирилган жадвалдан олинган.

ORZU-PLASTIK	202507476	1(B), 11(A), 17(B), 20(B)
AL-AFLOTUN	201612989	1(A), 11(A), 34(C)
SANTEXMASH	203625037	1(B), 20(A)
ООО MARKET & FOOD	204713702	1(B), 16(B), 20(A)
STANKOZAPCHAST MCHJ	204728825	1(B), 20(A)
TEXNIKASHYOTA'MINOT SHK	204271329	1(B), 20(A)
ELEKTROJIHOZNUR MCHJ	204339906	1(B), 11(A), 20(A)
ООО TURON-NON	201179087	1(A), 11(A), 17(B), 20(A)
АО MAISHIY TA'MINOT <i>СИРГАЛИ тумани</i>	204626439	1(B), 20(B), 22(B)
VIKAAZ PLAST	300505335	1(B), 17(B), 20(A)
ООО BO'STON PLUS	204711095	1(A)
UZRUSOIL MCHJ KK	204550574	1(B), 20(A)
ГУП TOSHSHAHARNUR	202468390	1(B), 20(A), 33(B)
MIRAZIZ SAVDO BIZNES	300059914	1(B), 11(A), 20(A)
MTB GARANT SERVISE	206675599	1(B), 11(A), 20(A)
BARAKAT ALFA MCHJ QK	202617015	20(A), 35(C)

Солиқ текширувинг яна бир тури бўлган режадан ташқари солиқ текшируvida текшириладиган хўжалик юритувчи субъектини танлашда ушбу текширишни амалга оширишга асос бўлувчи ҳолатлар танлашнинг асосий мезони сифатида қаралади. Жумладан, солиқ қонунчилигида солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режадан ташқари солиқ текшируви (тафтиши) қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

юридик шахс тугатилаётганда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда;

давлат солиқ хизмати органига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ тўловчи томонидан бузилганилиги ҳоллари ҳақида қўшимча маълумотлар тушганда.⁵

Демак, хўжалик юритувчи субъект бўйича юқорида санаб ўтилган ҳолатларнинг қай бири юзага келадиган бўлса, солиқ

⁵ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 86-модда

тўловчи текшириш ўтказиладиган солиқ тўловчи сифатида танланади.

Солиқ текшируви шаклларидан бири бўлган қисқа муддатли текширишлар ўтказиш учун асосан давлат солиқ хизмати организга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган солиқ тўловчи тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушган ҳолларда, ушбу солиқ тўловчи қисқа муддатли текшириш ўтказиладиган солиқ тўловчи сифатида танланади.

Хужжатли текшириш ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект билан тегишли операцияларни амалга оширган хўжалик юритувчи субъектлар муқобил текширувлар ўтказиладиган солиқ тўловчи сифатида танланади ва уларга нисбатан айнан мазкур операциялар бўйича маълумотлар олиш учун муқобил текширувлар ўтказилади.

Муқобил текширув фақат операцияларнинг бирлиги билан ўзаро боғланган ва турли хўжалик юритувчи субъектларда ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларида жойлашган ҳужжатларни таққослаш мақсадида амалга оширилиши керак.

Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2006 йил 11 марта №06-01-01 қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда №1573-сон билан рўйхатга олинган) «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосан, якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2007 йил 23 августдаги №1 қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда №1712-сон билан рўйхатга олинган) «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосан, муқобил текширувларни ўтказиш эса «Муқобил текширишларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазири (8 январь 2001 йил, 20-21-2-сон), Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (10 январь 2001 йил, 7-3-01-сон), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири (10 январь 2001 йил, 1-сон), Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфиззлик хизмати раисининг (9 январь 2001 йил, 9/48-сон) қўшма кўрсатмасида белгилаб қўйилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Солиқ текширувни ташкил қилиндида солиқ тўловчилар нима учун танланади?
2. Солиқ текширувлари ўтказиладиган солиқ тўловчилар қандай тартибда танланади?
3. Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режадвали ҳақида нималарни биласиз?
4. Текширишларнинг йиллик режа-жадвалига корхоналар қандай мезонлар асосида киритилади?
5. Солиқ текшируви турлари бўйича солиқ тўловчиларни танлашнинг қандай фарқли жиҳатлари мавжуд?
6. Муқобил текшириш ўтказиладиган корхоналар қандай тартибда танланади?

1.2§. Текшириш ўтказишга тайёргарлик жараёнлари, уларда амалга ошириладиган ишлар

Солиқ тўловчиларнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича текширишларни амалга оширишининг дастлабки босқичларидан бири бу – текширишни ўтказишга тайёргарлик кўришдир. Биз қўйида дастлаб, солиқ органлари томонидан ўтказиладиган режали солиқ текшируви, яъни солиқ текширувларининг асосий шаклларидан бири бўлган хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиш)га тайёргарлик кўриши жараёнини ёритишга ҳаракат қиласмиз.

Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиш)ни ўтказишга тайёргарлик солиқ хизмати органларида текширишлар режасини Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тасдиқлаганидан сўнг дарҳол амалга оширилади. Тоёкор ажборот мавжудлиги муносабати билан текшириш режасини киритиш

учун тақдим этилган корхоналарни текшириш бўйича тайёргарлик мазкур корхонага доир ахборот олиниши билан дарҳол бошланади.

Текшириш ўтказишдан олдин солиқ органларида хўжалик юритувчи субъект ҳақида бор маълумотларни ўрганиб чиқилиб, текширишга пухта тайёргарлик ишлари ўтказилиши ва қуидаги тадбирлар амалга оширилиши зарур:

- текшириш ўтказиладиган давр учун солиқ инспекциясига солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисботларини, ўрганиш, солиқ ва мажбурий тўловлар ва солиқ қарздорлиги ҳолатини таҳлил қилиш;

- тегишли орган ва таркилотлардан текширилиши лозим бўлган солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолиятига доир маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва мавжуд камчиликларни аниқлаш;

- солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича аввал ўтказилган текширишлар натижалари (текшириш далолатномаси, текшириш натижаси бўйича солиқ органининг қарори, солиқ тўловчига нисбатан қўлланилган жавобгарлик чоралари ва уларни солиқ тўловчилар томонидан бажарилиш ҳолатлари)ни ўрганиш;

- солиқ текшируви қатнашчилари (уни амалга оширувчилар) таркиби ва сонини аниқлаш, уларнинг мажбурият ҳамда вазифаларини тақсимлаб бериш;

- солиқ текшируви тури ва муддатидан келиб чиққан ҳолда бошқа назорат органларидан мутахассисларни жалб қилишни ташкил қилиш;

- солиқ турларини текширишда саволлар тайёрлаш ва уларнинг рўйхатини тузиш;

- текширилиши режалаштирилган солиқ тўловчининг фаолиятини текшириш юзасидан «солиқ текшируви дастури»ни тайёрлаш ва тасдиқдан ўтказиш;

- солиқ тўловчининг фаолиятини текшириш юзасидан текширувчилар, текшириш муддати ва мақсади кўрсатилган солиқ органининг буйргуини тайёрлаш ва уни рўйхатдан ўтказиш каби тадбирлар амалга оширилади.

Ушбу қўлланманинг кейинги параграфларида текшириш ўтказишдан олдин солиқ органларида амалга ошириладиган мазкур

тадбирларнинг ҳар бирини алоҳида, батафсил, кенгайтирилган тарзда ёритиб берилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1. Солиқ текширувига тайёргарлик деганда нима тушиналади?*
- 2. Солиқ текширувига тайёргарлик жараёнлари қандай тадбирлардан иборат?*
- 3. Солиқ текширувига тайёргарлик ким томонидан ва қаерда амалга оширилади?*
- 4. Солиқ текширувига тайёргарлик жараёнларида қандай усул ва воситалардан фойдаланилади?*

1.3§. Солиқ тўловчиларга доир ахборот ресурсларини шакллантириш

Солиқ тўловчиларга доир ахборотлар тўплаш мақсадида солиқ идоралари икки хил маълумотлар манбаидан яъни: ташқи ва ички манбалардан фойдаланадилар.⁶

Ички манбалардан олинган маълумотларни солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботлари, аввал ўтказилган текшириш натижалари, солиқларни тўлаш мажбуриятларининг бажарилиши, тамаки ва алкоголли маҳсулотлар бўйича назорат маълумотлари ва бошқалар ташкил қиласиди.

Ташқи манбалардан олинган маълумотларга солиқ идораларининг амалдаги қонунчилик ёки тегишли давлат органларидан белгиланган тартибда олинган маълумотлар киради.

Ўз навбатида солиқ тўловчиларга доир ахборотлар ресурсини шакллантиришнинг қўйидаги талаблари мавжуд:⁷ (2-расм)

⁶ Попонова Н.А. и др. Организация налогового учета и налогового контроля: Учебное пособие. –М.: Эксмо. 2006.-624 с.

⁷ Попонова Н.А. и др. Организация налогового учета и налогового контроля: Учебное пособие. –М.: Эксмо. 2006.-624 с.

Солиқ тұловчиларга доир ахборотлар ресурсини шакллантиришнинг талаблари

- 1) узлуксизлик (ахборотларни түплаш, қайд қилиш ва қайта ишлашни доимийлігінің таъминлашы)
- 2) тизимлаштириш (солиқ тұловчиларнинг шахсий варақаларини шакллантириш)
- 3) актуаллаштириш (ахборотларни ўз вақтіда янгилаб бориш)
- 4) солиқ текширувларига доир түрі қарор қабул қилимі учун етарлы ҳажмда ахборотлар мавжудлігі
- 5) ишончлilik (қабул қилинаётган маълумотларни ишнинг ҳақиқатдагы ҳолатига мослигіні олдиндан таҳлил қилиш)
- 6) маълумотларга ишлов беріш за сақлашын персоналлаптан ҳолда ташкил этиш

2-расм. Солиқ тұловчиларга доир ахборотлар ресурсини шакллантиришнинг талаблари

Солиқ идораларининг солиқ тұловчиларға доир маълумотларни шакллантириш қуйидагича ифодаланади:⁸

I. Идентификацион қисм:

- СТИР, КТУД, раҳбарлар тұғрисида маълумот;
- тугатищ, қайта ташкил этиш, банкrottлик ва б. тұғрисида маълумотлар;
- экспорт операцияларига доир маълумотлар;
- низом капитали миқдори ва филиал(шұйба)лари ва б. тұғрисида маълумотлар;
- сертификатлар мавжудліги тұғрисида маълумотлар;

II. Солиқ тұловчиларнинг солиққа тортиладиган базасининг шаклланишига таъсир қылувчи маълумотлар:

- ҚҚС бүйича нолли ставка құлланишида юзага келган ман-фий қолдиқлар (ортиқча тұловвлар) суммаси;
- божхона органларининг экспортчиларға доир маълумотлари;
- йирик молиявий маблағлар;

⁸ Попонова Н.А. и др. Организация налогового учета и налогового контроля: Учебное пособие. –М.: Эксмо. 2006.-624 с.

- йирик хайрия түловлари;
- қайта ишлашга берилган хом ашё билан амалга оширилган битимлар;
- алкоголли маҳсулотларнинг йирик партиясини қўлга киритиш;
- узоқ ва қисқа муддатли кредитлар тўғрисида маълумот;
- эмиссия ва б.

III. Хўжалик фаолиятига доир билвосита маълумотлар:

- Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош болқармаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ва бошқа вазирлик ва идораларнинг йирик партияларда ташилган юклар тўғрисидаги маълумоти;
- оммавий ахборот воситалари ва Интернет;
- истеъмол ресурслари ўсишига доир маълумот;
- табиий ресурслардан фойдаланувчилар тўғрисида маълумот;
- нақд тўловлар ва оборотларнинг давлат божларини ундиришга мос келмаслигига доир маълумот;
- давлат мақсадли жамғармаларига ҳисобланган тўловларга оид маълумот;

IV. Ўтказилган назорат ишлари натижалари тўғрисида дастлабки маълумотлар:

- ўзаро боғлиқ шахслар билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини бузиш;
- катта лойиҳалар ва йирик битимларга оид маълумот;
- муқобил текшириш натижаларига оид маълумот;
- бир неча ташқи манбалардан олинган мос келмайдиган маълумотлар

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1. Солиқ тўловчиларга доир ахборот ва маълумотлар деганда нимани тушунасиз?*
- 2. Солиқ тўловчиларга доир ахборотлар қандай шакллантирилади?*
- 3. Ташқи ахборот манбаларига нималар киради?*
- 4. Ички ахборот манбаларини қандай маълумотлар ташкил қиласади?*
- 5. Солиқ тўловчиларга доир ахборотларни шакллантириша қандай талаблар мавжуд?*

1.4§. Солиқ тұловчилар томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларини үрганиш ҳамда солиқ ва мажбурий тұловлар бўйича қарздорлик ҳолатини таҳлил қилиш

Текширишга тайёргарлик кўраётган хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор)нинг текшириш ўтказиладиган давр учун солиқ инспекциясига тақдим этилган солиқ ҳисоботлари, бухгалтерия баланслари ва декларацияларни бир-бири билан боғлиқ бўлган солиқ турлари ва солиқ солиш объектлари ўртасидаги тақсимоти таҳлил қилинади. Бунинг учун солиқ органларида бевосита солиқ тұловчиларнинг ҳисоботларини текшириш, улар билан боғлиқ камчиликларни аниқлаш билан шуғулланадиган «Камерал назорат» бўлими мавжуд бўлиб, ушбу бўлимдан солиқ тұловчининг молиявий ва солиқ ҳисоблари юзасидан таҳлилий маълумотлар олинади. Ўз навбатида камерал назорат бўлими ахбороти солиқ тұловчи-

Камерал назоратни амалга ошириш йўналишлари

- молиявий ва солиқ ҳисоботицинг барча шаклларини тўлиқ тақдим этилвишини текшириш
- молиявий ва солиқ ҳисоботи тўғри тўлдирилганлигини текшириш
- молиявий ва солиқ ҳисоботининг барча шаклларида кўрсатилган тегишли ӯқусаткичларниң бир хиллигини текшириш
- солиқ ставкалари қўлланилишининг асосланганligини текшириш
- солиқ имтиёзлари қўлланилишининг асосланганligини текшириш
- солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этилганлигини текшириш
- тақдим этилган солиқ ҳисоботида бўлган маълумотлар ва давлат солиқ хизмати органларида мавжуд бўлган маълумотларнинг мувофиқлигини текшириш
- мажбурий текширув ўтказилишини текшириш

З-расм. Камерал назоратни амалга ошириш йўналишлари

ларда ҳужжатли текширишлар ўтказиш учун уларни танлаш мезони бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Камерал назорат қўйидаги йўналишларда амалга оширилади: (3-расм)

Қўйида солиқ тўловчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ва солиқ ҳисоботларини назорат қилиш тартиб қоидаларини ёритиб беришга ҳаракат қиласми. Демак, биринчи навбатда молиявий ва солиқ ҳисоботининг барча шакллари тўлиқ тақдим этилганligини текширишда дастлаб солиқ тўловчининг мақомини аниқлаш зарур. Чунки корхонанинг мақомидан келиб чиқиб, қўйидагиларни назарда тутган ҳолда ҳисоботининг тақдим этилиши текширилади:

- микрофирмалар ва кичик корхоналар мақомига эга бўлган солиқ тўловчилар бухгалтерия баланси – 1-сон шакл, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шакл ва дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик тўғрисида маълумотнома – 2-а-сон шаклдан иборат бўлган йиллик молиявий ҳисоботни ва ҳар чораклик асосда ягона солиқ тўлови бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этадилар, агар улар солиқ солишининг умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўловчилар бўлсалар, у ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ ҳисоботини умумбелгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда тақдим этадилар;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар мақомига эга бўлмаган солиқ тўловчилар бухгалтерия баланси – 1-сон шакл, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шакл ва дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик тўғрисида маълумотнома – 2-а-сон шакл, асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот – 3-сон шакл, пул оқимлари тўғрисида ҳисобот – 4-сон шакл ва хусусий капитал тўғрисида ҳисобот – 5-сон шаклдан иборат бўлган йиллик молиявий ҳисоботни, бухгалтерия баланси – 1-сон шакл, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шакл ва дебиторлик, кредиторлик қарздорлик тўғрисида маълумотнома – 2-а-сон шаклдан иборат бўлган чораклик ва ярим йиллик ҳисоботни, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ ҳисоботини умумбелгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда тақдим этадилар.

- доимий муассаса орқали фаолиятни амалга ошираётган солиқ тўловчилар қўйидагилардан иборат бўлган солиқ ҳисоботини тақдим этадилар:

- фойда солиғи бўйича йиллик ҳисобот;
- ва солиқ солиши объектлари мавжуд бўлса, умумбелгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботи.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасида кўрсатилган юридик шахслар (акциядорлик жамиятлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, сургута ташкилотлари, инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фонdlар ва уларнинг бошқарув компаниялари, манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар, маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар, устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар) солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун давомида, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майдан кечиктирмай, молиявий ҳисботининг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хulosаси нусхасини тақдим этадилар.

Ташаббусли аудиторлик текшируви ўтказилган тақдирда корхона молиявий ҳисботининг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хulosасининг нусхаси солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун давомида тақдим этилади.

Йилик молиявий ҳисбботга ҳисббот йилида корхона фаолиятининг якуний натижаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати илова қилинади.

Агар баланс йил бошида ўзгартирилган бўлса, тушунтириш хатида ўзгартириш сабаблари тушунтирилади. Унда кейинги йил учун қабул қилинган ҳисб сиёсати ҳам келтирилади.

Агар асосий фондларни қайта баҳолаш ҳисббот йилининг биринчи санаси ҳолатига ўтказилса, қайта баҳолаш натижаларининг кўрсаткичлари ҳисббот йилининг бошида шаклланадиган молиявий ҳисбботга қабул қилинади. Бунда, ўтган йилнинг охиридаги кўрсаткич ҳисббот йилининг бошидаги кўрсаткичга мос келмаслиги, асосий воситаларни ҳисббот йилининг биринчи санасига ўтказилган қайта баҳолашининг натижаси деб тушунилади ва жорий даврнинг молиявий ҳисботидаги тушунтириш хатида баён этилади.

Солиқ тўловчилардан қўшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъян ман этилади, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиявий ҳисобот ва солиқ ҳисоб-китоблари билан боғлиқ бўлган мажбурий маълумотлар бундан мустасно.

Солиқ тўловчилардан олинган ҳисоботларда қўйидагилар текширилади:

- солиқ ҳисоботининг барча шакллари тўлиқ тақдим этилганилиги;

- ҳисоботларда мансабдор шахсларнинг имзоси ва муҳр мавжудлиги;

- электрон ҳужжат айланиши воситасида юборилган солиқ ҳисоботида мансабдор шахсларнинг электрон рақамли имзоси мавжудлиги, шунингдек электрон ҳужжатни имзолаш лайтида электрон рақамли имзо калитининг сертификати амал қилиши;

- ҳисоботларнинг барча мажбурий реквизитлари тўлдирилиши (солиқ тўловчиларнинг идентификация рақами, почта манзили, санаси ва шунга ўхшаш);

- солиқ даври кўрсатилиши, солиқ ҳисоботи шаклларида на зарда тутилган барча кўрсаткичларнинг, шу жумладан солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасининг тўлдирилиши. Бунда, солиқ тўловчида тегишли активлар, пассивлар ва операциялар мавжуд эмаслиги сабабли ушбу моддада («х» белгиси билан) чизиқ мавжудлиги.

Энди молиявий ва солиқ ҳисоботи тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартибини кўриб чиқамиз.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ йиллик молиявий ҳисобот ушбу ҳисоботларнинг қўйидаги умумий шаклларидан иборат бўлади:

- бухгалтерия баланси – 1-сон шакл;
- молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шакл;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот – 3-сон шакл;
- пул оқимлари тўғрисида ҳисобот – 4-сон шакл;
- хусусий капитал тўғрисида ҳисобот – 5-сон шакл;
- изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Давлат солиқ хизмати органлари молиявий ҳисобот шакллари тўғри тўлдирилганлигини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхат-

га олинган «Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалар»га амал қилган ҳолда текширадилар. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ ҳисбототи тўғрилигини текшириш жараёнида солиқ ҳисботлари шаклларида асосланган алгоритмларга амал қилиш зарур.

Бунда, қўйидагиларнинг тўғрилиги текширилади:

- кўрсаткичларнинг арифметик ҳисоб-китоби;
- ҳисобот-китоблар иловаларидағи кўрсаткичларнинг асосий ҳисоб-китобга ўтказилиши.

Текшириш натижалари бўйича қўйида кўрсатилган шаклда ҳисббот тузилади (2-жадвал).

2-жадвал

Молиявий ҳисббот, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисббот-китобларнинг тўғри гўлдирилганинги текширишлар тўғрисида ҳисббот

T/р	Корхона-ларнинг номи	СТИР	Молиявий ва солиқ ҳисбототи турлари					
			Фойда солиги			ҚҚС ва бошқалар		
Ҳи- соб- китоб бў- йича	Тек- ши- риш бў- йича	Та- фо- ват	Ҳи- соб- китоб бў- йича	Тек- ши- риш бў- йича	Та- фо- ват			

Қўйида биз молиявий ва солиқ ҳисботининг барча шаклларида кўрсатилган тегишли кўрсаткичларнинг бир хиллгини текшириш тартибини кўриб чиқамиз. Молиявий ва солиқ ҳисботининг барча шаклларида кўрсатилган тегишли кўрсаткичларнинг бир хиллиги устидан назорат тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисботининг шаклларидағи ўхшаш кўрсаткичларни таққослаш йўли билан амалга оширилади.

Хусусан,

- ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китоби (ҳисоб-китобнинг 010-қатори)даги (Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар) ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг мажбурий бадаллари ҳисоб-китоби (010-қатор)даги кўрсаткичининг

миқдори ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотлар (010-012-қаторлар)даги худди шундай кўрсаткичнинг миқдори билан мувофиқлиги;

(солиқ ҳисоботлари шаклларининг тегишли қисмлари қўйида келтириб ўтилган)

Ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китоби

(хўжатик юритувчи субъектлар учун, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма			
		1	2	3	4
Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддаси)	010				

Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддаси)	010	

**Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотлар
(сўмда)**

№ Кўрсаткичлар	Сатрлар	Тўловчи-нинг маълумотлари бўйича
<p>3 Ҳисобот даври учун ҳисобланган: Ходимларга берилиши лозим бўлган солиқ солинадиган даромад суммаси (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда)*:</p> <p>_____ ойи учун 010 _____ ойи учун 011 _____ ойи учун 012</p>		

- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз миқдори (Бухгалтерия баланси – 720-қатор)нинг ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотлар (005-031-қаторлар)даги худди шундай кўрсаткич билан мувофиқлиги;

(молиявий ва солиқ ҳисоботлари шаклларининг тегишли қисмлари қўйида келтириб ўтилган)

Бухгалтерия баланси – 1-сонли шакл

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
Пассив II. Мажбуриятлар Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720		

**Ҳисобланған ва амалда тұлғанған даромадлар сүммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолынған сүммалари түғрисида мәлумоттар
(сұмда)**

№	Күрсаткышлар	Сатрлар	Түловчининг маълумотлари бўйича
2	Ҳисобот даври бошига қарздорлик: - ходимларга солиқ солинадиган даромадларни тұлаш бўйича (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда)*	005	
5	Ҳисобот даври охирига қарздорлик: - ходимларга солиқ солинадиган даромадни тұлаш бўйича (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда)*	031	

- соғ түшум миқдори («Молиявий натижалар түғрисида ҳисобот» 2-сон шакл (010-қатор))нинг юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобидаги (4-илованинг 010-қатори, 6-илованинг 010-қатори, 9-илованинг 010-қатори, 10-илованинг 010-қатори), қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобидаги (2-илованинг 010-қатори, 4-илованинг 0101-қатори), юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ҳисоб-китобидаги (5-илованинг 010-қатори, 6-илованинг 010-қатори), Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобидаги (090-қатор), Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобидаги (090-қатор), мактаб таълим министрлигиниң ривожлантиришга мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобидаги (090), ягона солиқ тұлови ҳисоб-китобидаги (Ҳисоб-китоб, 5,6-иловаларнинг 010-қатори) худди шундай күрсаткышлар билан мувофиқлиги;

(молиявий ва солиқ ҳисоботлари шаклларининг тегишли қисмлари қўйида келтириб ўтилган)

Молиявий натижалар түркесидаги ҳисобот – 2-сонли шакл

Күрсакчылар номи	Сатр коди	Үтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соғ тушум	010		X		X

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 4-сон илова

Солиқ солишдан озод қўлиниадиган фойда

Имтиёзлар рўйхати	Сатр коди	Сумма		Саломори, %
		1	2	3
нини керак эмас. У текшириш ўтказищда холис бўлиши, учинчи
шахслар томонидан қилинган танқидга эътибор бериши, ҳар хил
ваъдаларга учиши керак эмас. Ўз ишини ҳеч нарсага қарамас-
дан ишонч билан бажариши керак. Солиқ текшируви солиқ тўлов-
чининг мулкий ҳуқуқига тегишли бўлгани учун ўз-ўзидан маъ-
лумки, унинг ҳаракатлари қизиқиш уйғотади. Солиқ тўловчи ва
жамиятнинг ишончи текширувчи шахснинг ҳалоллиги ва адолат-
лигига боғлиқ.

4. Текширувчи чуқур мuloҳаза қиладиган ва узоқни кўра оладиган бўлиши керак. У одамлар томонидан тўлдирилган бухгалтерия ҳисоб-китоблари ва ҳисоботлар қонун талабларига жавоб берадими, йўқми, билиши керак. Бунинг учун бор маълумотлардан ҳақиқатни топа билиш қобилиятига эга бўлиш муҳим ўрин эгаллади.

5. Солиқ тўловчи ўз ишига софдил ёндашиши учун текширувчи солиқ тўловчи устидан раҳбарлик қила олиши керак. Текшириш ва раҳбарлик қилиш – бу мисоли автомобилни тортадиган икки ғилдирги кабидир. Текширишнинг самараси келгусида намоён бўлиши учун текширувчи солиқ тўловчининг ўрнига ўзини кўйиб, унга ёрдам бериши, шу билан бирга раҳбарлик қилиши керак. Текшириш аниқ ва тушунарли тарзда ўтса, солиқ тўловчилар кейинги фаолиятида тегишли бухгалтерия хужжатларини тўғри юритадиган ва солиқ ҳисоботларини тўғри тўлдирадиган бўладилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- 1. Солиқ текширувининг иштирокчилари кимлар ҳисобланади?*
- 2. Солиқ текширувини амалга оширувчилар таркибига қандай ходимлар киради?*
- 3. Текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги маҳсус гувоҳнома тўғрисида нималарни биласиз?*
- 4. Мазкур гувоҳнома қандай тартибда берилади?*
- 5. Солиқ текширувига эксперталар қандай тартибда жалб этилади?*

1.88. Текширув ўтказиш дастурини тузиш қоидалари ва уни тасдиқлаш

Текширув олдидан таҳлил қилиш асосида текшириладиган масалаларнинг тахминий рўйхати (текшириш дастури) шаклланади. Дастур корхонанинг тармоқ ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва йигимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланиши эҳтимоли кўпроқ бўлган солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолияти соҳаларини қамраб олиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ва бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширилиши юзасидан текширув ўтказиш дастурига текширилаётган объектининг ҳуқуқий асослари, тузилиши ва фаолияти бўйича текширилиши лозим бўлган масалалар сифатида қўйидагилар киритилиши зарур:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг ташкил этилиши, давлат идоралари, статистикаси ва солиқ органларида рўйхатдан ҳамда қайта рўйхатдан ўтганлиги. Солиқ тўловчининг идентификацион рақамига эгалиги ва ОКОНХ бўйича корхона фаолият туринг код рақами.

2. Корхонанинг Низомида кўрсатилган ва ҳақиқатдаги манзили. Асосий фаолият тури ва унинг Низомида қайд этилган фаолиятлари (таъсис ҳужжатлари асосида).

3. Таъсис ҳужжатларига мувофиқ Низом жамфармасининг миқдори ва текширув кунига унинг ҳақиқатдаги шакланиши (пул маблағлари сўм ёки валюта, асосий воситалар, товар моддий бойликлари, ақлий (интеллектуал) мулк обьектлари, номоддий активлар ва бошқалар).

4. Мавжуд ер майдони ва бино-иншоотлари бўйича кадастр ҳужжатларининг мавжудлиги, уларга асосан ва ҳақиқатда умумий ер майдонининг ҳажми ва бино-иншоотларнинг қиймати. Ер майдонидан унумли ва мақсадли фойдаланиши.

5. Лицензия талаб қилувчи айrim турдаги фаолиятлари учун лицензиянинг мавжудлиги ва унинг амал қилиш муддатлари.

6. Корхонанинг шўъба корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари, хўжалик ҳисобидаги участкалари ва бошқа бўлинмалари ташкил этилиши. Уларнинг бош (базавий) корхона билан ўзаро молиявий-иқтисодий алоқалари (фойдани тақсимлаш, ўзаро ҳисоб-китоб, молиявий ёрдам ва бошқалар), қўшма фаолият ҳақиқати шартномаларининг мавжудлиги.

7. Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисидаги банк муассасаларида ҳисоб рақамлари мавжудлиги. Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги банк муассасаларида ҳисоб рақамлари очишга рухсатномалари мавжудлиги.

8. Солиқ тўловчи корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи органлар (Молия Вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Прокуратура, Ички ишлар Вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқалар) ва текширувчилик хизматлари то-

монидан олдинги текширувлар бўйича текширув ҳужжатлари мавжудлиги ва уларнинг натижалари бўйича қўлланилган чоралар (ДСИга қайтадан ҳисоб-китоб топширилган, камомад ва ортиқчалик, жиноий иш қўзғатилган ва бошқалар).

9. Акциялар ҳақида маълумот. Акцияларнинг бўлинниши, улар бўйича ҳисобланган дивидендларнинг тўланиши, Давлат улушига тегишли акциялар бўйича дивидендларнинг мақсадли ишлатилиши. Молия бўлинмалари томонидан давлат улушкидаги акциялар бўйича дивидендларнинг тўланишини узайтириш муддати, узайтирилган вақтдаги (ҳолатдаги) корхонанинг солиқ қарзи.

10. Текширилаётган субъектнинг бошқа корхона ва ташкилотлар акцияларига эгалик қилиш, акциялар эвазига олинган дивидендларнинг 2-шаклда акс эттирилиши.

11. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқий асослари, тузилиши ва иш фаолияти тегишли бўлган бошқа масалалар.

Текшириш ўтказиш дастурига хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қонунчилигига риоя этилиши, бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқарилиши ва бюджетта ўз вақтида ўтказилиши бўйича текширилиши лозим бўлган масалалар сифатида қўйидагилар киритилиши зарур:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг «Молиявий натижалар бўйича» ҳисботи, бухгалтерия ҳисобини тузишнинг белгилangan талабларга тўлиқ риоя этилиши ва солиқ тўловчининг молиявий ҳолати.

2. Солиқ тўловчиларнинг шахсий рақамлари (лицевых счетов) асосида ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет билан ўзаро муносабатлари. Тўлов интизомига риоя этилиши.

3. Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг бошқа корхона ёки жисмоний шахсларга, шу жумладан, корхона ходимларига бепул берилиши ёки ҳақини қисман тўлаб берилишига доир айланмалар қўшилган қиймат солигига тортилганлигин текшириш.

Текшириш ўтказиш дастурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказиш бўйича текширилиши лозим бўлган масалалар сифатида қўйидагилар киритилиши зарур:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154-сонли ва 1999 йил 19 июлдаги ПФ-2340-сонли Фармони талабларининг бажарилиши, дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг, шу жумладан муддати ўтгани бўйича таҳлили. Маҳсулотлари 15 % олдиндан тўловсиз жўнатилиши ҳолатлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 авгуstdаги «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1504-сонли Фармони талабларининг бажарилиши.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сонли «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини бажарилиши ва иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 авгуstdаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муоммаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли қарори талабларининг бажарилиши.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартағи «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 125-сонли ва 2002 йил 26 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 407-сонли қарорлари талабларининг бажарилиши.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 511-сонли қарори талабларининг бажарилиши.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 490-сонли қарори талабларининг бажарилиши.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия гаъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги 595-сонли қарори талаблари бажарилиши.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон фармони ва ушбу Фармонни амалга ошириш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли қарори талабларининг бажарилиши.

10.«2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сонли қарори.

11. Назорати солиқ органларига юклатилган бошқа Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларига риоя қилиниши.

Ўтказиладиган текширувларда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган масалалар сифатида қуйидагилар текшириш ўтказиш дастурига киритилиши лозим:

1. Корхонанинг бухгалтерия, омбор ва статистика ҳисоботларига ҳақиқатдаги ишлаб чиқариш ҳажмларини, сотиб олинган хом ашё ва материаллар ҳажмининг мос келиши, шунингдек ҳисобга олинмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хом ашё ва материаллар манбаси, уларнинг сотилиши каналларини текшириш.

2. Етказиб берилган электр энергияси учун тариф ставкаларининг қўлланилиши, энергия манбалари ва коммунал хизматлари ишлаб чиқариш таннархига таъсир этувчи омиллар ҳамда материал ресурсларни сарфланиш меъёрига риоя этилиши, таннархни сунъий ошишига олиб келувчи омилларни ва белгиланган ўлчовлардан ортиқча сарфланган харажатлар ҳисобига кам ҳисобланган фойда солиги суммасини аниқлаш.

3. Корхонага хом ашё, товар-моддий бойликларнинг олиб кирилиши ва чиқарилиши режими (пропускной режим), материал пропускларини маҳсус дафтарларда қайд этилганлитини бирлам-

чи бухгалтерия ҳужжатлари билан солишириш асосида текшириб күриш.

4. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражасини олдинги йиллар билан солиширма таҳлил қилиш.

5. Даъво муддати ўтган кредиторлик қарзларни ўз вақтида молиявий натижалар билан боғлаш.

6. Тайёр маҳсулотлар, асосий воситалар, товар-моддий бойликлар ва бошқаларни рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация қилиш), уларнинг натижалари бўйича тузилган ҳужжатларнинг тўғрилиги, бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирилиши ва камомад ҳамда ортиқчалик бўйича қўлланилган тадбирлар. Зарурат туғилганда танланма инвентаризация ўтказиш. Ноликвид товар маҳсулотлар мавжудлиги сабаби ва уларнинг миқдори.

7. Тайёр маҳсулотлар, товар-моддий бойликлар ва асосий воситаларни қайта баҳолаш ишлари, уларни ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш, бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирилиши ва натижалари бўйича қўлланилган тадбирлар.

8. Пул тўловисиз олинган ва ҳисобдан чиқарилган асосий восита (фонд) ва товар моддий бойликларининг мавжудлиги. Тайёр маҳсулот, товар моддий бойликлар, иш ва хизматпарнинг ҳақиқатдаги таннархидан паст нархларда юклаб жўнатилганлиги ҳақиқатдаги мавжуд фактлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоботида тўғри акс эттирилганлиги.

9. Кўлланилган солиқ имтиёзларининг асослигини ва солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағларидан мақсадли фойдаланганлигини текшириш.

10. Харид қилинаётган маҳсулот ва ашёларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи ёки Республика ҳудуди ташқарисидан импорт сифатига расмий равишда олиб киравчи шахсдан эмас, балки воситачи бўлган хусусий тадбиркорлардан харид қилиниши сабабларини ўрганиш.

11. Тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳамда истеъмолчига маҳсулотларнинг сотилиши баҳоларини таҳлил қилиш.

12. Турли инвесторлардан (банклар, Молия Вазирлиги, корхоналар, инвестиция компаниялари ва бошқалар) олинган кредитлар, замон воситалари, молиявий ёрдам, субсидиялар ва асосий воситалар, уларнинг шартлари ва ўз вақтида қайтарилиши.

Муддати ўтган ва тўлов муддати узайтирилган банк кредитлариининг ҳисобланган фонзлар миқдорини банклардан аниқлаш.

13. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга сарфланиш норма ва нормативлари тасдиқланган ҳужжатлар асосида ишлаб чиқиляётган маҳсулотлар технологияси бўйича ишлаб чиқариш босқичларини, маҳсулот сотиш ва асосий харидорларни ўрганиб таҳлил қилиш. Таҳлилда асосий эътибор маҳсулот тайёрлашга сарфланадиган асосий хом ашёга, шунингдек харажат қилинаётган материаллар таркибининг ҳажмини ташкил қиладиган хом ашёларга қаратилиши керак.

14. Курилиш ишларининг бажарилиши, сметаларнинг мавжудлиги, қилинган ишларни тасдиқловчи ҳужжатларни ҳақиқатда қилинган ишлар билан солиштириш ва шунга оид масалалар.

15. Конверт усулида иш ҳақи берилиши ҳолатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, ҳамда иш ҳақини энг кам иш ҳақидан паст даражада берилиш ҳолатларини таҳлил қилиш.

16. Юқоридагилардан ташқари, дастурда кўрсатилмаган, лекин амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан молиявий-хўжалик фаолияти бўйича назорати солиқ органларига юклатилган бошқа масалалар.

Касса операцияларини текшириш бўйича текшириш ўтказиш дастурига текширилиши лозим бўлган масалалар сифатида қўйидагилар киритилиши зарур:

1. Нақд пул маблағлари ва қумматли қофозларнинг корхона кассасида сақланиши (кассада нақд пул қодикларини тўсатдан рўйхатдан ўтказиш).

2. Касса ҳужжатларини расмийлаштириш ва касса дафтари юритишнинг тўғрилиги.

3. Банкдан олинган, маҳсулот сотишдан тушган нақд пуллар тўлиқ қабул қилиниши ва ишлатилмаган нақд пул қолдиқлари қайтарилишининг ҳаққонийлиги.

4. Корхона кассасидан чиқум қилинган нақд пул харажатининг қонунийлиги (иш ҳақи, моддий жавобгарга, хўжалик харажатларига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олишга ва ҳ.к.)

5. Нақд пул тушумларининг ўз вақтида ва тўлиқ банк муассаларига топширилиши.

Текшириш ўтказиш дастурига хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи-иқтисодий фаолият ва ўтказилган экспорт-импорт операциялари натижалари бўйича текширилиши лозим бўлган

масалалар ҳам киритилиши зарур. Ушбу масалалар Давлат солиқ қўмитасининг «Валюта ва экспорт-импорт операциялари»ни назорат қилиш» Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги қўйи тизилмалари ходимлари томонидан текширилади. Ушбу бошқарма ходимлари томонидан текширувлар натижаси бўйича аниқланган солиққа оид камчиликлар бўйича тузилган хуроса ва кўрсатмаларни ўзида акс эттирган оралиқ далолатнома тузилади (текширув дастури алоҳида тақдим этилади).

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1. Солиқ текшируви дастури нима мақсадда тузилади?*
- 2. Солиқ текшируви дастури ким учун тузилади?*
- 3. Текширув дастурини тузишда қандай талаблар қўйилади?*
- 4. Текширув дастурига қандай масалалар киритилади?*
- 5. Текширув дастури ким томонидан тузилади ва қандай тартибда тасдиқланади?*

II. ЖОЙИДА ТЕКШИРИШ ҮТКАЗИШ

2.1§. Солиқ текширувининг бошланишида амалга ошириладиган дастлабки ишлар

Жойида, яъни текширув тайинланган хўжалик юритувчи субъектлар (тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари)нинг ҳузурига борган ҳолда үтказиладиган солиқ текширувлари мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилади.

Маълум бир хўжалик юритувчи субъект фаолияти бўйича солиқ текширувни үтказишга тайинланган солиқ органининг мансабдор шахси хўжалик юритувчи субъектларниңг молия-хўжалик фаолияти юзасидан текширишни (тафтишни) бошлашдан олдин, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида нақд пул тушумларига тааллуқли масалалар юзасидан қисқа муддатли текширув үтказилаётганда эса солиқ текшируви тугаллангунига қадар қўйидаги мажбуриятларни, жумладан:

солиқ тўловчини солиқ текширувининг мақсади билан таништириши;

ўз хизмат гувоҳномасини, шунингдек текширишларни үтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги маҳсус гувоҳномасини кўрсатиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишларни қайд этиш дафтарини тўлдириши;

агар текширув режали тарзда үтказилаётган бўлса солиқ тўловчига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма нусхасини, солиқ тўловчига нисбатан жиноий иш қўзгатилган бўлса, жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш жараёнида текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органнинг режадан ташқари солиқ текшируви ёки муқобил текширув (Солиқ кодекси 88-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган асосларга кўра режадан ташқари үтказиладиган текширув бундан мустасно) үтказиш тўғрисидаги қарори кўчирма нусхасини, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг тегишли

солиқ текшируви тайинланганлиги тұғрисидаги буйруғининг ҳамда солиқ текширувини ўтказиш дастурининг күчирма нусхаларини топшириб, тилхат олиши шарт.

Солиқ текширувини ўтказишга асос бўлган юқорида қайд этиб ўтилган ҳужжатлар солиқ тўловчига (тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётган жисмоний шахс ёки юридик шахсларниң мансабдор шахсларига) топширилган пайт солиқ текширувини ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади. Солиқ тўловчининг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги солиқ текширувини бекор қилиш учун асос бўлмайди ва ушбу ҳолатда текширувчи томонидан солиқ тўловчининг ҳужжатларни олишдан бош тортганлигини тасдиқлайдиган далолатнома тузилади ҳамда унинг ўзи ва солиқ тўловчи томонидан имзоланади. Солиқ тўловчи ушбу далолатномани имзолашдан ҳам бош торгадиган бўлса, бу ҳақда далолатномага тегишли ёзув киритилади. Бундай ҳолда далолатнома имзоланган пайт солиқ текширувини ўтказишнинг бошланиши ҳисобланади. Солиқ текширувини ўтказувчи давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсига солиқ текширувни ўтказиш учун солиқ тўловчининг ҳудудига ва жойларга киришига тўсқинлик қилинганди, бу ҳақда далолатнома тузади ҳамда унинг ўзи ва солиқ тўловчи томонидан имзоланади. Солиқ тўловчи мазкур далолатномани имзолашдан ҳам бош торгадиган бўлса, бу ҳақда ушбу далолатномага ҳам тегишли ёзув киритилади.

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказётган мансабдор шахсларига солиқ тўловчининг ҳудудига ва жойига (туар жой бинолари бундан мустасно) киришига тўсқинлик қилганлик, шунингдек, давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Солиқ органлари мансабдор шахслари (текширувчилари) томонидан амалга оширилаётган ҳужжатли солиқ текшируви буйруқда кўрсатилган муддат оралиғида, қисқа муддатли текширишлар эса текшириш бошланган пайтдан бошлаб саккиз соат давомида амалга оширилади.


Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти юзасидан амалга оширилаётган солиқ текширувида мазкур солиқ тўловчи томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва

ўз вақтида тұланишини назорат қилиш текширишнинг предмети ҳисобланади.

Солиқ органлари мансабдор шахслари (текширувчилари) текширув давомида қүйидаги масалаларга зәтибор бериши зарур:

(6-расм)

Режали текширувдан аввал, солиқ инспекторлари ҳар бир солиқ тури бүйіча ҳисобот ва ҳисоб-китобларни камерал назоратдан (жойига чиқмасдан) ўтказадилар.



6-расм. Текширувчилар томонидан текширув давомида зәтибор бериш зарур бўлган масалалар

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Солиқ текширувининг бошланышы деганды нимани тушиунасиз?

2. Солиқ текшируви қачон бошланган деб ҳисобланади?

3. Тафтиш билан қисқа муддатлы текширишилардаги текширишининг бошланышыда қандай фарқ мавжуд?

4. Солиқ текширувининг бошланышыда қандай тадбирлар амалга оширилиши керак?

5. Текширувнинг бошланышыда солиқ тўловчиларга қандай ҳуэжжатлар тақдим этилиши керак?

2.2§. Солиқ текширувлари жараёнида қўлланиладиган усуллар

Солиқ текшируви ўтказилаётган жараёнда Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахслари солиқ тўловчиidan солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни (жумладан, даромад ва харажатлар билан боғлиқ бирламчи ҳужжатлар, ишлаб чиқарилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни тасдиқловчи ҳужжатлар, банк ва касса операциялари билан боғлиқ ҳужжатлар, молиявий ва солиқ ҳисоботлари ва б.) талаб қилиб олишга ҳақли ҳисобланади. Бундан ташқари зарурат бўлганда, солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектлари билан боғлиқ ҳудудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ҳамда бошқа бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечирилади. Кўздан кечириш жараёнида зарур ҳолларда фото ва киносуратга олиниши, видеоёзувга туширилиши, ҳужжатлардан кўчирма нусхалар олиниши ҳам мумкин. Шу билан биргаликда, солиқ тўловчининг мол-мулкини (асосий воситаларини, омбордаги сотищ учун мўлжалланган ва сотиб олинган товарларини, кассадаги нақд пул маблағлари ва қимматбаҳо қофозларини, савдо пештахтасидаги товарларни) инвентаризациядан ўтказади.

Солиқ текшируви ўтказилаётган жараёнда Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахслари текширилаётган солиқ тўловчиidan талаб қилиб олинган ҳужжатлар ва улардаги маълумотларни ўзида мавжуд маълумотлар билан солиштириши, таққослаши, ноаниқликлар (тузатилган, чатилган ҳужжатлар) бўйича солиқ тўловчи мансабдор шахсларидан тушунтириш хатлари олиши, ҳужжатларни текширишда «станлама текшириш» усулидан фойдаланиши, айrim ҳужжатлар ва ҳуқуқбузарлик предметларини олиб қўйиши мумкин. Булардан ташқари, зарур ҳолларда текшириш жараёnlарига холислар ва экспертларни жалб қилиши мумкин.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганилигидан да-
лолат берувчи ҳужжатлар ва ҳуқуқбузарлик предметлари солиқ
текширувини ўтказаётган давлат солиқ хизмати органи мансаб-
дор шахсининг асослантирилган қарори асосида, солиқ тўловчи-

нинг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш эса фақат суд қарори асосида амалга оширилади. Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси томонидан ҳужжатлар ва предметларни ихтиёрий тартибда солиқ тўловчининг иштирокида ёки мажбурий тартибда холислар ҳамда солиқ тўловчи иштирокида олиб қўйилади. Ҳужжатлар асл нусха ёки кўчирма нусхалар кўринишида олиб қўйилади.

Солиқ тўловчи ҳужжатлари кўчирма нусхаларининг олиб қўйилиши солиқ назоратини амалга ошириш учун етарли бўлмаган ҳолларда ҳамда давлат солиқ хизмати органларида ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, тузатилиши ёки алмаштирилишига етарли асослар бўлган ҳолларда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ҳужжатларнинг асл нусхасини олиб қўйишга ҳақли. Ҳужжатларнинг асл нусхалари олиб қўйилаётгандан улардан кўчирма нусхалар тайёрланади, бу нусхалар давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси томонидан имзоланади ва кимдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга берилади. Ҳужжатларни олиб қўйиш билан бир вақтнинг ўзида улардан кўчирма нусха тайёрлаш ёки тайёрланган кўчирма нусхаларни бериш имконияти бўлмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи уларни ҳужжатлари олиб қўйилган шахсга олиб қўйилган кундан эътиборан беш кун ичida беради. Қолган ҳолларда солиқ тўловчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари олиб қўйилади.

Ҳужжатлар ва предметлар олиб қўйилган тақдирда икки нусхада баённома тузилади ва унда қўйидагилар кўрсатилади: (7-расм)

Ҳаракатларнинг амалга оширилишида иштирок этган ва (ёки) ҳозир бўлган барча шахслар баённомани ўқиб чиқадилар. Мазкур шахслар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ҳақли ва бу фикр-мулоҳазалар баённомага киритилиши ёки солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилиши лозим. Баённома давлат солиқ хизмати органининг баённомани тузган мансабдор шахси, шунингдек ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этган ва (ёки) ҳозир бўлган шахслар томонидан имзоланади. Баённомага фотосуратлар ва негативлар, киноленталар, видеоёзувлар ҳамда ҳаракатлар амалга оширилганда бажарилган бошقا материаллар илова қилиниши мумкин.

**Хужжатлар ва предметларни олиб қўйилганда тузиладиган баённомада
кўрсатилиши лозим бўлган масалалар**



7-расм. Хужжатлар ва предметларни олиб қўйилганда тузиладиган баённомада кўрсатилиши лозим бўлган масалалар

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Солиқ текшируви усуллари дегандан нимани тушунасиз?
2. Текшириши жараёнида қандай тадбирлар амалга оширилиши мумкин?
3. Танлама текшириши дегандан нимани тушунасиз?
4. Ҳужжатларни солиштириши, инвентаризация, муҳрлаш, кўздан кечириши тушунчаларининг моҳияти нимада?
5. Қандай ҳолларда ва қай тартибда жавобгар шахслардан тушунтиришилар олинади?

2.3§. Солиқ текшируви жараёнида мол-мулкини инвентаризациядан ўтказиш

Солиқ текширувни ўтказаётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари, зарурат бўлганда, солиқ тўловчи нинг мол-мулкини инвентаризациядан ўтказиши мумкин. Солиқ текширувларини ўтказиш вақтида мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиши Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (1996 йил 30 августдаги

№279-І сонли), 4-сон Бухгалтерия ҳисоби миллдий стандартлари (БХМС) («Товар-моддий захиралар», Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган), 5-сон БХМС («Асосий воситалар», Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва 19-сон БХМС («Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш», Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Инвентаризацияни, солиқ текширувини ўтказиш, солиқ тўловчиликлар тўғрисида бошқа манбалардан олинган маълумотлар таҳлили ва (ёки) уларнинг ҳудудлари ва жойларини кўздан кечириши жараёнида бухгалтерия ва солиқ ҳисобида акс этирилмаган товар-моддий бойликлар, асосий воситалар ёки бошқа мол-мулк мавжуд ёхуд бухгалтерия ва солиқ ҳисоби ҳужжатларида тегишли маълумотлар бўлгани ҳолда ушбу мол-мулк ва қимматликлар мавжуд эмас деб тахмин қилишга асос бўлгандা, шунингдек бошқа зарур ҳолларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Қаерда бўлишидан қатъи назар, ташкилотга тегишли бўлган, шунингдек унга тегишли бўлмаган, бироқ бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъул сақлашда турган, шартномага кўра ижарага олинган, қайта ишлашга олинган, комиссияга қабул қилинган) мол-мулк, шунингдек муайян сабабларга кўра ҳисобга олинмаган мол-мулк ва мажбуриятларнинг барча турлари инвентаризациядан ўтказилиши мумкин.

Инвентаризация қилишнинг асосий мақсадлари мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс этирилганлигини текширишдан иборатdir. Жойлашган ери ва барча турдаги молиявий мажбуриятларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектнинг барча мол-мулки инвентарланиши керак. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш захиралари ва хўжалик юритувчи субъектга қарашли бўлмаган, лекин бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъулиятли сақланышда бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) бошқа турдаги мол-мулклар, шунингдек, бирор-бир сабабга кўра ҳисобга олинмаган мол-мулк инвентарланиши керак.

Мол-мулкни инвентаризация қилиш унинг жойлашган ери ва моддий жавобгар шахс бўйича ўтказилади. Инвентаризация қилишни ўтказиш учун хўжалик юритувчи субъектлар таркибида:

хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки унинг ўринбосари (комиссия раиси);

бош бухгалтер;

бошқа мутахассислар (муҳандислар, иқтисодчилар, техниклар ва ҳоказолар) бўлган доимий ишлайдиган инвентаризация қилиш комиссиялари тузилади.

Инвентаризация қилиш комиссияси таркибига хўжалик юритувчи субъектнинг ички аудит вакиллари киритилиши мумкин. Комиссия таркибига инвентарланаётган бойликлар, нархлар ва бирламчи ҳисобни яхши биладиган тажрибали ходимлар киритилиши керак. Биргина моддий жавобгар шахсларда худди шу ходимни кетма-кет икки марта ишчи инвентаризация қилиш комиссиясининг раиси қилиб тайинлаш тақиқланади.

Инвентаризация қилиш комиссиялари аъзолари товарлар, материаллар ва бошқа бойликлар камомади ва ишлатиб юборгани ёки ортиқча чиққанини яшириш мақсадида рўйхатга бойликларнинг ҳақиқатдаги қолдиқлари тўғрисида атайлаб ногўри маълумотларни киритганлик учун белгиланган тартибга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Мол-мulkнинг ҳақиқатдаги мавжудлигини текширишни бошлашдан олдин инвентаризация қилиш комиссияси инвентаризация қилиш пайтидаги энг сўнгги кирим-чиқим ҳужжатларини ёки моддий воситалар ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисботларни олиши керак.

Инвентаризация қилиш комиссиясининг раиси ҳисботларга илова қилинган барча кирим-чиқим ҳужжатларига «инвентаризация қилишгача ...да (сана)» деб кўрсатган ҳолда виза қўяди, бу эса бухгалтерияга ҳисоб маълумотлари бўйича инвентаризация қилишини бошлаш пайтида мол-мulk қолдиқларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Моддий жавобгар шахслар инвентаризация қилиш бошланишига қадар мол-мulkка доир барча кирим-чиқим ҳужжатлари бухгалтерия ёки комиссияга топширилгани ва улар жавобгарлигига келиб тушган барча бойликлар кирим қилингани, чиқиб кетгандлари эса чиқимга ҳисобдан ўчирилгани тўғрисида тилхат берадилар. Мол-мulkни сотиб олишига ҳисбот бериладиган суммалари ёки уни олиш учун ишончномалари бўлган шахслар ҳам шундай тилхат берадилар.

Инвентаризация қилишини ўтказиш олдидан ишчи инвентаризация қилиш комиссиялари аъзоларига буйруқ, комиссия раис-

ларига эса пломбир топширилади (инвентаризация қилиш комиссияси ишлайдиган бутун иш вақтида пломбир комиссия раисида сақланади). Буйруқда инвентаризация қилишини ўтказишга доир ишни бошлаш ва тугатиш муддатлари белгиланади.

Солиқ тұловчининг мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш асосий воситалар, номоддий активлар, ишлаб чиқариш захиралари, пул маблағлари ва бошқа молиявий активларни инвентаризациядан ўтказишни ўз ичига олади.

Асосий воситаларни инвентаризациядан ўтказишни бошлашдан аввал құйидагилар текширилади:

асосий воситаларни ҳисобга олиш бүйіча инвентаризация қилиш карточкалари, инвентаризация қилиш хатлови ва рўйхатлари мавжудлиги ва ҳолатини;

техник паспортлар ёки болқа техник ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини;

субъект ижарага, масъул сақлашга топширган ёки қабул қиласын асосий воситаларнинг ҳужжатлари мавжудлигини. Ҳужжатлар бўлмаганда улар олиниши ёки расмийлаштирилишини таъминлаш зарур.

Номоддий активлар инвентаризациядан ўтказилганда қуйидагиларни текшириш тавсия этилади:

а) номоддий активлар ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттирилганлигини;

б) ташкилотнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (патентлар, лицензия битимлари, товар белгилари ва б.) мавжудлигини.

Мол-мулк, шу жумладан товар-моддий захиралар қолдиқлари моддий жавобгар ва мансабдор шахс (солиқ тұловчи) ҳозирлигига олинади. Агар мол-мулк бир неча кун давомида инвентаризациядан ўтказилса, инвентаризацияланыётган мол-мулк сақланадиган хона ҳар куни моддий жавобгар шахс ҳозирлигига муҳрланади. Инвентаризациядан ўтказиладиган асосий воситалар, товар-моддий бойликлар рўйхати тузилиб, уни солиқ хизмати органи ходими, солиқ тұловчининг моддий жавобгар ва мансабдор шахслари имзолайдилар.

Асосий воситалар обьектнинг мақсадига кўра номланиши бўйича рўйхатга киритилади. Агар обьект тикланган, реконструкция қилинган, кенгайтирилган ёки қайта жиҳозланган ва бунинг натижасида унинг асосий мақсади ўзгарган бўлса, у

янги мақсадига мувофиқ номланишда рўйхатга киритилади. Бир хил қийматли, битта цех ёки бўлимга бир вақтда келиб тушган ва битта намунавий инвентаризация қилиш карточкасида ҳисобга олинадиган хўжалик анжомлари, асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ва бошқаларнинг бир турдаги предметлари инвентаризация қилиш рўйхатларида ушбу предметлар миқдорини кўрсатган ҳолда номланиши бўйича қайд этилади. Ҳисобга қабул қилинмаган объектлар, шунингдек ҳисоб регистрларида уларни тавсифловчи маълумотлар келтирилмаган ёки нотўғри маълумотлар келтирилган объектлар аниқланганда текширувчи инвентаризация қилиш рўйхатига ушбу объектлар бўйича етишмаётган, тўғри маълумотларни ва техник кўрсаткичларни киритади. Инвентаризациялашда аниқланган ҳисобга олинмаган объектлар (асосий воситалар) жорий қийматига кўра баҳоланади. Тугалланмаган капитал қурилиш инвентаризациядан ўтказилганда консервацияланган объектлар ва қурилиниши вақтинча тўхтатилган объектлар ҳолати текширилади.

Товар-моддий захиралар инвентаризация қилиш рўйхатларида ҳар бири алоҳида номланиши бўйича номенклатура рақами, тури, гуруҳи, артикули, нави ва миқдори кўрсатилган ҳолда акс эттирилади. Товар-моддий захиралар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни моддий жавобгар шахснинг оғзаки тушунтиришларига таяниб ёки уларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текширмай туриб, ҳисоб маълумотларига кўра рўйхатларга киритиш тақиқланади. Бошқа ташкилотлар омборларида сақланяётган товар-моддий захиралар ушбу товар-моддий захиралар масъул сақлашга топширилганligини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида, уларнинг номи, миқдори, нави, ҳақиқий қиймати (ҳисоб маълумотларига кўра), юк сақлашга топширилган сана, сақлаш жойи, ҳужжатлар рақами ва тузилган санаси кўрсатилган ҳолда инвентаризация қилиш рўйхатларига киритилади. Келиб тушган товар-моддий захиралар кирим қилинмагани далиллари аниқланганда уларни қабул қилган шахсларнинг тушунтириш бериши талаб қурилиниши мумкин.

Инвентаризация қилиш пайтида ҳисоб маълумотларида тафовутлар аниқланган бойликлар бўйича солишиши қайдномалари тузилади. Мазкур қайдномаларда инвентаризация қилиш натижалари, яъни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича

кўрсаткичлар ва инвентаризация қилиш рўйхатлари (далолатномалари) маълумотлари ўртасидаги тафовутлар акс эттирилади. Товар-моддий бойликлар ортиқча ёки кам чиқсан ҳолларда уларнинг қиймати солиштириш қайдномаларида бухгалтерия ҳисобидаги баҳосига мувофиқ келтирилади. Инвентаризация қилиш натижаларини расмийлантириш учун ягона регистрлар қўлланилади.

Корхонага тегишли бўлмаган, лекин бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъулиятли сақланишда бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) бойликларга алоҳида солиштириш қайдномалари тузилади.

Текширишлар пайтида аниқланган бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларидаги фарқлари қўйидагича тартибга солинади:

- ортиқча чиқсан асосий воситалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк кирим қилиниши ва тегишлича хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига ёки бюджет ташкилотини молиялашни (фондларни) кўпайтиришга қайд этилиши, кейинчалик ортиқча чиқиши сабаблари ва айбор шахслар аниқланиши керак;

- белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг фармойишига кўра ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ёки бюджет ташкилотини молиялашни (фондларни) камайтиришга ҳисобдан ўчирилади. Йўқолиш меъёрлари ҳақиқатда камомад аниқланган тақдирдагина қўлланиши мумкин.

Бунда белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши бойликлар камомади қайта навларга ажратишдаги ортиқча мол билан ҳисобга олгач белгиланишига эътибор берилади. Агар белгиланган тартибда ўtkазилган қайта навларга ажратиш бўйича ҳисобга олингандан кейин ҳам бойликлар камомади мавжуд бўлса, табиий йўқолиш меъёрлари камомад аниқланган бойликлар номи бўйичагина қўлланиши мумкин.

Тасдиқланган меъёрлар бўлмаган тақдирда йўқолиш меъёрлардан ортиқча камомад сифатида қаралади;

- йўқолиш меъёрларидан ортиқча бойликлар камомади, шунингдек, бойликлар бузилишидан кўрилган талафотлар айбор шахсларга юкланади.

Суиистеъмолликлар оқибати бўлган камомад ва талафотлар аниқланганда тегишли материаллар камомад ва талафотлар аниқлангандан сўнг 5 кун давомида тергов органларига берилиши керак, аниқланган камомад ва талафотлар суммасига эса фуқаролик даъвоси тақдим этилади;

- бойликларнинг йўқолиш ва бойликлар бузилиши туфайли талафотлар меъёрларидан ортиқча камомади, камомад ва бузилишларнинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ҳолларда, Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харжатлари таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ҳисобдан чиқарилиши ёки бюджет ташкилотида молиялашни (фондларни) камайтиришга қайд этилиши мумкин.

Бунда бойликларнинг йўқолиш ва бойликлар бузилиши туфайли талафотлар меъёрларидан ортиқча камомадини ҳисобдан ўчиришни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларда ана шундай камомад ва талафотларнинг олдини олиш бўйича қабул қилинган чоралар кўрсатилиши керак.

Бойликлар бузилиши факти тўғрисидаги хulosалар техник назорат бўлими ёки сифат бўйича тегишли инспекциялардан олиниши керак. Табиий йўқолиш меъёрларидан ортиқча бойликлар камомади ва бузилишини ҳисобдан ўчиришни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларда тергов ёки суд органларининг айбдор шахслар йўқлигини тасдиқлайдиган ёки айбдор шахслардан зарар ундирилиши рад этилган қарорлари ёки техник назорат бўлими ёки тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлардан (сифат бўйича инспекциялар ва ҳоказолардан) олинган бойликлар бузилиши факти тўғрисида хulosса бўлиши керак.

Қайта навларга ажратиш натижасида ортиқча чиқиш ва камомадларнинг ўзаро ҳисобга олинишига биргина текширилаётган давр учун, биргина текширилаётган шахсда, биргина номдати товар-моддий бойликларга нисбатан ва ишончли шахс рухсатига кўра айнан бир хил миқдорларда истисно тарзида йўл қўйилиши мумкин. Йўл қўйилган қайта навларга ажратиш тўғрисида моддий жавобгар шахслар ишончли шахсга батафсил тушунтириш тақдим этадилар. Моддий жавобгар шахслар айби бўлмаган ҳолда қайта навларга ажратишда ҳосил бўлган қийматдаги

камомад фарқига инвентаризация қилиш баённомаларида бундай фарқ айбдор шахсларга киритилмаслиги хусусида муфассал тушунтириш берилиши керак.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1. Солиқ текшируви жараёнида нима мақсадда инвентаризация ўтказилади?*
- 2. Инвентаризация натижаларининг тўғрилигига ким жавобгар ҳисобланади?*
- 3. Инвентаризация натижалари қандай тартибда расмийлаштирилади?*
- 4. Солиқ текширувларини ўтказиш вақтида мол-мулкни инвентаризациядан ўтказши қайси меъёрни ҳужжатларга мувофиқ тарзда амалга оширишини лозим?*

2.4§. Касса ва касса операцияларини тафтиш қилиш

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек, фуқаролар иштирокидаги, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ ҳисоб-китоблар нақдсиз тартибда банк муассасалари орқали амалга оширилади. Банк муассасаларидан ташкилотлар олган нақд пуллар улар қандай мақсад билан олингган бўлса, ўша мақсад учунгина сарфланади.

Ҳар бир ташкилот нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қассага эга бўлиши керак. Нақд пулларни қабул қилиш, бериш ва вақтингчалик сақлаш учун мўлжалланиб, маҳсус жиҳозланган ҳамда ажратиб қўйилган хона касса деб номланади. Ташкилотларнинг раҳбарлари кассани жиҳозлашлари ва касса хонасида, шунингдек, банк муассасасидан етказиб бериш ҳамда банк муассасасига топшириш пайтида пуллар сақланишини таъминлашлари шарт ва уларнинг айби билан сақлаш ҳамда ташиби вақтида пул маблағларининг сақланишини таъминлайдиган зарур шарт-шароитлар яратилмаган ҳолларда тегишли қонун ҳужжатлари билан белгилантган тартибда жавоб берадилар.

Ташкилотлар ўз кассасида кассадаги нақд пуллар қолдиги лимитлари доирасида нақд пулларга эга бўлишлари ва меъёрлар

доирасида тушумдан уларни ишлатишлари мумкин. Кассалардаги нақд пуллар қолдиги лимитлари ва тушумни ишлатиш мөйёрларини банк муассасалари ушбу ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда белгилайди, Зарурият туғилганда кўрсатилган лимитлар қайта кўриб чиқилиши мумкин. Мулкчилик шаклидан қатъи назар савдо ва маиший хизматлар соҳаси ташкилотларининг тушумдан иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлашга фойдаланишлари ман этилади. Келиб тушган тушум пулларини сарфлаш ҳуқуқи Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан назарда тутилган ташкилотларга берилади.

Кассада нақд пуллар қолдигининг белгиланган лимитларидан ортиқча бўлган барча нақд пулни ташкилотлар банк муассасаси билан келишилган тартиб ва муддатларда ҳисобварақларга ёзиш учун топширишлари шарт.

Нақд пуллар:

- а) банк муассасаларининг кундузги ва кечки кассаларига;
- б) банк муассасаларига топшириш учун инкассаторларга;
- в) банк муассасаларига топшириш учун ташкилотлар қошидаги бирлашган кассаларга;
- г) банк муассасаларидағи ҳисобварақларга ўтказиш учун алоқа корхоналарига топширилиши мумкин.

Ташкилотлар ўз кассаларида улар томонидан белгиланган лимитлардан ортиқча нақд пулни иш ҳақи, мукофотлар, ижтимоий сугурта бўйича нафақалар, стипендиялар, пенсияларни тўлаш учун ва банк муассасасида пул олинган кунни ҳисобланганда, фақат 3 иш кунидан ошмаган муддатга (банк муассасаларидан анча олисда жойлашган ташкилотлар учун – 5 иш кунига-ча) сақлаш ҳуқуқига эгалар.

Тайёрлов ташкилотлари учун касса лимитига бандидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини топширувчилар билан нақд пулда ҳисоб-китоб қилишлар учун олинган суммалар киритилмайди.

Хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар учун ҳисобот бериладиган нақд пулларни бериш мазкур ҳудудда амал қиласидан тартибга мувофиқ ана шу мақсадлар учун хизмат сафарларига юборилган шахсларга бериладиган суммалар доирасида амалга оширилади.

Ҳисобот бериладиган сарфланмаган нақд пуллар улар бериладиган муддат тугаганидан кейин 3 кундан кечиктирмай ташкилот кассасига қайтарилиши керак.

Ҳисобот бериладиган нақд пулларни олган шахслар ташкилот бухгалтериясига ёки марказлаштирилган бухгалтерияга сарфланган суммалар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишлари шарт. Ҳисобот бериладиган нақд пулларни бериш илгари ҳисобот бериш шарти билан берилган суммалар бўйича тўлиқ ҳисобот берилгач амалга оширилади.

Нақд пулларни қабул қилиш ва топшириш бўйича касса операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тасдиқланган бирламчи ҳисоб ҳужжатлари шакллари билан расмийлаштирилади.

Нақд пулларни қабул қилиш ва топшириш ҳамда касса ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби

Ташкилотлар кассалари томонидан нақд пулларни қабул қилиш бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланган кирим касса ордерлари бўйича амалга оширилади. Пул қабул қилинаётганда бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланган, кассир муҳри (штампи) билан тасдиқланган квитанция берилади. Ўз навбатида, ташкилотлар кассасидан бошқа ташкилотлар эҳтиёжлари учун нақд пул берилиши ман этилади. Ташкилотлар кассасидан нақд пул берилиши чиқим касса ордерлари ёки тегишлича расмийлаштирилган бошқа ҳужжатлар (тўлов қайдномалари, пул бериш бўйича аризалар, ҳисобварақлар ва ҳоказолар) бўйича, ушбу ҳужжатларга чиқим касса ордерининг реквизитлари бўлган штамп қўйилган ҳолда амалга оширилади. Пул беришга доир ҳужжатлар ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери ёки улар ваколат берган шахслар томонидан имзоланган бўлиши керак.

Чиқим касса ордерларига илова қилинадиган ҳужжатлар, аризалар, ҳисобварақлар ва ҳоказоларда ташкилот раҳбарининг ижозат берувчи ёзуви бўлган тақдирда, чиқим касса ордерларида раҳбарнинг имзоси бўлиши шарт эмас.

Бюджет муассасаларига хизмат кўрсатадиган марказлаштирилган бухгалтерияларда берилган иш ҳақининг умумий суммасига битта чиқим касса ордери тузилади, унинг санаси ва рақами ҳар бир тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномасига қўйилади.

Тайёрлов ташкилотлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини топширувчиларга нақд пул берилишини иш кунининг тугагани-

дан кейин, кун давомида тайёрлов квитанциялари бўйича берилган барча пуллар суммаларига умумий чиқим касса ордерини тузиш орқали амалга оширишлари мумкин. Чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат бўйича алоҳида шахсга пул бериш пайтида кассир олувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат кўрсатишни талаб этади, ҳужжатнинг номи ва рақамини, ким томонидан ва қачон берилганини ёзib олади ва олувчидан тилхат олади. Агар чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат пул олиш учун бир неча шахс номига тузилган бўлса, олувчилар ҳам улар шахсини тасдиқлайдиган кўрсатилган ҳужжатларни кўрсатадилар ва тўлов ҳужжатларининг тегишли устунига имзо чекадилар.

Ташкилотда пул берилиши мазкур ташкилот томонидан берилган гувоҳнома бўйича, унда эгасининг сурати ва шахсий имзоси бўлган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Пул олишга доир тилхат фақат сиёҳ ёки шарикли ручка пастасида ўз қўли билан ёзган ҳолда, олинган суммани: _____ сўмни _____ ёзув билан, _____ тийинни _____ рақам билан кўрсатиб амалга оширилиши мумкин. Қайднома бўйича пул олинаётганида сумма ёзув билан кўрсатилмайди.

Ташкилотнинг рўйхат таркибида бўлмаган шахсларга пул берилиши ҳар бир шахсга алоҳида ёзиладиган чиқим касса ордерлари бўйича ёки тузилган шартномалар асосида алоҳида қайднома бўйича амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик ва юқ ортиш-тушириш ишларига, шунингдек, табиий оғатларни тутагиши учун жалб этиладиган шахсларга пул берилиши қайднома бўйича амалга оширилиши мумкин. Қайдномалар ходимлари кўрсатилган ишларга юборилган ҳар бир ташкилот бўйича алоҳида тузилади ва ишлар ташкилотчиси бўлган ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери имзосидан ташқари тегишли ташкилотнинг ваколат берилган шахси томонидан тасдиқланади.

Кассир пулни фақат чиқим касса ордерида ёки ишончномада кўрсатилган шахсга беради. Агар пул берилиши белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўйича амалга оширилса, ордер матнида пул олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исмидан кейин бухгалтерия томонидан пул олиши ишонилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади. Агар пул қайднома бўйича берилса, пул олишда тилхат олдига кассир

«Ишончнома бўйича» деб ёзиб қўяди. Пулни ишончнома бўйича бериш юқорида қайд этилган талабларга мувофиқ амалга оширилади. Ишончнома кассирда қолади ва чиқим ордери ёки қайдномага тиркаб қўйилади.

Иш ҳақи, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ва мукофотларни кассир тўлов (ҳисоб-китобтўлов) қайдномалари бўйича амалга оширади, бунда ҳар бир пул олувчига чиқим касса ордери гузилмайди.

Тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномасининг титул варагида (саравағида) корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг ёки улар ваколат берган шахсларнинг имзолари билан пул беришга руҳсат бериш тўғрисида ёзиб қўйилади, бунда пул бериш муддатлари ва сумма ёзув билан кўрсатилади.

Меҳнат ҳақини тўлаш учун пулни бир галги беришларда (таътилга чиқиш, касал бўлиш ва ҳоказо ҳолатларда), шунингдек, депонентдаги суммаларни ва бир неча шахсга хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларга ҳисбот бериш шарти билан пул берилгандан ҳам уларни шундай тартибда расмийлаштириш мумкин.

Алоҳида шахсларга меҳнат ҳақини тўлаш учун пул бир галги берилгандан, одатда, чиқим касса ордерларидан фойдаланилади.

Иш ҳақи, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ва мукофотларни тўлашнинг белгиланган муддатлари тугаши билан кассир:

а) тўлов қайдномасида иш ҳақи, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ёки мукофотлар тўланмаган шахслар фамилияси тўғрисига штамп қўйиши ёки қўлда «Депонентланган» деб белги қўйиши;

б) депонентланган суммалар реестрини тузиши;

в) қайднома охирида ҳақиқатда тўланган сумма ва иш ҳақи, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ёки мукофотларни тўлашнинг олинмаган, депонентланиши керак бўлган суммаси тўғрисида ёзиб қўйиши, ушбу суммаларни тўлов қайдномаси бўйича умумий якун билан солиштириши ва ёзувни ўз имзоси билан тасдиқлаши керак. Агар пулни кассир эмас, балки бошқа шахс берган бўлса, қайдномага қўшимча равишида «Пулни қайднома бўйича берди (имзо)» деб ёзиб қўйилади. Пулни кассир ва тарқатувчи битта қайднома бўйича бериши ман этилади;

г) кассир касса дафтариға ҳақиқатда тұланған сүммани ёзиши ва қайдномага « -сон чиқим касса ордери» штампини қўйиши шарт.

Бухгалтерия кассирлар томонидан тұлов қайдномаларига қилинған белгиларни текширади ва улар бүйича берилған ҳамда депонентланған сүммаларни ҳисоблады. Депонентланған сүммалар банк мұассасасига топширилади ва топширилған сүммаларга битта умумий чиқим касса ордери тузилади.

Кирим касса ордерлари ва уларга доир квитанциялар, шунингдек, чиқим касса ордерлари ва улар үрнини босувчи ҳужжатлар бухгалтерия томонидан сиёҳ ёки шарикли ручка пастасида аниқ ва равшан ёзилиши ёхуд ёзув ҳисоблаш машинкасида бажарилиши керак. Ушбу ҳужжатларда, ҳатто эслатиб ўтиш билан ҳам ҳеч қандай ўчириб ёзиш, ўчириш ёки тузатышларга йўл қўйилмайди.

Кирим ва чиқим касса ордерларида уларни тузиш учун асос кўрсатилади ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар саналади.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг үрнини босувчи ҳужжатларни пул топширадиган ёки оладиган шахслар қўлига бериш ман этилади.

Касса ордерлари бүйича пул қабул қилиш ва топшириш факт улар тузилған кунда амалга оширилиши мумкин.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг үрнини босувчи ҳужжатларни олганда кассир:

а) ҳужжатларда корхона бош бухгалтери имзосининг, чиқим касса ордерида ёки унинг үрнини босувчи ҳужжатда корхона раҳбари ёхуд у ваколат берган шахслар ижозат берувчи имзосининг мавжудлиги ва ҳақиқийлигини;

б) ҳужжатлар түғри расмийлаштирилганини;

в) ҳужжатларда саналған иловаларнинг мавжудлигини текшириши шарт.

Ана шу талабларнинг ақалли бирортасига риоя этилмаган тақдирда кассир тегишлича расмийлаштириш учун ҳужжатларни бухгалтерияга қайтаради.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг үрнини босувчи ҳужжатлар улар бүйича пул олинганидан ёки берилганидан сўнг дарҳол кассир томонидан имзоланади, уларга илова қилинған ҳужжатларга эса сана (кун, ой, йил) кўрсатилған ҳолда «Тұланған» штампи қўйилади ёки сўз билан ёзиб қўйилади.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатлар кассага тоширилганига қадар бухгалтерия томонидан кирим ва чиқим касса ордерларини рўйхатга олиш журналида қайд этилади. Иш ҳақини бериш тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномаларида расмийлаштирилган чиқим касса ордерлари иш ҳақи берилгандан кейин рўйхатга олинади.

Кирим ва чиқим касса ҳужжатларини ҳисоблаш техникаси воситаларини қўллаган ҳолда рўйхатга олиш мумкин. Бунда тегишли кун учун тузиладиган «Кирим ва чиқим касса ордерлари ни рўйхатта олиш журналининг суқма вараги» машинограммасида мақсадли вазифа бўйича пул маблағларининг ҳаракатини ҳисобга олиш учун маълумотларни шакллантириш ҳам таъминланади.

Касса дафтарини юритиш ва пулларни сақлаш тартиби

Ташкилот нақд пулларининг барча тушумлари ва берилиши касса дафтарида ҳисобга олинади. Ҳар бир ташкилот фақат битта касса дафтарини юритади, у ракамланиши, ил билан тикилиши ва сурғучли ёки мастикали муҳр билан муҳрланиши керак. Касса дафтаридаги вараклар миқдори мазкур ташкилот ёки юқори турувчи орган раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади.

Бюджет муассасаларига хизмат кўрсатувчи марказлаштирилган бухгалтерияларда касса операциялари ҳисобини кассир Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича маҳсус дафтарда юритади.

Бюджет ҳисобидаги муассасаларга бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби юритиладиган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очилган тақдирда ушбу муассасалар кассасига бюджетдан ташқари фаолият бўйича тушган барча нақд пул тушумлари ва бюджетдан ташқари фаолият учун берилган нақд пуллар алоҳида касса дафтарида ҳисобга олинади. Касса дафтаридаги ёзувлар қорақоғоз воситасида шарикли ручка, сиёҳқалам ёки сиёҳ билан 2 нусхада амалга оширилади. Варакларнинг иккинчи нусхалари қирқиладиган бўлиши керак, улар кассирнинг ҳисботи бўлиб хизмат қиласи. Варакларнинг биринчи нусхалари касса дафтирида қолади.

Варақларнинг биринчи ва иккинчи нусхалари бир хил рақамлар билан белгиланади.

Касса дафтарида ўчиришлар ва таъкидланмаган тузатишлар қилиш ман этилади. Қилинган тузатишлар корхона кассири, шунингдек, бош бухгалтерининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг имзолари билан тасдиқланади. Касса дафтаридағи ёзувлар кассир томонидан ҳар бир ордер ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат бўйича пул олингани ёхуд берилганидан кейин дарҳол амалга оширилади. Ҳар куни, иш куни охирида кассир кун учун операциялар якунини ҳисоблайди, кассадаги кейинги кун учун пуллар қолдигини чиқаради ва кейинги кунни бухгалтерияга кассир ҳисоботи сифатида касса дафтарида имзо чектирган ҳолда кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан бирга иккинчи йиртма варақни (касса дафтаридағи бир кун учун ёзувлар кўчирма нусхасини) топширади.

Агар корхоналарда ҳар куни жами 200 сўмликка қадар операциялар амалга оширилса, касса ҳисоботлари 3-5 кунда бир маротаба тузилиши мумкин.

Ташкилотларда кассир розилиги ва касса ҳужжатларининг тўлиқ сақланишини таъминлаш шартни билан касса дафтари автоматлаштирилган усулда юритилиши мумкин, бунда унинг вақтлари «Касса дафтарининг суқма варағи» машинограммаси кўринишида шакллантирилади. У билан бир вақтда «Кассир ҳисоботи» машинограммаси шакллантирилади. Тилга олинган иккала машинограмма кейинги иш куни бошланишига тузилиши, бир хилда мундарижага эга бўлиши ва касса дафғари шаклида кўзда тутилган барча реквизитларни ўз ичига олиши керак. Ушбу машинограммаларда касса дафтари варақларини рақамлаш йил бошидан ўсиб бориш тартибида автоматик тарзда амалга оширилади.

«Касса дафтарининг суқма варағи» машинограммасида ҳар бир ой охирида шу ой учун касса дафтари варақларининг умумий миқдори, тақвимий йил учун – охирида бир йил учун касса дафтари варақларининг умумий миқдори автоматик тарзда босилади.

«Касса дафтарининг суқма варағи» ва «Кассир ҳисоботи» машинограммаларини олганидан кейин кассир касса дафтари ва кассир ҳисоботи тўғри тузилганини текшириши, уларни имзолаши ва касса дафтарининг суқма варағига имзо чектирган ҳолда

кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан биргаликда бухгалтерияга топшириши шарт.

Сақданишини таъминлаш мақсадида ва машинограммадан фойдаланиш қулай бўлиши учун «Касса дафтарининг суқма вараги» йил давомида кассир томонидан ҳар бир ой учун алоҳида сақланади. Тақвимий йил тугагач (ёки зарурат туғилишига қараб) «Касса дафтарининг суқма вараги» машинограммалари хронологик тартибда китобча қилинади. Йил учун варақларнинг умумий миқдори корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади ва дафтар сурғучланади.

Касса дафтарини тўғри юритиш устидан назорат қилиш ташкилот бош бухгалтери зиммасига юкланди.

Чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатда олувчининг тилхати билан тасдиқланмаган кассадан пул берилishi кассадаги нақд пуллар қолдигини тасдиқлаш учун қабул қилинмайди. Ушбу сумма камомад ҳисобланади ва кассирдан ундирилади. Кирим касса ордерлари билан тасдиқланмаган нақд пуллар кассадаги ортиқча пул ҳисобланади ва даромадга ҳисоблаб ўтказилади.

Катта кассир иш куни бошланишидан олдин бошқа кассирларга кассир томонидан қабул қилинган ва берилган пулларни ҳисобга олиш дафтирида имзо чекдирган ҳолда чиқим операциялари учун зарур нақд пул суммасини бўнак тарзида беради. Кассирлар иш куни охирида олинган бўнак ва кирим ҳужжатлари бўйича қабул қилинган пуллар хусусида катта кассирга ҳисобот беришлари ҳамда нақд пуллар қолдиги ва қилинган операциялар бўйича касса ҳужжатларини кассир томонидан қабул қилинган ва берилган пулларни ҳисобга олиш дафтирида имзо чекдирган ҳолда катта кассирга топширишлари шарт. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва стипендияларни тўлаш учун олинган бўнаклар бўйича кассир уларни тўлаш учун тўлов қайдномасида кўрсатилган муддатда ҳисобот бериши шарт. Ушбу муддат тугашига қадар тўлов қайдномалари бўйича берилмаган нақд пуллар қайтариб берилади. Ушбу пуллар кассирлар томонидан сурғучланган сумкалар, қофоз халталар ва ҳоказоларда эълон этилган сумма кўрсатилган тилхат берган ҳолда катта кассирга топширилади.

Кассада мазкур корхонага тегишли бўлмаган нақд пул ва бошқа бойликларни сақлаш ман қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг касса ва касса операцияларини тафтиш қилишнинг асосий мақсади, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1998 йил 17 декабрда №565 сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 24 январда 1/16-сон баённома билан тасдиқланган 376-сонли «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари»га қандай тартибда амал қилаётганинг назорат қилишдан иборат.

Кассада тафтиш вақтида камомад ёки ортиқча бойликлар аниқланганда далолатномада камомад ёхуд ортиқча сумма ва уларнинг пайдо бўлиш ҳолатлари кўрсатилади.

Текширув солиқ инспекторлари томонидан корхонанинг бош ҳисобчиси ва кассирнинг бевосита иштирокида ўтказилади. Текширув бошланиши олдидан солиқ инспекторлари кассирдан унинг кассадаги нақд пул маблағлари ва қимматли қофозларнинг ҳаракати тўғрисидаги охирги ҳисоботни ва ҳамма расмийлаштирилган ҳужжатларни талаб қилиб олишлари лозим. Солиқ инспектори унга тақдим этилган ҳар бир ҳужжатни қонунийлиги, бажарилган хўжалик операцияларининг ҳақиқийлиги, айниқса кассадан берилган пуллар, ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, раҳбар ва бош ҳисобчи каби мансабдор шахслар томонидан берилган рухсатномаларда имзоларининг мавжудлиги ва пул олган шахслар ҳақида маълумотлар тўлиқ ёзилганлиги, уларнинг ҳам аниқ қўйилган имзолари борлиги нуқтаи назаридан синчковлик билан текшириб кўриши керак. Текширув жараёнида корхона кассири томонидан солиқ инспекторларига тақдим этилган хомаки яъни кассирни ўзи учун тайёрланган ҳисоб-китоблар, юритилган дафтарлар ва умуман тўлиқ расмийлаштирилмаган (норасмий) ҳужжатлар ва тилхатлар моддий жавобгар сифатида кассирнинг тасарруфидаги нақд пул маблағлари ва бошқа қимматли қофозлар қолидифини аниқлашда инобатга олинмайди.

Бундай ҳолатларнинг мавжудлиги тафтиш далолатномасида касса интизомининг бузилиши сифатида пулларни олган шахсларни, пул қийматини ва нима мақсадда берилганлигини кўрсатилган ҳолда қайд этилиши лозим.

Солиқ инспектори кассанинг кирим ва чиқим ҳужжатлари номерларининг кетма-кетлигига, шу жумладан кассирнинг охирги ҳисоботидаги ҳужжатларнинг номерларига эътибор қаратиши

лозим. Ҳужжатлардаги номерларда тафовут бўлиши касса ҳужжатларидан айримларини қасдан олингандигидан дарак бериши мумкин.

Тафтишчи томонидан ҳамма ҳужжатлар кўриб чиқилгандан сўнг текширув ўтказилган кундаги кассирнинг ҳисоботи тузилади.

Корхонада кассир ўзгарган бўлса ёки кассани бошқа моддий жавобгар шахсга берилишида пул тўлаш учун тузилган ҳамма ведомостлар ёпишган бўлиши лозим.

Касса тафтишида кўпинча учраб турадиган ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ қонун бузилишлари қўйидагилардан иборат:

- бир марталик аванс, таътил пуллари, нафақа ва шунга ўхшаш тўловлар ведомостларининг ёпилемасдан қолгандиги;

- сарфлар бўйича касса ҳужжатларида кассадан пул берилишига рухсатнома сифатида корхона раҳбари ва бош ҳисобчнинг имзоларининг мавжуд эмаслиги;

- касса китобида қайд этилмаган кирим ва чиқим ордерларининг мавжудлиги ва уларда тартиб рақамларининг йўқлиги;

- олинган пулларни ўз вақтида кирим қилинмаганлиги;

- ёзилмаган чек китобчаларини (книжаларида) корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган ҳолда сақланиши ва бошқалар.

Касса интизомида юқорида қайд этилган камчиликларнинг мавжудлиги кассир томонидан жиноят содир этилишига имконият яратилгандигини англатади. Чунончи, касса дафтарида рўйхатга олинмаган ва номерлари кўрсатилмаган кирим касса ордерлари аниқланиши, албатта, текширилаётган фаолият давридаги барча хўжалик операциялари бўйича корхона кассасига тушган пулларнинг тўлиқ ва тўғри кирим қилингандигини текширилиб кўрилишини талааб қиласди.

Касса китобчасини текшириш чоғида инспектор қўйидагиларга алоҳида эътиборини қаратиши лозим:

- кассир томонидан ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштирилиб боришига;

- касса китобчасининг ҳамма варақларининг кетма-кет рақамлангандигига ва боғичланиб, сурғучланиб муҳрлангандигига ҳамда корхона раҳбари ва бош ҳисобчининг имзолари мавжудлигига.

Текширув вақтида кассир солиқ инспекторлари назоратида кассадаги ҳамма нақд пулларини күпюрларга ажратган ҳолда түлиқ саноқдан ўтказади. Саноқ натижалари бўйича томонларда эътиroz пайдо бўлса пул маблағлари қайтадан саналади. Худди шу тарзда қимматли қофозлар ҳам саноқдан ўтказилади. Лозим бўлган ҳолларда цех, лаборатория ва шунга ўхшаш бўлим моддий жавобгар шахслари масъулигида бўлган қимматбаҳо тошлар ва металлар ҳам аниқланади. Бундай ҳолатларда текширув натижасида аниқланган қимматбаҳо тошлар ва металларнинг ҳисоб-китобининг юритилиши, уларнинг сақланиши ва сарфланиши ҳамда улардан фойдаланиб буюмлар ишлаб чиқарилиши бўйича далолатнома тузилади.

Кассада корхонага тегишли бўлмаган моддий қийматликларнинг сақланиши қатъян ман этилади. Агар белгиланган тартибларга зид ҳолда кассада касаба уюшмасига, ўзаро ёрдам кассасига ёки бошқа шахсларга тегишли бўлган пул маблағлар ва шунингдек бошқа моддий қийматликлар мавжудлиги аниқланса, инспектор текширув ўтказишдан олдин тегишли моддий жавобгар шахслардан пул маблағлари қолдиги тўғрисида маълумтнома талаб қилиши керак.

Кассадаги нақд пул маблағлари ва қимматли қофозларнинг ҳақиқий қолдигини аниқлашда солиқ инспектори нақд пуллар сақланадиган сейфнинг ҳамма ячейкаларини текшириб кўради. Бу билан пулларнинг яширилишини ёки уларни саноқдан қолиб кетишими олдини олади.

Текширув давомида инспектор қатъи ҳисобда турувчи бланкаларнинг сақланишини, ҳисоб-китобининг юритилишини ва ҳақиқий қолдиқларини саноқдан ўтказиб текширади.

Қатъий ҳисобда турувчи бланкалардан фойдаланиш назоратининг йўқлиги шу билан боғлиқ хўжалик операцияларини амалга оширувчи моддий жавобгар шахслар томонидан шахсий манфаатларда сунистеъмол қилинишига олиб келиши мумкин.

Нақд пул ва қимматли қофозларнинг ҳақиқий қолдиги бухгалтерия ҳисобидаги расмий қолдиқ кўрсаткичлари билан солиширилиб, касса тафтишининг натижаси чиқарилади.

Текширув натижаси бўйича нақд пуллар ва қимматли қофозлар саноғида ортиқча ёки камомад қайд этилса, инспектор бунинг сабабларини аниқлаш мақсадида кассирдан ёзма равища тушунтириш хати берилишини талаб қиласади.

Корхона кассасида ортиқча ёки камомад содир бўлишига қўйидагилар сабаб бўлади:

- кассир томонидан пулларнинг ўзлаштирилиши;
- нақд пул тушумлари тўлиқ кирим қилинмаслиги;
- қалбаки ҳужжатлар расмийлаштириш йўли билан ҳақиқий харажат қилинмаган пулларни ҳисобдан чиқариш;
- касса ҳужжатларини ва ҳисботларини юритища хатога йўл қўйиш;
- ҳар кунги пул айланмаси бўйича якуний натижани ҳисоблашда янглишиш;
- кун охиридаги қолдиқни нотўғри ҳисоблаш.

Кассани юритища ортиқча ёки камомадга йўл қўйилиши касса операцияларини юритища жиддий камчиликлар борлигидан ва кассир томонидан суистеъмол қилинишидан дарак беради.

Кассани тафтищдан ўтказиш якунида текширув натижасида пул маблағлари бўйича камомад аниқланса, уни ундириш чораси кўрилади. Агар ортиқча пуллар мавжудлиги қайд этилса, улар тўлиқлигича кассага кирим қилиниб, давлат бюджетига ўтказилади.

Текширув ўтказиша корхона бухгалтерияси томонидан ҳар ойда текширув ўтказилганлиги ва уларнинг натижалари ўрганилиб чиқилади.

Касса текширувида кассир билан корхона раҳбари ўртасида моддий жавобгарлик мажбурияти маҳсус шартнома билан расмийлаштирилганлиги ва бу ҳужжатнинг тўғри тузилганлиги кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, корхона раҳбарияти томонидан кассирнинг иш юритиши учун тегишли шароит яратилганлиги ва пул маблағларининг кафолатли сақланиши, пул сақланадиган хона ва төмрир сандиқларнинг муҳофазаланганлиги текширилиб холоса чиқарилади.

Касса операцияларини текширишни бошлашида қўйидаги ҳолатлар аниқланиб олиниши лозим:

- касса китобларида ва рўйхатга олиш журналида кирим ва чиқим касса ордерларининг қайд қилинишининг тўғрилиги;
- касса дафтарида маълумотларнинг кассир ҳисботида тўғри акс этирилганлиги;
- ёзувларда ўзгартиришлар киритилмаганлиги;
- касса дафтарида саҳифа рақамларининг кетма-кетлиги;

- касса ҳужжатларидаги рақамларнинг тўғрилиги;
- ҳар кунги пул тушумларининг кирим ва чиқим айланмаси ҳисоб-китобларининг тўғри ҳисобланиб борилганлиги;
- ҳар кунги пул қолдиқларининг тўғрилиги ва уларни кейинги куннинг бошланишига тўғри ўтказилганлиги;
- тафтиш ўтказилаётган фаолият даврида кассада қолиши мумкин бўлган нақд пул лимитига риоя этилиши.

Юқоридаги ҳолатлар аниқланиб бўлингач, касса операцияларини текширишга киришилади.

Банкдан олинган нақд пулларнинг кирим қилинишини текшириш тартиби

Бу текширувни ўтказишда З турдаги ҳужжатларнинг маълумотлари солишириллади:

1. Банк маълумотлари (выписка);
2. Касса китобидаги ёзувлар;
3. Чек китобчасига асосан олинган нақд пул бўйича кассирнинг ҳисоботи.

Чек китобчасининг корешогидаги банкдан берилган нақд пуллар суммалари касса китобида қайд этилган касса кирим ордери маълумотлари ва банк выпискасидаги суммалар билан солишириллади. Текширилган ҳар бир сумма ёнига қизил қалам билан шартли белги қўйиб борилади.

Касса китобида қайд этилмаган суммаларнинг сабаби аниқланади.

Шундай тарзда олинган ва кирим қилинган нақд пуллар текширилиб баланси чиқарилади.

Банкдан нақд пул олишда бузилган ва бекор қилинган чеклар чек китобчасидаги тегишли корешокларга елиmlаниб қўйилган бўлиши лозим.

Банкка қайтаrilган нақд пуллар касса китобида қайд этилади. Бу суммалар банк томонидан қабул қилиб олинганигини тасдиқловчи банк чиптасида (выпискасида) қайд этилган бўлиши керак. Бу текширувда банкка тоширилган нақд пул суммаси билан ҳисобдан чиқарилган сумма ўртасида тафовут йўқлигига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи түланишини текшириш

Иш ҳақи түланишини текширишда солиқ инспектори вақтингчалик иш қобилиятини йўқотганлиги учун нафақа тўловларини, меҳнат таътилари учун тўловларни ва давлат пенсиясини тўлаш билан боғлиқ ҳамма бухгалтерия ҳужжатларидаги арифметик ҳисобкитобларни кўриб чиқади. Ҳужжатларни расмийлаштиришда ўчириб ёзилган, тузатилган ёзувларнинг мавжудлигига, айрим шахсларга пулларни ҳақиқий тўланганлигига, бошқа шахсларга ишонч қоғози билан тўланган ҳақларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Назорат-тафтиши ўтказиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарда иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ нақд пулни ноқонуний ўзлаштириш икки хил усулда амалга оширилиши мумкин:

- кассадан иш ҳақи тўланишидан ҳисобланган суммадан ортиқ микдорда пулни ҳисобдан чиқариш;
- иш ҳақи ҳисобланмасдан кассадан иш ҳақи сифатида нақд пулни чиқим қилиш.

Бундай қонунбузарликларни аниқлаш учун ҳар ойдаги тўланган иш ҳақи бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб юритиш ҳужжатлари текширилиб кўрилади ва баланси чиқарилади. Агар ҳисобкитоб натижаларида тафовут чиқса, бу ҳолат кассадан ноқонуний равишда нақд пул ҳисобдан чиқарилганини англатади.

Ноқонуний иш ҳақи тўланишини ва кассадан ортиқча пул ўзлаштирилишини иш ҳақи тўлаш ведомостларини касса чиқим ордерлари билан ушлаб қолинган суммаларни инобатга олган ҳолда солиштириб кўриш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Тўлов ведомостлари ва касса чиқим ордерлари бўйича ойлик тўланган суммалар лавозим окладлари, ишга чиқиш табеллари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий варақларидаги маълумотлар билан солиштирилиб кўрилади.

Ноқонуний пул тўланиши қўйидаги кўринишларда бўлиши мумкин;

- таътилда бўлган ходимларга иш ҳақи тўлаш;
- вақтингчалик иш қобилиятини йўқотган ходимларга пул тўлаш;
- ишдан бўшатилган ходимларга ҳақ тўлаш;
- корхонада ишламайдиган ёки умуман ўйлаб топилган тахминий шахсларга ҳақ тўлаш.

Иш ҳақи тұлашда содир этиладиган ғайриқонуний ишларни аниклашда ҳар хил түлов ұжыжатларидаги ва корхонанинг кадрлар бўлимидағи имзоларни солиштириб кўриш ҳам яхши натижада беради. Лозим бўлган ҳолларда ҳақиқий тўланган иш ҳақини текшириб кўриш учун пул олган ходимларни чақиритириб сўров ўтказиш ҳам мумкин.

Иш ҳақи тўлаш кўринишида кассадан нақд пулни ҳисобдан чиқарилишининг аниқ сабабларини топиш учун иш ҳақи тўлаш ва уни ташкил қилиш механизмини тафтишдан ўтказиш керак. Бир ой давомида айрим шахсларга бир неча түлов ұжыжатлари билан нақд пул берилиши ҳам бўлиши мумкин бўлган суните́млочиликни кўрсатувчи алломатларга киради ва бу ҳолат албатта бу суммаларни тўғри ҳисобланганлигини текшириб кўришни талаоб қиласди. Масалан, бир шахсга касаллик варақаси бўйича пул тўланган ва меҳнат таътил тўлови ва ойлик маош тўланган бўлса, суммаларни тўғри ҳисобланганлиги текширилиб кўрилиши керак.

Иш ҳақи ва шунга ўхшаш тўловларни тўлашдаги ноқонуний ҳаракатлар қўйидағи ұжыжатлар текширилиши натижасида аниқланади:

- тўлов ұжыжатлари билан ҳисобдан чиқарилган суммалар;
- ҳисоблаш ведомостлари;
- табеллар, нарядлар;
- ишга қабул қилиш ва ишдан озод этиш буйруқлари.

Депонентга ўтказилган пуллар ҳисобидан иш ҳақи тўланишини текшириши

Баъзи ҳолларда депонент карточкаларига ўтказилган суммаларни нотўғри ҳисобдан чиқариб, кассадаги нақд пул ўзлаштирилиши мумкин. Шунинг учун депонент ҳисобидан пул тўланган ведомостлар, депонент карточкаларига ўтказилган суммалар ва тегишли синтетик ҳамда субсчётлар (№3 депонент) солиштирилиб текширилиши лозим. Солик инспектори ишчи ва хизматчилар томонидан иш ҳақини ўз вақтида олмаганлик сабабини, иш ҳақини депонент карточкага ҳақиқий ўтказилганлигини ва депонент суммаларни айнан тегишли шахслар томонидан олинганлигини ҳамда депонент суммаси олинганда паспорт маълумотлари қайд этилганлиги текширилиб кўрилади.

Мукофотлар ва бошқа түловлар бўйича касса чиқимларини текшириш

Бундай түловларни текшириш корхонанинг тегишли буйруқлари ва қарорлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Текширувчи солиқ инспектори энг аввало текширилаётган даврдаги ҳамма түловлар бўйича суммаларни йиғма ведомостга кўчириб олиши керак. Бу усул айрим ходимларга бир неча марта пул берилганинги аниқлашда жуда қўл келади. Кейин ҳар бир тўлов тегишли буйруқ ва қарорлар билан солиштирилади.

Иш ҳақи, мукофотлар, касса варақаси бўйича нафақалар ва пенсия тўлаш ҳисобига кассадаги нақд пулларни ҳисобдан чиқарилишини текшириш жараёнида тўланган суммаларни қайси йил ва ойга тўланганлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Кассадан чиқим қилинган сумма бўйича расмийлаштирилган ҳужжатда «олинди» ёки «тўланди» штамплари қўйилиб, кассирнинг имзоси ва сана кўрсатилган бўлиши лозим.

НАЗОРАТСАВОЛЛАРИ

1. Хўжалик юритувчи субъектларининг касса ва касса операцияларини тафтиши қилишининг асосий мақсади нимада?

2. Кассани тафтиши қилиши тартиби қандай?

3. Кассани тафтиши қилишида кассирдан қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

4. Касса ва касса операцияларини тафтиши қилиши якунлари бўйича қандай ҳужжат расмийлаштирилади?

5. Кассада ортиқча ёки камомад мавжуд бўлса қандай чоралар кўрилади?

2.58. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ва харажатлар таркибини текширишнинг ўзига хос жиҳатлари

Текширув жараёнида тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи тўғри ҳисоблаб чиқарилганини текшириб, корхона соғфойдаси ҳисобига тўланадиган харажатлар чиқимларга киритилгани далиллари бор-йўқлигини аниқлаш лозим. Харажатлар-

ни асоссиз ошириш солиқ солинадиган фойда камайишига олиб келиб, давлат бюджетига зиён келтиради.

Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги харажатларни ҳисобга олиш аниқланыпташында қуидаги талабларга риоя этилгани текширилиши заурп:

йил бошида танланган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усулининг ўзгармаганлыги ҳамда маҳсулот таннархини калькуляциялаш ва унинг ташкилот соҳаси ва ташкилий жиҳатларига мувофиқлиги;

ҳисобот даврлари бўйича харажатларнинг тўғри тақсимланганлиги;

маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган моддий ресурслар тўғри баҳолангандиги;

моддий ресурсларни ҳисобдан чиқаришда ҳақиқий таннархи ва ҳисобли нархлари ўртасидаги фарқнинг асосли ҳисобдан чиқарилганлиги;

acosий воситалар ва номоддий активлар бўйича эскириш тўғри ҳисоблаб ёзилганлиги ва эскириш суммалари ишлаб чиқариш чиқимларига киритилганлиги;

юкхат харажатлари суммаларининг асослилиги ва уларни калькуляция обьектлари бўйича тақсимлаш усувлари;

хизмат сафарлари (айниқса хорижга) харажатлари, вакиллик харажатлари, реклама, текширувчилик хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари ва кўплаб бошқа ишлаб чиқариш чиқимлари ҳақиқий суммаларининг тўғри киритилганлиги.

Харажатлар ҳисобининг эҳтимолий бузуб кўрсатилиши гуруҳлари ва уларнинг сабабларини ажратиш мақсадга мувофиқdir:

маҳсулот таннархига киритиладиган моддий харажатлар миқдори асоссиз оширилиши (пасайтирилиши), текширилаётган давр охиридаги ҳолатга кўра тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари нотўғри баҳоланиши.

Текширувчи саноат ташкилотларида харажатлар таркибини текширилаётганда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усувларини ва маҳсулот ҳақиқий таннархи калькуляцияланишини ўрганиши лозим. Текширувчи харажатларни ҳисобга олишнинг у ёки бу усули асосли қўлланилганлигини ва унинг маҳсулот таннархини тўғри белгилашга таъсирини текшириши шарт.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот иқтисодий жиҳатдан қанчалик асосли равишда баҳоланаётганини аниқлаш учун кальку-

ляциялаш обьектлари ўртасында билвосига харажатлар тақсимланиши усулларини ташкил этишда тұғри танлов амалға оширилганини текшириш. Масалан, саноатда мәдненетта ҳақ тұлаш харажатлары суммаси, моддий харажатлар миқдори ва бошқаларга пропорционал тақсимлаш усулидан фойдаланилади.

Таннархни текшириш давомида ишлаб чиқаришдаги ярим тайёр маҳсулотлар (деталлар) ҳаракати ҳисоби ташкил этилишига эътибор қаратиш керак. Ярим тайёр маҳсулотлар ҳаракати ҳисобини ташкил этиш тартиби ишлаб чиқарыш технологик ташкил этилиши хусусиятлари, ишлаб чиқариладиган ярим тайёр маҳсулотлар (деталлар) номенклатураси, бажарылған ишларни қабул қилиш тартиби, операциялар оралиғидаги захира ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш шароитлари ва бошқа омилларга боғлиқ. Таннарх асослы шакллантирилганиң тұла ишонч ҳосил қилиш учун текширувчи ишлаб чиқарыш харажатлари йиғма ҳисоби ташкил этилганини баҳолашы зарур.

Текширилаётган ташкилотларда ярим тайёр маҳсулотсиз ва ярим тайёр маҳсулотлы вариантылар бүйича йиғма ҳисоб юритилиши мүмкін. Биринчисида ўзи ишлаб чиқарған ярим тайёр маҳсулотлар цехдан цехга ўтказилғанда уларнинг таннархи бухгалтерияда қайд этилмасдан ҳисоб юритилади: ярим тайёр маҳсулотлар, деталлар ва узелларни тайёрлаш харажатлари цехлар бүйича харажатлар моддалари кесимида ҳисобға олинади. Иккінчи вариантыда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари тизимида цехдан цехга ўтказилғанда ўзи ишлаб чиқарған ярим тайёр маҳсулотлар таннархи ҳисоблаб ўтказилған ҳолда ҳисоб юритилади; ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш харажатлари цехлар бүйича «Ўзи ишлаб чиқарған ярим тайёр маҳсулотлар» комплекс моддасида ҳисобға олинади.

Калькуляциялаш моддалари турлари бүйича харажатларни текшириш чиқымлар юзага келған жойларда ва жавобгарлик марказларыда қаңдай шаклланыптырылғаны белгилаш, шунингдек ноишлаб чиқарыш харажатлари ва завод ичидағы күжалик ҳисобкитоби натижаларини анықлаш имконини беради. Калькуляциялаш моддалари – бир элементли ёки комплекс харажатлардир. Комплекс харажатларни назорат қилиш учун текширувчи сметаларни жалб этади ҳамда йўл қўйилған йўқотиш ва ортиқча харажатларга эътибор қаратган ҳолда режали ва ҳақиқий харажатларни таққослайди. Таннархнинг текшириледиган энг муҳим

моддалари қуйидагилардир: табиий хом ашёдан фойдаланиб (ерларни рекультивация қилиш, сув ва бутунлай бериладиган ёғочтахта ҳақини тұлаш) маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар; ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва уни ўзлаштириш харажатлари; ишлаб чиқариш технологиясини та-комиллаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ нокалитал тусдаги харажатлар; ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари; нормал меҳнат шароитлари ва хавф-сизлик техникасини таъминлаш харажатлари; ишлаб чиқаришни бошқариш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар; давлат ижтимоий ва тиббий сугуртага ажратмалар, пенсия таъминоти; кредитлар бўйича тўловлар, номоддий активлар бўйича эскириш ва бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқаришни бошқариш: ташкилот бошқарув аппарати ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларини тутиб туриш; хизмат енгил автотранспортини сақлаш харажатлари; хизмат сафарлари харажатлари; қўшимча тўловлар, чет ташкилотларнинг ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича хизматларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар моддалари синчилаб текширилади.

Ташкилотнинг тижорат фаолияти билан боғлиқ вакиллик харажатлари; ташкилот кенгапи (бошқаруви) ва тафтиш комиссияси мажлисларини ўтказиш харажатлари (тасдиқланган сметалардан ортиқ).

Қайд этилган харажатлар орасида вакиллик харажатлари алоҳида зътибор талаб қиласи. Уларга вакилларни расмий қабул қилиш (нонушта ёки тушлик ёхуд бошқа шунга ўхшаш тадбир); маданий томоша тадбирларида қатнашиш харажатлари; музокаралар ва маданий дастур тадбирлари вақтида буфет хизмати кўрсатиш харажатлари; ташкилот штатида бўлмаган таржимонлар хизматларига ҳақ тўлаш; автотранспортдан фойдаланиш учун ҳақ тўлаш киради.

Маҳсулот таниархи даражасига ноишлаб чиқариш харажатлари жиiddий таъсир кўрсатади. Шу сабабли текширувчи маҳсулотнинг ҳақиқий таниархига киритилган брақдан кўрилган йўқотишилар; кафолатли таъмирлаш харажатлари; туриб қолиш натижасидаги йўқотишилар; айбдор шахслар топилмагандан моддий бойликлар камомади; ишлаб чиқаришда жароҳатланиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиш сабабли тўланадиган нафакалар, қайта ташкил этиш ва штат қисқариши муносабати билан

ташкылтдаги ишдан бўшатилган ҳодимларга тўловларни ўрганиди. Ушбу йўқотишлар ва ҳаражатларга таъсир кўрсатган омиллар ва сабаблар аниқланади.

Текширувчи қуидагиларни ўз ичига олган ҳаражатлар моддаларини алоҳида текшириши шарт: солиқлар, йигимлар, бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармаларга ажратмалар, йўл қўйиладиган меъёр доирасида ифлослантирувчи моддаларни ташланганик учун тўловлар, кредитлар бўйича ставкалар доирасида ги тўловлар, маҳсулотни сертификатлаш ишлари ҳақини тўлаш, белгиланган меъёrlарга кўра хизмат сафарларига ҳаражатлар, йўл пули, ёнғинга қарши ва қоровуллар муҳофазаси, кадрлар етказиб бериш ҳамда уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун чет ташкылтларга тўланган ҳақ, алоқа, ҳисоблаш марказлари хизматлари ҳақини тўлаш,ижара ҳақини тўлаш ва бошқа ҳаражатлар.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳақиқатда қолдиқлари борлигини белгилаш ва уларнинг ҳақиқий баҳосини чиқариш катта аҳамиятга эга, чунки товар маҳсулоти таннархи, фойда кўрсаткичлари, ундан бюджетга ажратмаларнинг тўғрилиги шунга боғлиқ.

«Реализация» дебетига киритилган ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва реализация қилинган маҳсулот сотилиши тўғрисидаги маълумотлар асослилигини текшириш жуда муҳим. Бунда назоратнинг қуидаги асосий босқичларини ажратиб олиш зарур:

реализация қилинган (юклаб жўнатилган) маҳсулот билан омборлардаги маҳсулот қолдиқлари ўртасидаги ҳаражатлар асосли тақсимланганинги текшириш,

ҳаражатлар таркиби тўғри шакллантирилганнингини текшириш. Агар жорий ҳисобда юклаб жўнатилган ва реализация қилинган маҳсулот ҳисоб нархлари (режадаги таннарх, улгуржи ёки шартномавий нархлар) бўйича баҳоланганд бўлса, юклаб жўнатилган товарлар ҳақиқий таннархи белгиланади ва ҳисобот даври охиридаги омборлардаги тайёр маҳсулот қолдиқлари баҳоланади. Бунинг учун тайёр маҳсулот ҳақиқий таннархининг ҳисоб нархларидағи қийматидан четланишлари фоизи ҳисобланади. Ҳисобот даврида юклаб жўнатилган товарлар ҳақиқий таннархини ҳисоблаш учун ҳисоб нархлари бўйича юклаб жўнатилган товарлар миқдорига четланишлар фоизи билан тузатиш киритилади. Тайёр маҳсулот қолдиқлари ҳақиқий таннархи ҳам худди шундай ҳисобланади.

Моддий ишлаб чиқариш захиралари бухгалтерия ҳисоби операцияларини текширишда омбор ҳисоби маълумотларининг 1000 «Материаллар» счёти бўйича синтетик ҳисоб кўрсаткичларига мувофиқлиги аниқланади. Бунинг учун сальдо ведомости бўйича қолдиқлар умумий якуни (суммар кўринишда) айланма ведомостида келтирилган ой охиридаги қолдиқлар билан солиширилади. Бундай солишириув ҳар бир омборда алоҳида ўтказилади. Барча омборлардаги бир ой давомида материаллар чиқиб кетиши умумий айланмалари ва ведомостдаги ой охиридаги материаллар қолдиқлари кредит айланмаси ва 1000 «Материаллар» счётидаги қолдиқлар билан солиширилади.

Агар барча тафовутлар моддий ресурслар ҳисоби йўлга қўйилмаганлиги натижасида юзага келган бўлса, бухгалтерия ҳисобини тиклаш чораларини кўриш лозим.

Материалларни ишлаб чиқаришга бериш операцияларини текшираётганда чиқим ҳужжатлари асосида тузиладиган омборлардаги материалларни сарфлаш бўйича жамгарма ведомостларидан фойдаланилади. Ҳужжатлар айланувни катта бўлганда интервал бўйича белгиланган жамликдаги ҳужжатлар танланади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, моддий-техник таъминот бўлимлари ёки режалаш бўлимлари муайян турдаги буюмларни ишлаб чиқаришга материаллар сарфлашнинг белгиланган меъёрлари асосида материалларни ишлаб чиқаришга бериш лимитларини ишлаб чиқадилар. Барча ҳолларда материалларни ишлаб чиқаришга бериш муайян турдаги буюмни ишлаб чиқариш лимити доирасида амалга оширилиши керак. Агар лимитлар белгиланмаган бўлса, материалларнинг ишлаб чиқаришга берилиши тасдиқланган рецептлар ва калькуляцияларга мувофиқ амалга оширилади.

Моддий бойликларни омборлардан ишлаб чиқаришга бериш корхона тегишли тармоққа мансублигига қараб турли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Булар ойлик йиirtма талонли лимит карталари, материалларни алмаштириш ёки уларни қўшимча бериш талабнома-далолатномалари, комплектловчи ведомостлар, бичиш карталари, забор ва рақлари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида моддий бойликлар берилгандан кейин омбор ҳисоби маълумотларини дикқат билан таҳлил қилиш лозим. Натижада ошириб ҳисобдан чиқариш ҳажмини аниқлаш

имкони туғилади, бу эса омборларда ҳисобга олинмаган ортиқ-ча материаллар юзага келишига, уларнинг олиб қўйилишига сабаб бўлади.

Ҳисобдан чиқариш ҳақиқатда сарфлашга қараб эмас, балки меъёрга кўра амалга оширилса, хом ашё ва ёрдамчи материаллар оширилган меъёрлари натижасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳисобга олинмаган ортиқча материаллар юзага келиши мумкин. Чиқим ҳужжатларида қайд этилган материаллар сифат характеристикиси кўрсаткичлари материаллар омборга кирим қилинган бирламчи ҳужжатлар маълумотлари билан солиштирилди.

Хом ашё ва ёрдамчи материалларни ишлаб чиқаришга назорат тартибида бериш (эксперимент) ёрдамида белгиланган сарфлаш меъёрлари асослилигини текшириш мумкин, унинг боришини комиссия маҳсус далолатнома билан расмийлаштиради.

Тайёр буюмлар ишлаб чиқаришга материаллар қийматидаги четланишлар асосли ҳисобдан чиқарилганилиги белгиланади. Бунинг учун моддий бойликлар ҳисоби ведомости маълумотлари таҳлил қилинади. Ведомость кўрсаткичлари моддий ресурсларни кирим қилиш бўйича назорат таомилларини бажаришда текширилганилиги боис четланишлар ҳисоб-китоби техникасини баҳолаш билан чекланилди. Шунингдек четланишлар ўртача физи ва материаллар сарфланиши йўналишлари бўйича четланишларнинг ҳисобдан чиқарилши, жумладан уларнинг омбордаги қолдиги тўғри ҳисобланганлиги текширилди.

Ишлаб чиқариш харажатлари умумий ҳажмига цехларга берилган материаллар ва хом ашёни баҳолаш сезиларли таъсир кўрсатади. Баҳолаш усууллари корхона ҳисоб сиёсатида белгиланиши керак. Улар: ўртача ҳисобланган нарх, FIFO (ФИФО) ёки LIFO (ЛИФО)* усууллари бўлиши мумкин. Эслатиб ўтамиш, ФИФОда моддий ресурслар биринчи харид нархлари бўйича, ЛИФОда эса охирги харид нархлари бўйича таннархга киритилади.

Текширувчи йил давомида материалларни баҳолаш усули ўзгармаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ишлаб чиқариш захиралари жорий ҳисоби ҳисоб нархлари бўйича юритилган вариантда ушбу нархлар ва харид қилинган материаллар ҳақиқий таннархи ўртасидаги четланишларнинг тақсимланиши назоратнинг муҳим объекти ҳисобланади.

Материаллар сарфи ҳақиқий таннархи хато равишида ёки қасдан оширилганда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари

сунъий равишда ошиб, маҳсулотлар реализациясидан фойда камайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- 1. Маҳсулот таниархи деганда нимани тушунасиз?*
- 2. Таниарх қандай аниқланади?*
- 3. Таъёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таниархи ва ҳаражатлар таркибини текширишида қандай ҳужжатлар ўрганилади?*
- 4. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарши таниархига киритиладиган ҳаражатларига қандай ҳаражатлар киради?*
- 5. Даур ҳаражатларига қандай ҳаражатлар киради?*
- 6. Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар ҳақида нималарни биласиз?*
- 7. Баҳолашнинг қандай усусларини биласиз?*

2.6§. Қисқа муддатли текширувлар ўтказиш тартиби

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ текширувларининг асосий шаклларидан бири бўлган қисқа муддатли текширув солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, фақатгина унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш ҳисобланади. Жумладан, мазкур текшириш қўйидагиларни назорат қилиш мақсадида ўтказилади:

а) фискал хотирали назорат-касса машиналарини (бундан бўён – НКМ) ва пластик карточкалар бўйича тўловларни қабул қилувчи ҳисоб-китоб терминалларини тўғри қўлланилаётганийни аниқлаш;

б) бир марталик талон ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар борлигини белгилаш;

в) солиқ хизмати органлари ваколат доирасига кирадиган, лицензиялаш қоидаларини ва айрим турдаги акциз товарларни сақлаш ва реализация қилиш, ишлаб чиқариш шароитларини ҳамда турларини ўрганиш.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш билан товарларни реализация қилиш,

ишилар бажариш, хизматлар кўрсатиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал хотирали назорат-касса машиналари мажбурий қўлланилган ҳолда амалга оширилади. Фақатгина бундан нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни, фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахслар мустасно ҳисобланади. Фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга рухсат этилган Назорат-касса машиналарининг давлат реестри Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибда шакллантирилади.

Қўйидаги жадвалда ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга рухсат этилган назорат-касса машиналарининг Давлат реестри келтириб ўтилган (9-жадвал).

Фискал хотирали назорат-касса машинаси техник жиҳатдан вақтинча носоз бўлган ёки электр энергияси бўлмаган тақдирда, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни харидорларга квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган шаклдаги қатъи ҳисобдаги бошқа ҳужжатларни бериш орқали амалга оширишга йўл қўйилади.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш жариёнида юқоридаги мажбуриятлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1326-сонли қарори билан 2010 йилнинг 1 октябридан бошлаб аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан қўлланадиган назорат-касса машиналари ягона техник талабларга мос келиши ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда мажбурий сертификациядан ўтказилиши лозимлиги, сертификати бўлмаган ёки белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланган ҳолда чек бериш айбдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлишилиги белгилаб қўйилди.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишига руҳсат ўзилинан назорат-касса машиналарининг
ДАВЛАТ РЕЕСТРИИ¹⁰**

№/I	Назорат-касса машина руҳумлари	Назорат-касса машиналарни ишлаб чиқарувчилар	Давлат	Фойдаланишига руҳсат этилган ИКМларни Давлат Реестрига киритилган сана	Назорат-касса машина- ларидан фойдаланиши мулдати
1.	UZBEKISTAN	«ЎзЭФФ» кўпша корхонаси	Ўзбекистон	30.08.95.й	Чекланмаган
2.	SILEKX - 7004	M+S HOURDAKIS	Грелия	30.08.95.й	Чекланмаган
3.	SILEKX - PARCTIKA	M+ HOURDAKIS	Грелия	12.12.97.й	Чекланмаган
4.	CASIO FE-2000	CASIO	Япония	30.08.95.й	Чекланмаган
5.	CASIO TK-2200	CASIO	Япония	30.08.95.й	Чекланмаган
6.	CASIO FE-700	CASIO	Япония	30.08.95.й	Чекланмаган
7.	КАРАТ -1500-Д	ТОО	Болгария	30.08.95.й	Чекланмаган
8.	КАРАТ-КОЛИБРИ	ТОО	Болгария	07.03.97.й	Чекланмаган

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси материялари асосида тайёрланган.

9.	SAMSUNG ER-4615-RF	SAMSUNG	Жанубий Корея	07.03.97.й	Чекланмаган
10.	SAMSUNG ER-250-RF	SAMSUNG	Жанубий Корея	30.08.95.й	Чекланмаган
11.	SAMSUNG ER-4615-F	«Ўз-САМСҮНГ» кўпшма корхонаси	Ўзбекистон	01.04.98.й	Чекланмаган
12.	SAMSUNG ER-250-F	«Ўз-САМСҮНГ» кўпшма корхонаси	Ўзбекистон	01.04.98.й	Чекланмаган
13.	ЭЛЕКТРОНИКА 92-06	«ЭЛЕКТРОНИКА»	Болгария	01.04.98.й	Чекланмаган
14.	МЕРКУРИЙ-115Ф-Уз	«ФОТОН» ЖЖ	Ўзбекистон	02.10.98.й	Чекланмаган
15.	АРКУС-КАСБИ-01Ф	«АРКУС-Д» АОЗТ	Россия	02.10.98.й	Чекланмаган
16.	RF КАСБИ 02-Ф	«АРКУС-Д» АОЗТ	Россия	06.09.99.й	Чекланмаган
17.	МЕРКУРИЙ-112Ф-Уз	«ФОТОН» ЖЖ	Ўзбекистон	17.12.99.й	Чекланмаган
18.	МЕРКУРИЙ-112.1Ф-Уз	«ФОТОН» ЖЖ	Ўзбекистон	17.12.99.й	Чекланмаган
19.	МЕРКУРИЙ-111Ф	«ИНКОТЕКС» фирмаси	Россия	05.03.01.й	Чекланмаган
20.	МЕРКУРИЙ-112Ф	«ИНКОТЕКС» фирмаси	Россия	05.03.01.й	Чекланмаган

21.	МЕРКУРИЙ-115Ф	«ИНКОТЕКС» фирмаси	Россия	05.03.01.й	Чекланмаган
22.	МЕРКУРИЙ-152Ф	«ИНКОТЕКС» фирмаси	Россия	05.03.01.й	Чекланмаган
23.	МЕРКУРИЙ-153Ф	«ИНКОТЕКС» фирмаси	Россия	05.03.01.й	Чекланмаган
24.	DATECS MP-5000	«КАШФИ АСРОР ЛТД» кўпчма корхонаси	Ўзбекистон	05.03.01.й	Чекланмаган
25.	PCU POS - 560-B1	«ФИРИШ ИНТЕРПРАЙЗЭС Ко.ЛТД»	Тайвань	05.03.01.й	Чекланмаган
26.	AMC-100ФШ	«ТАРАККИЁТ- АРКУС» кўпчма корхонаси	Ўзбекистон	15.04.02.й	Чекланмаган
27.	AMC-101ФШ	«ТАРАККИЁТ- АРКУС» кўпчма корхонаси	Ўзбекистон	15.04.02. й	Чекланмаган
28.	ОРИОН-100Ф-У3	«ФОТОН» ХЖ	Ўзбекистон	31.07.02.й.	Чекланмаган
29.	Astra-100Uz	«YENGIL SANOAT TJORAT MARKAZI» маъсуллияти чекланган жамияти	Ўзбекистон	27.11.02.й.	Чекланмаган

30.	Элвес-Микро-Ф	«НАМІСТРИХ М» күшма корхонасы	Ўзбекистон	27.11.02 й.	Чекланмаган
31	«Элит-Мобил F UZ»,	«BULTEX» күшма корхонаси	Ўзбекистон	24.02.03 й.	Чекланмаган
32.	«Элит Микро F UZ»,	«BULTEX» күшма корхонаси	Ўзбекистон	24.02.03 й.	Чекланмаган
33.	«Элит Такси JF F UZ»	«BULTEX» күшма корхонаси	Ўзбекистон	24.02.03 й.	Чекланмаган
34	«Штрих-ФР-Ф»	«Штрих-М» ЁАЖ	Россия	06.09.06 й.	Чекланмаган
35	«INTER MROS 2001»	«Inter» фирмаси	Туркия	06.09.06 й.	Чекланмаган

Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланилиш тартибига риоя этилиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишини янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1090-сонли қарори билан тегишли рўйхатга киритилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги назорат-касса машиналарини ўрнатиш ҳамда фойдаланиш тартиби, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилди, шунингдек улар зиммасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик юкланиши белгилаб қўйилди.

Ўз навбатида мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда солиқ органларига:

савдо ва хизмат кўрсатиш обьектларида тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларининг мавжудлиги ҳамда улардан мажбурий равишда фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш;

савдо ва назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишдан ноқонуний бўйин товлаш ҳолатлари аниқланган тақдирда айбор шахсларга иисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўллаш;

савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширишда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш масалалари бўйича тезкор равишда чора кўриш учун хизмат кўрсатувчи тижорат банки билан биргаликда ҳар бир минтақада мижозларнинг аризаларини, шу жумладан, «ишонч телефонлари» орқали мурожаатлари кўриб чиқилишини ҳамда келиб тушадиган мурожаатларнинг зудлик билан текширилишини ташкил этиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишини янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1325-сон-

ли қарорида аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган ва банк пластик карточкаларидан түловлар қабул қилиш бүйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларининг рўйхати қайта тасдиқланди (10-жадвал).

10-жадвал

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган ва банк пластик карточкаларидан түловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари рўйхати

N	Объектларнинг номи
1	Авиация ва темир йўл чипталарини сотиш кассалари
2	Автовокзаллар ва автостанциялар кассалари
3	Автомобилларга ёнилги қўйиш шоҳобчалари
4	Меҳмонхоналар
5	Кредит ташкилотлари (кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар), сурхата ташкилотлари ва молия бозорининг бошқа субъектлари
6	Турғун савдо шоҳобчалари, шу жумладан дорихоналар (эталланган майдон ҳажмидан қатти назар)
7	Умумий овқатланиш объектлари
8	Аҳолидан уй-жой-коммунал хизматлари, шунингдек телефон, шу жумладан уяли телефон алоқаси хизматлари учун тўловларни қабул қилиш пунктлари
9	Автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари
10	Алюқа бўлимлари
11	Маиший хизмат кўрсатиш ва маданий-оммавий ҳамда томоша тадбирларини ўтказиш объектлари
12	Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи бошқа хўжалик юритувчи субъектлар

Демак, юқорида рўйхати келтирилган аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларининг қонунчиликка биноан банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш талабларига сўзсиз риоя қилишини таъминлаш мақсадида қисқа муддатли текиришларни ташкил қилиши ҳамда аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амал-

га оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган объектлар фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб борадилар.

Ўз навбатида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритаётган шахсларни аниқлаш солиқ хизмати органларининг хизмат йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур хизматни солиқ хизмати органлари ходимлари мунтазам, систематик равишда амалга оширадилар. Солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш учун солиқ хизмати органлари ходимлари муайян йўналиш ёки ҳудуд участкаси бўйича рейд текширувига чиқишлари керак. Бунда ушбу ҳудуд участкаларида солиқ органларида рўйхатдан ўтган солиқ тўловчилар тўғрисида маълумот бўлиши зарур. Ўрганилаётган ҳудуд участкасида биринчи галда, рўйхатга олинмаган шахслар ҳақида маълумотларни иnobатта олиш керак.

Белгиланган участка бўйича рейд текширувига чиқишдан аввал солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган маълумотларнинг (фаолият тури, мол-мулк, ер участкалари, транспорт воситалари мавжудлиги, ёлтанма ишчилар борлиги ҳамда сони ва ҳ.к.) тўғрилигини солиштириш мақсадида солиқ органи ходими тадбиркорлик объектлари бўйича тўлиқ маълумотлар тўплаб, солиқ тўловчи тўғрисида ахборот тайёрлайди. Шунингдек, бошқа давлат органларининг маълумотлари, оммавий ахборот воситаларидан олинган хабарлар, солиқ тўловчиларнинг ариза ва шикоятлари, шу жумладан «ишинч телефони»га берилган хабарлардан фойдаланиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаси бўйича илгари маъмурий жавобгарликка тортилган солиқ тўловчиларни рўйхатта олиш доимий равишда назорат (мониторинг) қилинади. Агарда солиқ органига рўйхатга қўйилмаса такрорий рейд текшируви ўtkaziladi.

Рейд текшируви давомида солиқ тўловчидан қўйидаги ҳужжатлар сўралади:

жисмоний шахслар учун якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўtkazilganligi тўғрисидаги гувоҳнома ёки юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўtkazilganligi (қайта рўйхатдан ўtkazilganligi) тўғрисида гувоҳнома;

НҚМни рўйхатдан ўtkazish карточкиси;

НКМ касса юритиш китоби (кассир-оператор китоби).

Солиқ тўловчи томонидан НКМни қўлламай, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилмаган ёки фискал режимда бўлмаган ёхуд носоз НКМни қўллаб пул ҳисоб-китобларини амалга ошираётган ёки хизматлар кўрсатилаётган ҳолатларни қисқа муддатли текширув далолатномасида акс эттириш керак. Бундан ташқари, солиқ тўловчидан (унинг мансабдор шахсидан) мазкур қонунбузарлик ҳолати юзасидан тушунтириш хати олиш зарур. Агар қисқа муддатли текширув давомида товарни сотишда (ишлиар, хизматлар) НКМни қўллаб реализация қилинаётганда солиқ тўловчига (унинг мансабдор шахси) НКМ тасмасидан чекни йиртиб бермаса, бинобарин чек харидорга берилмаса, бу ҳолатни ҳам қисқа муддатли текширув далолатномасида қайд этиш керак.

Қисқа муддатли текширув давомида солиқ тўловчи иштирокида кассадаги нақд пул тушуми ҳисобланиши асосий жиҳат саналади. Сўнгра иш куни бошидан текширув бошланиш пайтигача тушган нақд пул тушуми йифиндиси акс эттирилган X – ҳисоботи олиниади. Кассадаги нақд пулни саноқдан ўтказилиши ҳамда X – ҳисобот олинишини солиқ тўловчи томонидан давлат солиқ хизмати органи ходими иштирокида амалга оширилади ва улар ўзаро солиштирилади.

X – ҳисоботда акс эттирилган тушум йифиндиси билан кассадаги нақд пул йифиндиси орасида фарқ борлиги аниқланганда қисқа муддатли текширув далолатномасига солиқ тўловчининг (унинг мансабдор шахсларининг) тафовут сабаблари кўрсатиб ўтилган тушунтириш хатини илова қилиш керак. Солиштириш чоғида иш куни бошида касса юритиш китобида акс эттирилган нақд пуллар қолдиги борлигига ҳамда пул маблағлари ҳаракатига ҳам эътибор бериш лозим (кассир-оператор китобида).

Бунда кассадаги нақд пуллар йифиндиси X – ҳисоботда акс эттирилган йифиндидан кўпроқ бўлса, тушумнинг бир қисми (нақд пуллар) НКМда акс эттирилмай кассага қабул қилинганини тасдиқлайди, мазкур ҳуқуқбузарлик НКМни қўллаш тартибини бузиш деб баҳоланади.

Агар кассадаги нақд пул йифиндиси X – ҳисоботда акс эттирилган йифиндига қараганда кам бўлса, унда кун бошидаги касса қолдиги ва кун давомидаги хизмат харажатлари НКМ орқали ўтказилган нақд пулларни ҳисобга олиш китобини текшириш керак.

Х – ҳисобот билан нақд пулларни ҳисобга олиш китобидаги маълумотлар орасидаги тафовут, бундай ҳуқуқбузарлик касса операцияларини юритиш тартибини бузиш деб баҳоланади.

Барча аниқланган маълумотлар, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар ва тафовутлар далолатномада, ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларга таянган ҳолда батағсил акс эттирилади. Бундан ташқари, қисқа муддатли текширув далолатномасига қўйидагилар илова қилинади; қисқа муддатли текширув пайтида солиқ тўловчи (унинг мансабдор шахси) томонидан имзоланган кассадаги тушумни (нақд пуллар) саноқдан ўтказиш далолатномаси, Х – ҳисобот.

Қисқа муддатли текширувда ҳуқуқбузарликлар аниқланганда давлат солиқ хизмати органи ходими маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш кўриладиган жойни, сана ва вақти ҳақида солиқ тўловчини хабардор қилиши шарт. Бунда солиқ тўловчини чақириш ҳақидаги хабарнома қисқа муддатли текширув далолатномасига тегишли маълумот киртиш йўли билан берилади.

Бир марталик талон мавжудлиги бўйича рейд текширувини ўтказиш, бир марталик талон асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахсларга нисбатан ўтказилади.

Рейд текшируви ўтказилаётганда бир марталик талоннинг мавжудлиги, бир марталик талон асосидаги тартиб тўғри қўлланилаётганилиги, шунингдек бир марталик талон бланкасидаги маълумотларнинг тўғрилиги, амалга оширилаётган фаолият тури кўрсатилганлиги, маҳаллий ваколатли орган қарори билан белгиланган бир марталик талонлар қиймати тўғри қайд этилганлиги текширилади.

Бир марталик талон бўлмаганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилиб, текширув материаллари билан бирга маъмурий жавобгарликка тортиш учун суд органларига топширилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Қисқа муддатли текшириши неча кунда амалга оширилиши керак?

2. Назорат касса машиналарининг мажбурий қўлланилишини назарда тутувчи қандай меъёрий ҳужжатларни биласиз?

3. Банк пластик карточкаларидан түловлар қабул қылыш бүйича ҳисоб-китоб терминалларининг мажсубирий йўлланилиши лозим бўлган чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари рўйхатига қайси объектлар киради?

4. Назорат касса машиналарининг қандай турлари мавжуд?

5. Бир марталик талон ёки чек ҳақида нималарни биласиз?

6. Назорат касса машиналаридан фойдаланиши тартиб-қондадарини бузганлик учун қандай жавобгарлик чоралари мавжуд?

7. Назорат касса машиналаридан «X» ва «Z» ҳисоботлари нима мақсадда чиқарилади?

8. Қандай ҳолатлар назорат касса машиналарини қўллаш тартибини бузши деб баҳоланади?

2.7§. Хўжалик юритувчи субъектларни фаолият турларига нисбатан текширишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қурилиш ташкилотларини текшириш хусусиятлари

Қурилиш ташкилотларини текшириш хусусиятига бажарилган қурилиш ишлари, шунингдек қурилишдан ташқари бошқа фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарадиган маҳсулот ва кўрсатадиган хизматлар таниархи тўғри белгиланганини текшириш киради. Қурилиш ишлари таниархи ташкилот тузилмаси ва қурилиш ишлари бўйича тузилган шартнома шартларидан келиб чиқади.

Текширувчи қўйидагиларни текшириши зарур:

- қурилиш ишларига ҳисобдан чиқарилаётган материаллар қиймати тўғри шакллантирилганлиги;

бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми олинган натижаларни қурилиш-монтаж ишларини бажариш далолатномалари билан солиштириб текширилади (2-сон шакл).

- қурилиш шартномаси;

- лойиҳа-смета ҳужжатлари;

- объектлар қурилишига капитал қўйилмалар технологик таркиби тўғри белгилангани (капитал қўйилмалар барча турдаги

қурилиш ишлари, монтаж ишлари, ускуналар, асбоб-анжомлар қиймати, бошқа ишлар ва харажатлардан таркиб топади).

Текширувчи қуидагиларни ҳам аниқлаши шарт:

- қурилиш ишларига, ускуналарни монтаж қилиш ишларига нималар киришини (ускуналарни монтаж қилиш ишлари ҳажмига нималар киритилмайди);

- ускуналар, асбоб-анжомлар бўйича харажатлар таркибига нималар киришини;

- қайси ускуна қурилиш сметаларига кириши ёки кирмаслигини;

- бошқа капитал ишлар ва харажатлар таркибига нималар кириши (капитал қўйилмаларга нималар киритилмайди);

- қурилиш ишлари, шунингдек маҳсулот ва хизматлар таннархига нималар киритилмаслиги керак;

- тугалланмаган қурилиш ишлаб чиқаришига нималар кириши;

- солиқлар тўғри ҳисоблаб ёзилганми ва бюджетта тўланганми.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини текшириш хусусиятлари

Бунда савдо, умумий овқатланиш соҳаси текширилади.

Текширувчи қуидагиларни текшириши зарур:

- товарлар омборга кирим қилиниши учун асос бўладиган бирламчи ҳужжатлар (ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юхати, юк квитанциялари – юк темир йўлдан қабул қилинганда) қандай расмийлаштирилганлиги;

- бухгалтерияда товарлар аналитик ҳисоби тўғри юритилганлиги;

- тегишли ихтисослаштирилган корхоналарда тарози хўжалиги;

- чакана савдода товарлар тўғри ҳисобга олинганлиги (қиймат ифодаси, бундан миқдори, нархи ва суммасига қараб ҳисобга олинадиган товарлар мустасно);

- табиий йўқолиш тўғри ҳисобдан чиқарилганлиги;

- реализация қилинаётган товарлар чакана нархлари тўғри қўйилганлиги;

- идишлар (тара) билан операциялар тўғри акс эттирилганлиги;

- аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби бузилмаганлиги;

- нақд пулларни инкассация қилиш муддатлари;

- инвентаризациянинг ўз вақтида ўтказилғанлиги ва натижалар аниқланғанлиги;
- моддий жавобгар шахсларнинг товар ҳисоботларини түгри тузғанлиги;
- касса операцияларини юритиш тартиби;
- товарлар реализациясидан тушум тұлық кирим қилинғанлиги;
- товарлар комиссияга реализация қилинғанда операциялар түгри акс эттирилғанлиги;
- товарларни арzonлаштириш, құшымча баҳолаш ва қайта баҳолаш түгри йўлга қўйилғанлиги.

Лойиҳа-қидирув ташкилотларини текшириш хусусиятларини

Лойиҳа-қидирув ташкилотларини текшириш хусусиятларига лойиҳа ва қидирув маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ва уларнинг ҳисобға олнишишини ҳамда молиявий натижалар шакллантирилишини текшириш киради.

Текширувчи қуидагиларнинг таннархи билан боғлиқ масалаларни текшириши шарт:

- қидирув экспедициялари, партиялари, отрядлари ходимлари ва бошқа ходимларга вахта усулида ишлаганларида иш жадвалида назарда тутилған корхона жойлашған жойдан иш жойига ва ундан қайтишга йўлда бўлган кунлар учун, шунингдек ходимлар об-ҳаво шароити ва транспорт ташкилотлари айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун қонунчиликда белгиланган миқдорда тўланадиган сумма;

- буюртмачи қурилиш лойиҳаси таркибидан берадиган намунали ва бошқа лойиҳалар ёки уларнинг қисмлари, чизмалари ва намунавий конструкциялар, узеллар ва деталлар, стандартлар қиймати;

- грунтлар ва сув лаборатория таҳлили, хом ашёни ўрганиш ва таҳлил қилиш, қурилиш материалларини ўрганиш ва синаш ҳамда лойиҳаларда қўлланиладиган ва экспериментал текширувга муҳтож янги ускuna тажриба намуналарини синаш, макетлар ва моделлар тайёрлаш хизматлари ҳақини тўлаш;

- дала харажатлари, қидирув амалга оширилаётган ҳудудда экспедициялар, партиялар ва отрядларни тутиб туриш;

- макетлар, слайдлар, кинофотоұжежатлар тайёрлаш, лойиҳа-қидириүв ҳужжатлари намунаий элементларини иштаб чиқиш ва тайёрлаш, ҳужжатлар чиқариш ва жүннатищ, күрсатилған ишларни бажариш учун микрофильмлаш ускуналарига хизмат күрсатиши билан боғлиқ харажатлар;

- шартномалар бүйича чет ташкилотлар иштаб чиқарадиган маҳсулот иштаб чиқариш жараёнлари ва сифатини экспертиза қилиш, унга доир маслаҳат берип, назорат қилиш ишларига ҳақ түлаш ва бошқа харажатлар.

Кичик корхоналарни текшириш хусусиятлари

Текширувчи қуйидагиларни текшириши зарур:

- корхона ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисоби түғри юритилаётганилиги;

- солиқлар ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бошқа түловлар түлаш бүйича имтиёзлар түғри қўлланилаётганилиги ва мақсадли фойдаланилаётганилиги;

- ишлаётганилар, шу жумладан ўриндошлик бүйича ишлаётганилар сони бүйича кичик корхоналар сирасига киравчи тоифалар түғри белгиланганлиги.

Транспорт ва транспорт-экспедиторлик корхоналарини текшириш хусусиятлари

Транспорт хизматлари күрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар текширилаётганда қуйидагиларга эътибор берип зарур:

- ҳисобот даврида қанча йўл босганикни күрсатувчи спидометр күрсаткичларидан келиб чиқиб ЁММ ҳисобдан чиқарилиши;

- йўл варақалари расмийлаштирилиши ва автомобиль қанча йўл босганигининг акс эттирилиши;

- ЁММ харид қилиш манбай;

- аҳоли ташиш хизматларини күрсатганилардан тушган тушум тўлиқ инкассация қилингандиги;

- транспорт экспедицияси шартномаси шартлари текширилиши;

- транспорт-экспедиция хизматлари күрсатиш харажатлари таннархга түғри киритилганлиги.

Юқоридаги масалалардан ташқари солиқ текшируви ўтказишида корхона хусусияти ва солиқ хизмати органлари зыммасига юклатилған солиқ назорати масалаларини ҳисобға олган ҳолда бошқа масалалар ҳам ўрганилиши мүмкін.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1. Қурилиши ташкылотларини текширишининг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?*
- 2. Савдо ва ұмумий овқатланиши корхоналарини текширишида асосан нималарға эътибор қаратиш лозим?*
- 3. Кичик корхоналар ва микрофирмаларни текширишининг ўзига хос жиҳатлари нимада?*
- 4. Транспорт ва транспорт-экспедиторлик корхоналарини текширишида нималарға алоҳида эътибор қаратипи зарур?*

III. БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТЕКШИРИШ

3.18. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билин солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш

Солиқ органлари ходимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни текширганда солиқ базаларининг тўғри аниқланганлигига, солиқ имтиёзларининг тўғри қўлланилишига, солиқ ставкалари ва солиқ суммаларининг тўғрилигига, солиқларнинг муддатида ва тўлиқ бюджетга ўтказилганлигига, бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилишига, тўловлар бўйича аналитик ҳисобнинг тўғри юритилишига, бюджетга тўловлар бўйича ҳисбот маълумотларининг тўғрилиги ва асослилигига эътибор берилиши лозим.

Корхонанинг бюджет олдидағи мажбуриятлари молиявий ҳисоботнинг биринчи шакли, яъни «Бухгалтерия баланси» (пассив томони, иккинчи – «Мажбуриятлар» бўлими, «Бюджет бўйича қарзлар» сатри) тўғрисида ҳисобот»да келтирилган («Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот» номли иловада ифодаланган бўлади). Бюджет билан корхонанинг ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисобининг 6410 – «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счётида олиб борилади.

6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счётининг кредитида бюджетга тўланиши керак бўлган мажбурият суммаси олинадиган счёtlар, давр харажатлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши, меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счёtlар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Якуний ҳисоб-китобда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга илгари ўтказилган бўнак тўловлари 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счётининг дебет томонида бюджетта бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счёtlар (4400) билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Бюджетга ҳақиқатда ўтказилган суммалар 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счётининг дебет томонида пул маб-

лағларини ҳисобга олувчи счёлтар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6410 «Бюджетта тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счёти бўйича аналитик ҳисоби ҳар бир солиқ турлари бўйича алоҳида юритилади (11-жадвал).

Текширувчи даставвал ушбу счётнинг қолдигини бухгалтерия балансидан аниқлайди (460-сатр). Мазкур счётнинг қолдиги Бош китоб, оборот ведомостлари билан ўзаро солиштирилади. Солиқларнинг турлари молиявий ҳисоботдаги «Бюджетта тўловлар тўғрисида маълумот»да келтирилган бўлади.

Шунинг учун у бюджет тўловларига доир ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида ўтказиб берилишини синчиклаб текшириши лозим.

11-жадвал

**Бюджетта тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счёт
(6400)нинг бошқа счёлтар билан боғлананиши**

Т/р	Хўжалик муюмалаларининг мазмуни	Счёлтарнинг боғлананиши	
		Дебет	Кредит
1	Давр харажатларига тааллуқли ҳар хил ажратмалар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетта қарзлар	9430	6410
2	Тайёр маҳсулотларни, товарларни сотища, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш, шунингдек асосий воситалар ва бошқа активларни сотиши ва турли чиқаришида КҚС ва акциз суммаси ҳисобланди	4010	6410
3	Бюджетдан маблағлар қайтарилиди ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилди (якуний ҳисоб-китоблар ва ш.к.)	5110, 5210, 5530, 4410	6410

4	Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан даромад солиги суммаси ушлаб қолинди	6710	6410
5	Ҳисобланган дивидендан даромад солиги суммаси ушлаб қолинди	6610	6410
6	Фойдадан бюджетта тўловлар ҳисобланди	9810-9890	6410
7	Бюджетта тўловлар ўтказиб берилди	6410	5010-5530
8	Моддий ресурслар, товарлар, ишлар ва хизматларга тегишили бўлган ҚҚС суммаси ҳисобга олинди	6410	4410
9	Олинган кредитлар ва қарзлар ҳисобидан бюджетта қарзлар тўланди	6410	6810-6840, 7810-7840

Бюджетта тўланадиган тўловларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси билан, айрим тўловлар¹¹ бўйича бюджет билан, ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби билан тартибга солинади.

Солиқлар бўйича қарзлар юридик шахсларнинг бюджет олдидаги мажбурияти ҳисобланади ва одатда, маълум санада тўланади. Солиқ қонунчилигининг тез-тез ўзгариши ва меъёрий ҳужжатлар айрим қоидаларидаги зиддиятлар солиқларга доир ҳисоб-китобларда тасодифий хатоларни келтириб чиқариши мумкин.

Солиқлар бўйича қарзлар синчиклаб текширувдан ўтказилганида қуидаги хатолар аниқланиши мумкин:(8-расм)

Кредиторлик қарзлари ва бутун бухгалтерия ҳисботини баҳолашга қуидагилар таъсир кўрсатади:

¹¹ Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом (ЎзР АВ 31.01.2005 й. 1446-сон билан рўйхатта олинган ЎзР МВ 14.01.2005 й. 3-сон ва ЎзР ДСК 2005-3-сон Қарори билан тасдиқланган)

Солиқлар бўйича қарзлар текширилганда аниқланадиган ҳатоликлар

- солиқларни ҳисоб-китоб қилишда бухгалтерия ҳисоби тамойиллари, қонун ҳужжатлари ва йўриқномаларнинг нотўғри қўлланиши
- солиқ ставкаларининг нотўғри қўлланилиши
- солиққа тортиладиган базанинг нотўғри аниқланиши
- пеня ва жарималарнинг ноаниқ ҳисобга олинниши

8-расм. Солиқлар бўйича қарзлар текширилганда аниқланадиган ҳатоликлар

- солиққа тортиш бўйича имтиёз олиш учун хато ахборотларни тақдим этиш;

- солиқ органларига тақдим қилинадиган маълумотларнинг бузуб кўрсатилиши ёки яширилиши;

- бюджетга қарздорликларни аниқлашда, солиққа тортишдан озод этилганлар сифатида солиққа тортишда ҳисобга олинадиган даромадларни нотўғри туркумлаш ёки ҳисоб-китоб қилиш;

- солиққа тортиш бўйича имтиёз олиш учун бош ва шўъба корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобда қалбаки муомалаларни акс эттириш.

Ҳар бир солиққа оид қонунчилик ҳужжатида солиқ ставкаларини қўллаш, солиқ солинадиган базани аниқлаш, солиқларни тўлаш муддатлари, ҳисоботларни тайёрлаш ва ҳоказо талаблар акс эттирилади.

Солиқ мажбуриятларининг нотўғри аниқланиши катта молиявий йўқотишлиар келтириб чиқаришини ҳисобга олиб, ушбу участкада текширувларни ташкил этиш ва ўтказиш технологиясига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Текширувларни муваффақиятли ўтказиш учун қуидагиларни амалга ошириш зарур:

- бюджет билан ҳисоб-китобларни текширишга юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш;

- ходимларни солиққа тортиш масалаларига оид тезкор ахборотлар ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;

- солиқ түловчы томонидан тақдим қилинадиган, солиққа торғыш масалаларига доирәсма ахбороттар сифатини самарали назорат қилиш;

- корхона ичида солиқ бүйича маслаҳат беріши технологиясіни барпо қилиш ва бюджет билан ҳисоб-китобларни текшириш натижалари бүйича расмийлаштирилиши лозим бўлган ишчи ҳужжатларининг маҳсус шаклларини ишлаб чиқиш.

Фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиғи корхонанинг молия-хўжалик фаолиятига энг катта таъсир кўрсатиб, ҳисоб-китоб қилишда ҳам, текширув ўтказишида ҳам ҳаммадан кўп қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу боис, умум давлат солиқларидан шу иккаласига батафсил тўхталиб, қолган солиқлар ва йиғимлар бўйича эса умумий текширув қоидаларини баён қиласиз.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Корхоналарнинг бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китобларини текширишида нималарга алоҳида эътибор берши зарур?

2. Корхонанинг бюджет олдиғаги мажбуриятлари молиявий ҳисоботининг қайси шаклида акс эттирилган бўлади?

3. Бюджет билан корхонанинг ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисобининг қайси счётларида олиб борилади?

4. Солиқлар бўйича қарзлар текширилганда қандай хатоликлар аниqlаниши мумкин?

5. Текширувларни муваффақиятли ўтказиши учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

3.2§. Фойда солиғини ҳисобланиш жараёнини текшириш

Фойда солиғи ҳуқуқий шахслар фойдасининг бир қисмини давлат томонидан олиш йўли билан бюджетга тушириладиган маблағлар манбаларидан биридир. Фойда солиғини текширувдан ўтказиш, қоидага кўра, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- чораклик учун солиқ ҳисоб-китоби асосида ҳар чоракда ҳисобланган ва тўланган бўнак тўловларни таҳлил қилиш;

- ҳисбот даври учун фойда солиғи ҳисоб-китобини текшириш;

- фойда солиғи бўйича қарзларни ҳисбот давридаги молия-хўжалик фаолияти натижалари асосида таҳлил қилиш.

Корхона ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган фойда ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб аниқланадиган фойда солигининг бўнак бадалларини чораклик давомида бюджеттага тўлаб боради.

Фойда солиги бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 15-кунига қадар ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича фойда солиги суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади.

Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқкан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган фойда солиги суммаси ҳисобот даври учун бюджеттага тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиги суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли (9-расм).

Фойда солигини текширишда белгиланган вазифалар

- Солиқ ҳисоботлари бўйича синтетик ва аналитик счетларнинг ҳолати
- Солиқ базасили шакллантириш
- Даромад харажатларини ва ҳисобга олинмаган солиқ базасини аниқлаш
- Жорий солиқ мажбуриятлари олдидағи қарзни бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларида аниқлаш
- Йиғилган солиқларнинг суммасини бухгалтерия ҳисоботларида аниқлаш
- Молиявий ҳисобот шаклларини классификация қилиб олиш
- Тўлиқ ўз вақтида фойда солиги тўланишини таъминлаш

9-расм. Фойда солигини текширишда белгиланган вазифалар

Фойда солиғини текшириш жараёнида қуидаги ҳуқуқбузарлайлар бўлиши мумкин:

- Солиқ базасини тўғри шакллантирмаслик (даромад харажати);
- Иқтисодий харажат таркибига белгиланмаган харажатларнинг киритилиши;
- Солиқ имтиёзлари қоидаларини бузиш;
- Шакллантирилган солиқ ажратмаларини бузиш ҳоллари;
- Ички назоратнинг йўқлиги, фойда солиғини нотўғри ҳисобланганлиги.

Текширув чоғида қуидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

1. Фойда солиғини ҳисобга оладиган счёт бўйича қолдиқни бош дафтар маълумотлари билан солиштириш;
2. Фойда солиғи бўйича қарзлар қолдиқлари бўйича ҳисобкитобини тайёрлаш ва қолдиқларни чиқариш;
3. Корхона томонидан қилинган фойда солиғи ҳисоб-китобини ва фойда солиғининг ҳақиқий ва ҳисоб-китоб суммалари ўтасидаги барча катта фарқларни таҳлил қилиш;
4. Фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишга таъсир кўрсатган омилларни муҳокама қилиш. Ҳақиқий ва ҳисоб-китоб қилинган суммалар ўтасидаги фарқлар изоҳланиши ва ҳужжатларда акс эттирилиши лозим;
5. Суммаларни жамлашнинг тўғрилигини текшириш ва қайта ҳисоблаш;
6. Фойда солиғи бўйича бўнакларни ва якуний солиқ суммасини солиштириш.

Ҳисобот даври учун ҳисоб-китобларда тайёрланган чораклик бўнак тўловларини таҳлил қилиш чораклик тўловларни банк кўчирмаси бўйича солиштириш, солиқларни дастлабки ҳисобкитоб қилиш ҳужжатлари ва кейинчалик жарималар ва пенялар тўлашдан қутулиш учун бўнакларнинг ўз вақтида тўланишини таҳлил қилишга асосланиши лозим.

Муомалалар натижалари асосида фойда солиғининг ҳақиқий ҳарзини текшириш қуидагиларни ўз ичига олади:

- фойда ва заарлар счёти бўйича солиққа тортилгунгача фойданি текшириш;
- фойда солиғи бўйича қарзларни якуний солиқ декларацияси маълумотлари билан солиштириш;
- бир йиллик фойда солиғининг тўғрилигини, солиқ ставкасини қўллаш ва имтиёзлардан фойдаланишининг тўғрилигини, со-

лиқларни тўлаш муддатларининг мувофиқлигини кўрсатган ҳолда қайта ҳисоблаш ва текшириш.

Текшириш чоғида фойда солиги тўловчи субъектнинг мақоми, унинг асосий ва қўшимча фаолият турлари, ички ва алоҳида ажралиб чиқсан бўлинмалари ҳамда ҳамкорларини аниқлаши зарур. Фойда солиги корхоналарда турли ставкалар билан ҳисобланишини, уни тўлаш йил давомида жорий тўловлар тартибида амалга оширилиб, чорак, ярим йил, тўққиз ой ва йил охирида ҳақиқий олинган фойдага нисбатан қайта ҳисобланишини, тўловчиларга эса ҳар хил имтиёзлар берилишини назарда тутиб, солиққа тортиш базасини текширишда, аввало ялпи фойдани сўнгра унинг бевосита солиққа тортиладиган қисмини ҳисобга олишнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шундан сўнг, биринчи навбатда, фойда ҳақидаги баланс маълумотларини 9900 «Якуний молиявий натижা (даромадлар ва харажатларни жамлаш)» счёти бўйича бош дафтарда, журнал ордерларда, машинаграммалардаги ва «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2 шакл) бўйича бир-бирига таққослаб, уларнинг ўзаро мос келишини аниқлаши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда баланс фойдаси йил давомида акс эттирилади: пассивда олинган фойда, активда эса унинг ишлатилиши. Йил якунида аниқланган фойданинг ишлатилган суммасига 9810-«Фойда солиги бўйича харажатлар» ва 9820-«Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва юйимлар бўйича харажатлар» счёtlарини кредитлаб 9900-«Якуний молиявий натижা» счётини дебетлаб тўғриланади (корректировка қилинади). Фойданинг тақсимланмай қолган қисми эса 9900-«Якуний молиявий натижা» счёти дебетига ва 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг кредитига ёзилиб, ҳисобдан ўчирилади.

Ҳақиқий фойданни таҳлил қилишда 9010-«Маҳсулотлар сотишидан олинган даромадлар», 9020-«Товарларни сотишдан олинган даромад», 9030-«Бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлар», 9110-«Сотилган маҳсулотлар таннархи», 9120-«Сотилган товарлар таннархи», 9130-«Бажарилган ишлар ва хизматлар таннархи», 9210-«Асосий воситаларнинг чиқими» ва 9220-«Бошқа активларнинг чиқими» счёtlарининг кредити ва дебетида акс эттирилган барча ёзувларнинг ишончлилиги ҳақида исботга эга бўлиш зарур. Солиқ кодексига мувофиқ солиққа тор-

тиладиган фойда умумий даромад билан белгиланган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Текширувчи умумий даромад ва ундан чегириладиган чегирмалар таркибиға киругчи ҳар бир модда бўйича маълумотларни синчилаб текшириши керак.

Фойда солиги бўйича солиқдан тўлиқ озод қилиш, вақтинча озод қилиш ва солиққа тортиладиган даромадни (фойдани) камайтириш йўли билан бериладиган имтиёзларни қўллашнинг тўғрилигини текшириши лозим.

Бу имтиёзлар асосан ногиронлар ва нафақахўрлар меҳнатидан фойдаланиш; табиятни муҳофаза қилиш тадбирларига капитал сарфлар қилиш, соғлиқни сақлаш обьектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача муассасалар, маданият ва спорт обьектлари, уй-жой фондини сақлаш харажатлари билан; корхонани реконструкция қилиш ва техникавий қайта қуроллаштиришни инвестициялаш (маблағ билан таъминлаш), илмий-техник ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш; кичик бизнесни ривожлантириш ва бошқалар билан боғлиқ. Лекин барча имтиёзлар уларнинг берилиши ҳамда умумий суммаси бўйича маълум даражада чегараланганди. Корхона томонидан солиққа тортиладиган базани камайтиришнинг барча ҳоллари бўйича тузилган маҳсус ҳисоб – китобнинг амалдаги қонунчиликка мос келишини текширувчи диққат билан текшириши лозим.

Бундан ташқари, таҳмин қилинаётган фойда ва солиқларнинг жорий тўловлари ҳақидаги маълумотнома ҳам текширилиши керак. Солиқ тўловчи солиқ суммасини мустақил аниқлашда, ўзи солиқ бўйича бериладиган имтиёзларни ҳисобга олади ва солиқларнинг ўз вақтида ҳамда ҳар хил даражадаги бюджетларга тўлашиши учун жавобгардир.

Корхона штатидаги ходимлардан, шунингдек пудрат шартномаси ва меҳнат битими бўйича ишга жалб қилинган шахслардан даромад солиги олишнинг тўғрилигини танлов усули билан текшириши керак. Текширишнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси талабларига риоя қилинаётганилиги ни текшириш ва йўл қўйилаётган хато-камчиликларни тугатиш бўйича тавсиялар беришдан иборат. Йиллик умумий даромад билан чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган даромад жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадини ташкил қиласди. Кўпчилик ҳолларда жами даромадни ҳисоб-

лаш ва имтиёзларни қўллашда хатоларга йўл қўйилади. Хусусан, кўпчилик ҳолларда хорижий валютада олинган даромадлар асоссиз равишда сўмга ҳисоблаб ўтказитмайди, бундай ҳисоблаб ўтказиш эса даромад олинган вақтида амалда бўлган, Ўзбекитон республикаси Марказий банки курси бўйича амалга оширилиши керак. Айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Нифақа фондига ушланган суммага жами даромад камайтирилмайди. Кўпгина ҳолларда хизмат сафари харажатларини қоплаш нормаларидан ошган суммалар ва натурал шаклда олинган даромадлар солиқка тортиладиган даромадга киритилмай қолади. Натурал шаклда олинган даромадлар йиллик жами даромад таркибида давлат баҳоси бўйича ҳисобга олиниши лозим, улар бўлмаганда эса даромад олинган кундаги бозор баҳоси бўйича ҳисобга олиниши керак.

Фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг тўғри қўлланилиши ва тўлов муддатларига риоя қилиниши ҳам текширилиши зарур.

Фойда солиғи бўйича берилган маҳсадли имтиёзлар ва уларни қўллаш шартларига доир мисоллар:

1-мисол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартағи «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3860-сонли Фармонига асосан хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рағбатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илфор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш маҳсадида хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу маҳсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг обьекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилган.

Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўлланилиши;

технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, қайд этиб ўтилган солиқ имтиёзларининг амал қилиши бекор қилиниши, бюджетта тегишли солиқлар тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланиши;

технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бекор қилинади ва бюджетта божхона тўловлари тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланиши белгилаб қўйилган.

Мазкур имтиёз «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида НИЗОМ¹²»да белгиланган тартибда тақдим этилади.

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг обьекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёз товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилади. Кредитни (лизингни) тўлашда солиқ солиш фойдасидан асосий қарз суммасини

¹² Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2007 йил 11 июнда 1688-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги, Йўқисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 27 апрелдаги 47, 21, 2007-29, 01-02/8-11-сон қарори билан тасдиқланган

(лизинг объекти қийматини) тўлашга сарфланган сумма чиқаруб ташланади. Солиқ солиш базасини ҳисоблашда жиҳозларни сотиб олиш учун фойдаланилган маблағлар фақат бир марта чегириб ташланади. Масалан, агарда солиқ солиш базаси кредит (лизинг) ҳисобига олинган жиҳоз қийматига камайтирилган бўлса, у ҳолда ушбу кредитни (лизинг объекти қийматини) тўлашга сарфланган маблағлар солиқ солиш базасидан чегириб ташланмайди.

Солиқ солинадиган фойданни юқорида кўрсатилган мақсадларга йўналтириладиган маблағлар суммасига камайтириш харажатлар амалга оширилган солиқ давридан эътиборан, янги технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичидаги амалга оширилади. Агар жорий солиқ даврида юқорида таъкидлаб ўтилган мақсадлар учун йўналтириладиган маблағлар суммаси солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан ошса, қолган сумма келгуси солиқ даврларида ўрнатилган муддатда чегирилиб бориши мумкин.

Бунда, солиқ солиш фойдасининг камайтирилиши ҳар ҳисобот (солиқ) даврида ўсиб борувчи якун билан амалга оширилади.

Агар ҳисобот (солиқ) даврида ҳисобланган амортизация суммаси ишлаб чиқариши модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга ва лизинг объекти қийматининг ўринини қоплашга йўналтирилган маблағлар суммасидан ошса, ушбу ҳисобот (солиқ) даврида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ солиш фойдасининг камайтирилиши амалга оширилмайди.

Юқоридаги имтиёзларнинг берилиши натижасида бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланганлигини таєдиқлаш учун хўжалик юритувчи субъектлар ҳар йили йиллик молиявий ҳисоботга қўшиб давлат солиқ хизмати органларига қўйидаги шаклда улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоб-китобни тақдим қилишлари лозим:

(хисоб-китоб тақдим қызметнадиган орган қочи)

Қабул қылыш озувчи
органининг штампи ёки
белгиси
Олиди
" " 20 йил

(корхонанинг тұлақ номи)

Жағоббәр шахс (жерчөч) ишег фамилиясы

Тел.: _____ факс: _____

**Солиқтар, бояхона ва бюджетта мажбурмай тұловлардан
озод этиши натижасыда бүшаган маңақтардан
фойдаланыш түрлерінде
ХИСОБ-КИТОБ**

Йил
(хисобот даври)

N	Тұловларның номи	Суммасы	Асос, штаттеде давр
1			
2			
	Жамы суммасы		
	Белгіленген маңақтарға дұналтирилған маңақтар, жамы		
	жумладан, күйіндеги маңақтарға:		

" " 20 йил
(тақдим килинган сана)

Рахбар (имзо)

Баш бухгалтер (имзо) М. Ү.

2-мисол. «Қишлоқ тараққиети ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан ҳамда янги корхоналар барпо этиш ва ишлаб турғанларини модернизация қылиш, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари камайишини ҳамда тайёр маңсулот нархининг арzonлашувины таъминтайтын замонавий энергия тежайдиган технологияларни татбиқ қылиш ҳисобига сифатлы деворбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмларини күпайтириш ва шу асосда ички бозорни шундай материаллар билан түлдириш, уй-жойлар, айниқса қишлоқ жойларда имарат қураётгандан ақоли-

нинг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида 2009 йил 6 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1134-сонли Қарори эълон қилинган бўлиб, ушбу қарорга асосан махсус печлардан (айланма, туннелсимон ва бошқалар) фойдаланган ҳолда, замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган фишт ишлаб чиқарувчи корхоналар 2009 йилнинг 1 июлидан 2012 йилнинг 1 январига қадар:

- а) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- б) қўшилган қиймат солиғи;
- в) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- г) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- д) мол-мулк солиғи;
- е) ер солиғи;
- ж) ободонлаштириш ва ижтимоий инфрагузилтани ривожлантириш солиғи;
- з) ягона солиқ тўлови;

и) товарларни реализация қилиш ҳажмидан ҳисоблаб чиқариладиган давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълимими ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинган.

Бундан ташқари 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб махсус печлардан фойдаланган ҳолда пишган фишт ишлаб чиқарувчи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб чиқарувчи микро фирмалар ва кичик корхоналарга ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш мажбурияти сақланган ҳолда ягона солиқ тўловига ўтиш ҳуқуқи берилди.

Пишган фишт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мазкур солиқ имтиёзлари ва переференцияларидан фойдаланиш тартиби «Пишган фишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва переференцияларни қўллаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ¹³»да белгилаб қўйилган. Ушбу низомга асосан корхона-

¹³ Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлигига 2009 йил 24 июнда 1985-сон билан рўйхатта олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 22 июлдаги 73, 2009-23-сон қарори билан тасдиқланган

лар юқорида қайд этилган имтиёз ва переференцияларни олиш учун уларнинг маҳсус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқаришни амалга ошираётганligини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳудудий органи томонидан тасдиқловчи хulosасига эга бўлишлари ҳамда мазкур хulosани илова қилган ҳолда корхоналар давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги ПҚ-1134-сон «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришини рагбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномани белгиланган шаклда тақдим этишлари лозим.

Мазкур корхоналар солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида «Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом¹⁴» асосида акс эттиришлари лозим.

Солиқ органлари ходимлари маҳсус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқаришни амалга ошириш билан бирга, бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи корхоналарнинг ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритаётганиларини ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўлаётганиларини ҳам текширишлари лозим.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Фойда солиги қандай тартибда ҳисобланади?
2. Фойда солигини текширишида қандай вазифалар белгиланади?

¹⁴ ЎзР МВ, ДСҚ ДБҚиниң 2005 йил 24 февралдаги 29, 2005-25, 01-02/8-3-сон қарори билан тасдиқланган.

3. Фойда солигини текшириши жараёнида қандай ҳукуқбузарлайлар аниқланышы мүмкін?

4. Солиққа тортыладиган базага қайта қўшиладиган харажатлар таркиби қандай харажатлардан иборат?

5. Фойда солиги базасини камайтиришига хизмат қилувчи солиқ имтиёзлари таркибига қандай имтиёзлар киради?

6. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарииш таннархига киритиладиган харажатлар таркибига қандай харажатлар киради?

7. Корхонанинг давр харажатлари қандай харажатлардан иборат бўлади?

8. Молиявий фаолият бўйича харажатлар деганда қандай харажатлар тушунилади?

3.3§. Қўшилган қиймат солигини текшириш

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшилган қиймат солиги бўйича бюджет билан ҳисоблашишларни текширувдан ўтказиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Қўшилган қиймат солигини текширувдан ўтказиш қўйидаги ларни ўз ичига олади:

- олдинги даврлардаги солиқ ҳисоботларини таҳлил қилиш, камчилиги кўрсатилган масалалар бўйича берилган тавсиялар бажарилишини аниқлаш;

- жорий давр учун ҚҚС счёtlари бўйича қолдиқларни олдинги даврлардаги қолдиқлар билан таққослаш ва тафовутларни таҳлил қилиш;

- жорий давр учун ҳақиқий ставкаларини таққослаш ва тафовутларни таҳлил қилиш;

- ҳисобот даври учун бюджетта тўловлар тўланишини таҳлил қилиш.

Текширувчи ҚҚС ни тўлашнинг тўғрилигини текширишда моддий қийматларнинг харажати акс эттириладиган барча счёtlарни, тўлов топшириqlари ва бошқа тўлов ҳужжатларини назорат қилиб чиқиши лозим.

Сотиладиган товарлар, иш ва хизматлар таннархига қўшиладиган, олинган ҚҚС ҳисобининг тўғрилигини, бюджет олдидағи

ҚҚС бўйича қарзларнинг мувофиқлигини текширишда текширувчи куйидаги ишларни амалга оширишлари лозим:

- Бош дафтардаги қолдиқларни текшириш;
- ҚҚС бўйича йифма ведомост тузиш ва ҳисоб-китоб счётларининг маълумотларини таҳлил қилиб чиқиш;
- солиқ инспекциясига тақдим қилинганд ҚҚС ҳисоб-китобларининг маълумотларини текшириш;
- фаолият хусусиятлари ва сотиладиган маҳсулот (иш, хизмат)лар турларига қараб солиқ ставкаларини қўллашнинг тўғрилигини таҳлил қилиш;
- ҳисобот даври учун ҚҚС бўйича қарзларни қайта ҳисоблаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ҚҚС бўйича берилган имтиёзларнинг тўғри қўлланишини таҳлил қилиш;
- ҚҚС бўйича ўргача ойлик қарз ҳисоб-китоби асосида ҚҚСни тўлаш даврийлигини аниқлаш;
- ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни ва ҳужжатларни тузишнинг тўғрилигини, пенялар ва жарималар тўлашдан қочиш учун банк кўчирмалари маълумотларига таққослаш йўли билан танлаб текширув ўтказиши.

Товарлар сотиши, иш ва хизматлар бажариш бўйича айланма қўшилган қиймат солиғининг объекти ҳисобланади. Харидорларга жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар товарлар сотиши бўйича айланмани ташкил қиласди.

Товарлар сотиши ўзида ишлаб чиқарилган ҳамда четдан со-тиб олинган ҳамма товарларни сотиши бўйича айланма солиқ оли-надиган объект ҳисобланади. Солиқ сотиши мақсадида истеъмол учун белгиланган ва қийматга эга бўлган ҳамма нарса (товар, маҳсулот, кўчмас мулклар, электр ва иссиқлик энергияси, газ, сув ва бошқалар) товар ҳисобланади.

Бажарилган ишлар бўйича қурилиш-монтаж, таъмирлаш, ил-мий-текшириш, тажриба-конструкторлик, лойиҳа-қидирув ва бошқа ишларнинг қиймати солиқ объекти ҳисобланади.

Хизматлар кўрсатиш бўйича пассажир ва юк транспортининг хизматлари, шу жумладан нефть, газ, электр ва иссиқлик энергиясини узатиш, товарларни ортиш, тушириш ва сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг қиймати, мулкларни ижарага бериш, воситачилик, алоқа, турар жой — коммунал, реклама ва бошқа хизматларнинг қиймати солиқ объекти бўлиб ҳисобланади.

Сотиши бүйича солиққа тортиладиган айланма суммаси сотиладиган товарлар, иш ва хизматларнинг амалдаги нарх ва тарифлар билан баҳоланадиган қийматига асосан, уларга қўшимча қиймат солигини киритмаган ҳолда аниқланади. ҚҚС ни тўлашнинг тўғрилигини текширишда моддий қийматларнинг харажати акс эттириладиган барча счёtlарни, тўлов топшириқлари ва бошқа тўлов ҳужжатларини назорат қилиб чиқиш лозим.

Текширув жараёнида ҚҚСнинг тўғри ҳисобланганига ишонч ҳосил қилиши лозим. Ҳисоб-китоб максус шакл бўйича тузилади ва моҳияти шундан иборат бўладики, бюджетта тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси харидорларга сотилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) учун улардан олинган ва сотиб олинган моддий ресурслар, ёқилғи, хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган солиқ суммасининг мазкур ҳисобот даврида ишлаб чиқариш ва муомала сарфларига ҳақиқатдан олиб борилган қийматига тегишли суммаси ўртасидаги фарқ кўринишида намоён бўлади. Хусусан, ҚҚС ни текшириш қўйидагиларни ўз ичига олинади:

- олдинги даврлардаги солиқ ҳисоботларини таҳлил қилиш, камчилик кўрсатилган масалаларни ва ушбу масалалар бўйича берилган тавсияларнинг бажарилишини аниқлаш;
- жорий давр учун ҚҚС счёtlари бўйича қолдиқларни олдинги даврлар учун қолдиқлар билан таққослаш ва катта ёки файри оддий тафовутларни таҳлил қилиш;
- жорий давр учун ҳақиқий ставкаларни таққослаш ва катта ёки файри оддий тафовутларни таҳлил қилиш;
- ҳисобот даври учун бюджетта тўловлар тўланишини таҳлил қилиш.

Товарлар, иш ва хизматларни сотиб олиш чоғида тўланган ҚҚСни текширувидан ўtkазишда, айланма маблағларни сотиб олишдаги ҚҚС ва бюджетдан қопланадиган ҚҚС ҳисоб-китобини таҳлил қилиш зарур. Айланма маблағларни сотиб олишга доир ҚҚСни таҳлил қилишда Бош дафтардаги қолдиқлар, бюджет билан ҳисоб-китобларга доир дастлабки ҳужжатлар ва баланснинг тузилиши синчилаб текширувдан ўtkазилади.

Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олишда тўланган ҚҚС суммалари, асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга қабул қилиш пайтида бюджетта тўланадиган ҚҚС суммасидан тўлиғича чегириб ташланади.

Бюджетдан қопланадиган, тўланган ҚҚС ни таҳлил қилишда қўйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

- 4410 - «Солиқлар ва йигимлар бўйича бўнак тўловлар» счётининг «ҚҚС ҳисоб-китоби» аналитик счёти дебети бўйича ёзувлар текширувдан ўтказилади;

- баланс тузиш (текширув маҳсадида) ва сотиб олинган ишлаб чиқариш захиралари, иш ва хизматлар бўйича тўланган ҚҚС ни ҳисобга олишининг тўғрилигини дастлабки ҳужжатлар бўйича танлаб текшириш.

Ушбу иш ҚҚС бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни ҳисобот даврлари бўйича аниқ тақсимлашни назарда тутади.

Сотиладиган товарлар, иш ва хизматлар таниархига қўшиладиган, олинган ҚҚС ҳисобининг тўғрилигини, бюджет олдидаги ҚҚС бўйича қарзларининг мувофиқлигини текширишда қўйидаги ишларни амалга оширишлари лозим:

- Бош дафтардаги қолдиқларни текшириш;
- ҚҚС бўйича йиғма ведомост тузиш ва ҳисоб-китоб счётларининг маълумотларини таҳлил қилиб чиқиш;
- солиқ инспекциясига тақдим қилинган ҚҚС ҳисоб-китобларининг маълумотларини текшириш;
- фаолият ҳусусиятлари ва сотиладиган маҳсулот (иш, хизмат) лар турларига қараб солиқ ставкаларини қўллашнинг тўғрилигини таҳлил қилиши;
- ҳисобот даври учун ҚҚС бўйича қарзларни қайта ҳисоблаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ҚҚС бўйича берилган имтиёзларининг тўғри қўлланишини таҳлил қилиш;
- ҚҚС бўйича ўргача ойлик қарз ҳисоб-китоби асосида ҚҚСни тўлаш даврийлигини аниқлаш;
- ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни ва ҳужжатларни тузишнинг тўғрилигини, пенялар ва жарималар тўлашдан қочиш учун банк кўчирмалари маълумотларига таққослаш йўли билан танлаб текширув ўтказиш.

6410-«Бюджет тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)» счёти («қўшилган қиймат солиги бўйича ҳисоб-китоблар» аналитиксчёти)нинг дебет ва кредит ёзувларининг аниқлиги назорат қилинади. Ҳусусан, ноиштаб чиқариш эҳтиёjlари учун сарфланган, сотиб олинган товар-моддий қийматликлар учун тўланган ҚҚС 6410-счётнинг дебетига олиб борилмаслиги, балки тегишли харажат счёtlарига олиб борилиши керак.

Асосий воситалар ва номоддий активлар, тўланган ҚҚС ҳам қўшилган ҳолда, сотиб олиш қиймати билан киримга олинади.

ҚҚС бўйича қўлланилган имтиёзларнинг ҳамда ишлаб чиқаришга сарфланган моддий ресурслар учун мол етказиб берувчиларга тўланган ҚҚСнинг харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотлар учун корхона ҳисоблаган ҚҚС дан ошган суммаларининг тўғрилигини текшириши керак.

Солиқлар ва бўнак тўловларининг ўз вақтида бюджетга ўтказилиши ҳам текширилиши керак.

6410-«Бюджет тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)» счёти («қўшилган қиймат солиги бўйича ҳисоб-китоблар» аналитиксчёти)нинг дебет ва кредит ёзувларининг аниқлиги назорат қилинади. Хусусан, ноишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сарфланган, сотиб олинган товар-моддий қийматликлар учун тўланган ҚҚС 6410-счётнинг дебетига олиб борилмаслиги керак, балки тегишли харажат счёtlарига олиб берилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар, тўланган ҚҚС ҳам қўшилган ҳолда сотиб олиш қиймати билан киримга олинади.

ҚҚС бўйича қўлланилган имтиёзларнинг ҳамда ишлаб чиқаришга сарфланган моддий ресурслар учун мол етказиб берувчиларга тўланган ҚҚСнинг харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотлар учун корхона ҳисоблаган ҚҚСдан ошган суммаларининг тўғрилигини текшириши керак.

Сотиладиган товарлар, иш ва хизматлар таннархига қўшиладиган, олинган ҚҚС ҳисобининг тўғрилигини, бюджет олдидағи ҚҚС бўйича қарзларнинг мувофиқлигини текширишда қўйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

- Бош дафтардаги қолдиқларни текшириш;
- қўшилган қиймат солиги бўйича йиғма қайднома тузиш ва ҳисоб-китоб счёtlарининг маълумотларини таҳлил қилиб чиқиш;
- солиқ инспекциясига тақдим қилинган ҚҚС ҳисоб-китобларининг маълумотларини текшириш;
- фаолият ҳусусиятлари ва сотиладиган маҳсулот (ишлар, хизмат) лар турларига қараб солиқ ставкаларини қўллашнинг тўғрилигини таҳлил қилиш;
- ҳисобот даври учун ҚҚС бўйича қарзларни қайта ҳисоблаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ҚҚС бўйича берилган имтиёзларнинг тўғри қўлланишини таҳлил қилиш;

- қўшилган қиймат солиги бўйича ўртача ойлик қарз ҳисоб-китоби асосида ҚҚСни тўлаш даврийлигини аниқлаш;

- қўшилган қиймат солиги бўйича ҳисоб-китобларни ва ҳужжатларни тузишнинг тўғрилигини, пенялар ва жарималар тўлашдан қочиш учун банк кўчирмалари маълумотларига таққослаш йўли билан танлаб текширув ўтказиш.

Ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солифини ҳисоблаб чиқариш жараёнларини текшириш

Бизга маълумки, товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиги солинади. Бунинг учун эса албатта солиқ тўловчиларда товарларнинг ҳақиқатда экспорт қилинганинги тасдиқловчи божхона ҳужжатлари мавжуд бўлиши лозим.

Солиқ идоралари ходимлари хўжалик юритувчи субъектларнинг ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солифини ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатларни текширишлари лозим бўлади. Мазкур жараёнда асосан қўйидагилар аниқланishi зарур:

- экспортга реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун корхонанинг валюта ҳисоб варагига келиб тушган эркин алмаштириладиган валюта тушуми суммаси;

- реализация қилинган товарлар ҳажмида экспорт қилинган товарлар улуши;

ушбу товарларнинг ҳақиқатда экспорт қилинганинги тасдиқловчи ҳужжатларнинг (жумладан, контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси, товарларни экспорт қилиш режимига чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белги қўйилган божхона юк декларацияси, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар тайин этилган мамлакатга жўнатилганинги тасдиқловчи қайд белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган ҳужжатлар) мавжудлиги;

- келиб тушган валюта тушумига тегишли товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришга ҳақиқатда сарф қилинган хом ашёларни сотиб олишда тўланган ҚҚС ни аниқлаш зарур.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Қўшилган қиймат солигини солиққа тортининг қандай тартибини қўллаётган солиқ тўловчилар тўлаши мумкин?
2. ҚҚСning нолли ставкаси қандай ҳолларда қўлланади?
3. Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузилик деганда нимани тушунасиз?
4. Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузганик учун қандай жавобгарлик чоралари мавжуд?
5. Қўшилган қиймат солигини тўғри ҳисоблаб, бюджетга ўтказилганигини текшириш жараёни нималарни ўз ичига олади?
6. Солиққа тортининг соддалаштирилган тартибини қўлловчи кичик корхоналарнинг ҚҚСдан берилган имтиёзлардан фойдаланиши тартиби қай тартибда бўлади?

3.48. Акциз солигини текшириш

Акциз солигини текширишда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, амалдаги акциз солиги белгиланган товарлар рўйхати ва акциз солигининг ставкаларини текширувчи билиши лозим. Сўнгра текширилаётган корхонада акциз тўланадиган товарлар аниқланиб, улар бўйича солиқ обьекти тўғри белгиланганлиги текширилади. Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, акциз солиги тўланадиган товарлар учун уларнинг қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмайдиган (акциз солиги суммасини ўз ичига олган) қиймати ёки товарнинг физик ҳажми солиқ обьекти ҳисобланшини назарда тутиш керак. Агар товар ишлаб чиқарувчи акциз тўланадиган товарни натурал ҳақ ёки совға сифатида берса, солиқ тўловчида товарни топшириш пайтида вужудга келган, лекин қилинган ҳақиқий харажатлардан кам бўлмаган, нархлар дарожасидан келиб чиқиб ҳисобланган қиймат солиқ солиш обьекти ҳисобланади. Шу билан бирга, текширувчи буюртмачиларнинг хом ашёларидан ишлаб чиқарилган товарлар бўйича ҳам акциз солиги ҳисобланшини текшириши зарур.

Шундан сўнг ҳисобланган акциз солиғининг тўлаш муддатларига риоя қилинишини текширади. Бунда Солиқ кодексига мувофиқ акциз солиғи бюджетга қўйидаги муддатларда тўланади:

жорий ойнинг 13-кунидан кечиктиrmай – жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

жорий ойнинг 23-кунидан кечиктиrmай – жорий ойнинг иккичи ўн кунлиги учун;

келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктиrmай – ҳисобот ойнинг қолган кунлари учун.

Текширувчилар акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

акциз солиғи тўловчилар бўлган микро фирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиrmай;

микро фирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиrmай тақдим этиб келаётганлигини аниқлаши лозим.

Акциз солиғи тўланган хом ашёдан акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарилган тақдирда, мазкур хом ашё учун тўланган акциз солиғининг суммасига ушбу товарга солинадиган акциз солиғи камайтирилишини назарда тутмоқ керак. Текширувчи акциз солиғи тўланадиган импорт қилинадиган товарлар бўйича солиқ солишни текширишда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати солиқ солиш обьекти эканлигига амал қиласди. Шунингдек, акциз тўланадиган импорт товарлар учун акциз солиғи ўз вақтида, яъни божхонада расмийлаштирилишига қадар ёки расмийлаштирилиши пайтида тўланганлигини ҳам аниқлаши зарур.

Хўжалик юритувчи субъектларда акциз тўланадиган товарлар харид қилинганда улар бюджеттага бўнак тўловлари бўйича ҳисоблашишларни 4421- «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга акциз солиғи бўйича бюджеттага бўнак тўлови счёти» ва 4422 - «Импорт қилинган маҳсулотларга акциз солиғи бўйича бўнак тўлови счёти»ларида тўғри олиб борилиши текширувдан ўтказилади.

Шунингдек, акциз солиғи тўланишини Солиқ кодексининг 240-моддасига асосан назорати таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш бошқа божхона тўловларини тўлашдан олдин ёки у билан бир вақтда амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Тўлдирилган «Божхона юк декларацияси» билан бирга тақдим этилган, тўлашга қабул қилинганини тўғрисида банк белгиси бўлган тўлов топшириқномаси тўловчи томонидан акциз солиғи тўланганини тасдиқлайди.

Акциз солиғини текшириш учун аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаинган, амалдаги акциз солиғи белгиланган товарлар рўйхати ва акциз солиғининг ставкалари билан танишиши лозим. Сўнгра текширув ўтказилаётган корхонада акциз тўланадиган товарлар аниқланиб, улар бўйича солиқ объекти тўғри белгиланганилиги текширилади. Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, акциз солиғи тўланадиган товарлар учун уларнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмайдиган (акциз солиғи суммасини ўз ичига олган) қиймати ёки товарнинг физик ҳажми солиқ объекти ҳисобланишини назарда тутиш керак. Агар товар ишлаб чиқарувчи акциз тўланадиган товарни натурал ҳақ ёки совға сифатида берса, солиқ тўловчида товарни топшириш пайтида вужудга келган, лекин қилингандан ҳақиқий харажатлардан кам бўлмаган, нархлар даражасидан келиб чиқиб ҳисобланган қиймат солиқ солиш объекти ҳисобланади. Шу билан бирга, буюртмачиларнинг хом ашёларидан ишлаб чиқарилган товарлар бўйича ҳам акциз солиғи ҳисобланишини текшириши зарур.

НАЗОРАТСАВОЛЛАРИ

1. Акциз ости маркали товарлар рўйхати қайси орган томонидан белгиланади?
2. Текширувчи акциз солиги тўланадиган импорт қилинадиган товарлар бўйича солиқни ҳисоблашни текширишида нималарга эътибор қаратишни лозим?
3. Акциз солигини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказилишини текшириши жараёни нималарни ўз ичига олади?

3.5§. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни текшириш

Текширувчи корхона штатидаги ходимлардан, шунингдек пудрат шартномаси ва меҳнат битими бўйича ишга жалб қилинган шахслардан даромад солиги олишнинг тўғрилигини танлов усули билан текшириши керак. Текширишининг мақсади Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси талабларига риоя қилинаётганини текшириш ва йўл қўйилаётган хато-камчилларни тугатиш бўйича тавсиялар беришдан иборат. Йиллик умумий даромад билан чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган даромад жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадини ташкил қиласди. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик ҳолларда жами даромадни ҳисоблаш ва имтиёзларни қўллашда хатоларга йўл қўйилади. Ҳусусан, кўпчилик ҳолларда хорижий валютада олинган даромадлар асоссиз равишда сўмга ҳисоблаб ўтказилмайди, бундай ҳисоблаб ўтказиш эса даромад олинган вақтида амалда бўлган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича амалга оширилиши керак.

Жисмоний шахсларнинг даромад солигини ва уларни текширишда қуйидагиларни билиш зарур:

- жисмоний шахсларнинг даромад солигини текширувдан ўтказишнинг мақсад ва вазифалари;
- жисмоний шахсларнинг даромад солигини текширишда қўлланадиган асосий ҳужжатларнинг таркиби;
- жисмоний шахсларнинг даромад солигини текшириш ўтказишнинг кетма-кетлиги;
- жисмоний шахсларнинг даромад солигини текширишдан ўтказишда аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг турлари;

Жисмоний шахсларнинг даромад солигини текширишининг асосий мақсади ушбу солиқ турининг солиқ қонунчилиги талабига асосан тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишдан иборат.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиги текширувини ўтказиш жараёнида қуйидаги ҳуқуқбузарликлар бўлиши мумкин:(10-расм)



10-расм. Жисмоний шахсларнинг даромад солиги текшируvida аниқлашими мүмкун бўлган ҳуқуқбузарликлар

Жисмоний шахснинг йиллик умумий даромадига меҳнат ҳақи шаклида олинган даромадлар, жисмоний шахслар мулкидан оладиган даромадлари ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган ялпи даромад киради.

Иш ҳақидан даромад солигининг тўғри ушланганлигини текширишда Солиқ кодекси моддалари ва улар бўйича киритилган қўшимча ҳамда ўзгартишлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Даромад солиги бўйича берилган имтиёзларнинг қонунийлигини аниқлаш учун имтиёзларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги ва тўғри расмийлантирилганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Шундан сўнг жисмоний шахслар жами даромадини аниқлаш, асосий ходимлар, ўриндошлар, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида пул тўланадиган шахслар ва бошқалар бўйича солиқ имтиёзлари ва даромад солиги ставкаларини қўллашнинг тўғрилиги текширилади.

Жами даромадни текширишда корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланган, ижтимоий тавсифдаги тўловлар(овқат пули, йўл ҳақи ҳужжатлари, олий ўқув юртларида таълим олиш, имтиёзли шартлар билан қарз бериш, байрам ва юбилей саналарига совға бериш, меъёрдан ошиқ хизмат сафари харажатлари ва тегишли ҳужжат билан тасдиқланмаган сарфлар ва шунга ўхшашлар)нинг солиқка тортиш мақсадида жисмоний шахслар жами даромадига қўшилганлиги аниқланади.

Иш ҳақидан ушланадиган суммалар бўйича аниқланган тафовутлар ҳам текширувчининг иш ҳужжатларида умумлаштирилиши ва акс эттирилиши лозим.

Иш ҳақи ҳисоб-китобини текширгандан сўнг меҳнат ҳақига доир харажатларни счётлар, масъулият марказлари ва танингарх ҳисоблаш обьектлари бўйича гуруҳлаш ва умумлаштиришининг тўғрилигини аниқлаш зарур.

Амалиётда меҳнат ҳақини харажат счёгларига (2010, 2310, 2510, 9400) олиб боришининг асосслигини текширишда ишлаб чиқариш захираларини тайёрлаш (1510) ва капитал ишлар (0810, 0820, 0830, 0840, 0850, 0860, 0890) билан боғлиқ меҳнат ҳақи суммаларининг харажат счётларига олиб борилиш ҳоллари учрайди. Буни текшириш учун дастлабки ҳужжатлар (иш вақтини ҳисобга олиш табели, ишбай ишлар учун нарядлар ва бошқалар), ҳисоблашув ва ҳисоблашув-тўлов ведомостлари, ҳамда 4210, 6710 ва 6720 счётлар бўйича ҳисоб регистрлари маълумотларини изчил кўриб чиқиш услуби таклиф қилинади. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар акс эттирилишининг тўғрилигини текшириш натижалари ҳам иш ҳужжатлари билан расмийлаштирилиб борилиши лозим.

Жисмоний шахснинг йиллик умумий даромадига меҳнат ҳақи шаклида олинган даромадлар, жисмоний шахслар мулкидан оладиган даромадлари, моддий нафтарзидаги ва бошқа даромадлари киради.

Солиққа тортиладиган базани тўғри аниқлаш учун жами даромаддан қўйидагилар чегириб ташланади:

- ижтимоий суғурта ва таъминотга доир давлат нафақалари (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик учун бериладиган нафақадан ташқари): хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ходимларга етказилган заарларни қоплаш учун берилган суммалар;

- ишдан бўшаганда тўланадиган нафақалар, шунингдек, ишдан бўшатилаётган ходимларга корхонадан кетаётганда тўланадиган барча турдаги пуллик компенсациялар;

- олинадиган алментлар;

- давлат заёмлари, давлат мажбуриятлари, лотереялардан тушадиган даромадлар;

- бир йил давомида ойлик минимал иш ҳақининг белгиланган миқдорларигача бўлган моддий ёрдам суммаси;

- бошқа бир қатор даромадлар (уларнинг рўйхати амалдаги қонунчиликка асосан белгиланади).

Солик ходимнинг календар йилининг бошидан бошлаб олган, жами даромадининг белгиланган чегирма ва бериладиган имтиёзларни айришдан қолган қисмидан ҳисобланиб, ҳар ойда ушлаб қолинади.

Текширувчи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича имтиёзлар тўғри қўлланилганлигини ва соликнинг ҳисобланиши тўғрилигини текшириш керак.

Ушбу иш жадвали бўйича умумлаштирилган маълумотлар асосида меҳнат ҳақи бўйича аниқланган тафовутларнинг ҳисобот модалари кўрсаткичларига таъсирининг муҳимлигини аниқлаш зарур.

Ижтимоий сугурта ва таъминот фондларига тўловлар ҳисобланиши ҳамда тўланишини аудитдан ўтказишда қўйидагилар бажарилади:

- ҳар бир фонд тури бўйича ва сугурта тури бўйича тўлов (бадал) ҳисоблаш учун қабул қилинган базанинг ишончлилиги аниқлаш;

- тегишли фондлар бўйича сугурта бадаллари ставкаларини қўллашнинг тўғрилигини текшириш;

- ҳисоб-китобларни текшириш;

- сугурта бадалларини ҳисоблаш манбаларини текшириш.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни текширганда текширувчи иш ҳақи суммаси, моддий ёрдам, моддий манфаатдорлик суммасининг ҳисоб-китобига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

2010 йил 1 январдан эътиборан жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари суммаларидан солик қўйидаги миқдорда ундирилади: (12-жадвал)

12-жадвал

Жами даромад миқдори	Солик суммаси
Энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача	Даромад суммасининг 11 фоизи
Энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоридан (+ 1 сўм) ўн баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солик + беш баравардан ошадиган сумманинг 17 фоизи

Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн баравардан ошидиган сумманинг 22 фоизи
---	---

Солиқ солиш мақсадлари учун энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб борувчи якун тарзида ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларга 15 фоизлик ставка бўйича тўлов манбаида солиқ солинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича имтиёзларнинг амалда қўлланилиши тартибини текширишига доир мисол.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ 2010 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юргларида таълим олишга (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг таълим олиши учун) йўналтириладиган суммаларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги солинмайдиган бўлди.

Мазкур имтиёзни қўллаш тартиби «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юргларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ¹⁵»га асосан белгиланган бўлиб, унга кўра мазкур имтиёз жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларини Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юргларида ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшгача бўлган ўз фарзандларининг ўқиши учун йўналтириладиган суммаларига камайтириш кўринишида берилади.

Жисмоний шахсларга солиқ чегирмаси ўқиши учун тўлов қўйидагилар ҳисобидан амалга оширилганда тақдим этилади:

ўз маблағлари;

жисмоний шахсга тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари;

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 27 майда 2107-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 24 мартағи 24, 2010-15-сон қарори билан тасдиқланган.

юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарти билан берилган маблағлари (ссудалар).

Ўзининг ўқиши ёки ўз фарзандларининг ўқиши учун тўланганда солиқ чегирмаси жисмоний шахс – таълим оловчига, шунингдек агар ўқиш учун тўлов таълим оловчига йигирма олти ёшга тўлгунига қадар амалга оширилган бўлса унинг ота-оналарига берилади. Солиқ чегирмаси 2010 йилнинг 1 январидан кейин ўтказилган ўқиш учун тўлов суммаларига берилади. Ўқиш учун тўлов юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарти билан берилган маблағлар ҳисобига 2010 йилнинг 1 январига қадар амалга оширилган ҳолларда, солиқ чегирмаси 2010 йилининг 1 январидан кейин юридик шахслар томонидан берилган ссудаларни қоплаш ҳисобига ушлаб қолинган маблағлар суммасига берилади. Юридик шахслар томонидан талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган, ушбу юридик шахснинг харажати бўлган маблағлар суммасига солиқ чегирмаси татбиқ этилмайди. Агар ҳисобот солиқ даврида солиқ чегирмасини тўлиқ қўллашнинг имкони бўлмаса (жами йиллик даромад суммаси таълим олиш учун ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар суммасидан кам бўлса), унинг қолдифи кейинги солиқ даврларига кўчирилмайди. Солиқ чегирмаси давлат солиқ хизмати органлари орқали жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш йўли билан ҳамда солиқ тўловчининг ёзма аризасига биноан тўлов манбаида – иш берувчи томонидан ҳам берилиши мумкин.

Жисмоний шахслар солиқ чегирмасини олиш учун иш берувчига даромадларини ўқиши учун тўловга (кредитни қоплашга) ўтказиш тўғрисидаги аризани қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

талаба (талабалар) билан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрти ўргасида тўловли-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

таълим оловчининг (таълим оловчиларнинг) паспорти ва (ёки) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси.

Мазкур ҳужжатларнинг тақдим этилиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлов манбаида ушлаб қолмаслик учун асос бўлади.

Олий ўқув юртлари ва тижорат банклари томонидан маблағларни қайтариб бериш ушбу маблағлар олинган шахсларнинг ҳисобварагларига ўтказиб бериш орқали амалга оширилади.

Аввал ўтказилган пул маблағлари иш берувчининг ҳисоб рақамига қайтариб берилганда, тўлов манбаида имтиёзни қўлланган иш берувчи қайтариб берилган суммани жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритиши ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушлаб қолиши лозим.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни текшириши эксарайени қандай тадбирларни қамраб олади?*
- 2. Ходимларга бериладиган компенсация тўловлари ҳақида нималарни биласиз?*
- 3. Жисмоний шахсларнинг даромад солигини текшириша нималарни билиш зарур?*
- 4. Жисмоний шахсларнинг даромад солигини текшириша асосан қандай ҳужжатлар текширилади?*
- 5. Жисмоний шахсларнинг даромад солигида солиққа тортадиган база қандай тартибда аниқланади?*

3.68. Мол-мулк ва ресурс солиқларини текшириш

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга ҳисбланган ва тўланган мол-мулк ва ресурс солиқларини текшириш жараёни қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- солиқларнинг тўғри ҳисбланишини текшириш;
- солиқларнинг бюджетга муддатида ва тўлиқ ўтказилишини текшириш;
- солиқлар ҳисобининг тўғрилигини текшириш;
- текшириш натижаларини расмийлаштириш.

Мол-мулк солиғини текшириш. Бу солиқ корхоналарни мавжуд активлардан самарали фойдаланишга ва кераксиз мулклар түпланиб қолишига йўл қўймасликни рафбатлантириш учун жорий қилинганд. Бу солиқни солиққа тортиладиган мулки, банкда муддатсиз депозит счёти бўлган ва мустақил балансдаги ҳуқуқий шахслар тўлайди.

Солиқ кодексига мувофиқ ҳуқуқий шахслар учун мол-мулк солиғи у қайси манбадан олинганидан қатъи назар, корхона балансида турган барча асосий воситалар ва номмодий активларнинг йиллик ўртача қолдиқ қийматига нисбатан ҳисобланади. Бунда текширувчи солиққа тортиладиган обьектларнинг суммасини ва ҳар чоракликда йил бошидан ўсиб борувчи жами билан ҳисобланадиган солиқ суммасининг тўғрилигини текшириши лозим.

Солиқ ставкаси корхонанинг балансидаги асосий воситалар (лизинг шартномаси бўйича олингандари ҳам қўшилган) ва номмодий активларнинг эскириши айрилмаган ўртача йиллик қолдиқ қийматига нисбатан қўлланилади.

Текширувчи ҳуқуқий шахслар мулкига солинадиган солиқлар бўйича белгиланган имтиёзларнинг тўғри қўлланилишини текширади. Ҳуқуқий шахсларнинг мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартибига қандай риоя қилинаётганлиги га ҳам алоҳида эътибор бериши зарур. Бунда у Солиқ кодексига мувофиқ юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар бюджетта ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тўланиб келинаётганлигини аниқлаши керак. Шу билан бирга, солиқ тўловчилар томонидан мол-мулк солиғи бўйича ҳисоблаш варақаларини солиқ органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молијавий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда топширилганлигини ҳам ўрганиш зарур.

Текширувчи, корхонадаги мол-мулклар бир неча мулкдорларнинг улушбай асосида умумий мулки бўлган ҳолатларни текширганда, мол-мулк солиғи ҳар бир мулкдор томонидан умумий мулкдаги улушига мутаносиб равишда тўланганлигини аниқлаши лозим. Янги қурилган иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ улар барпо этилган ёки олинган йилдан бошлиб тўланишини эътибордан чиқармаслик керак.

Табиий оғат ёки бошқа сабабларга кўра йўқолган мол-мулклар бўйича солиқ ундириш улар йўқ қилингандан ёки бутунлай вайрон бўлган ойдан бошлаб тўхтатилади.

Мол-мулк солиги бўйича имтиёзларнинг тўғри кўлланилиши ва тўлов муддатларига риоя қилиниши ҳам текширилиши зарур.

Мол-мулк солиги бўйича берилган мақсадли имтиёзлар ва уларни қўллаш шартларига доир мисоллар:

1-мисол:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1048-сонли Қарорига асосан 2011 йил 1 январгача:

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиги, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун) ҳамда маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиги тўлашдан озод қилингандан сўнг, Қарор иловасида рўйхати келтирилган корхоналар учун имтиёзлар лойиҳалар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан сўнг, Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича Махсус комиссия қарорларига биноан 2012 йилнинг 1 январигача берилиши кўзда тутилган.

Солиқ имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимини жорий этиш, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилингандан корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рафбатлантиришга йўналтирилади.

2-мисол.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб

чиқарыши көнгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги құшым-ча чора-тадбирлари түғрисида»ғи ПҚ-1050-сонли Қарорига асо-сан 2012 йил 1 январгача бўлган даврда қарорда рўйхати келти-рилган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга их-тисослашган корхоналарга қўйидаги солиқ ва божхона имтиёз-лари ҳамда переференциялари берилган:

фойда солиғи ва мулк солиғи, микро фирмалар ва кичик кор-хоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси-га мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чи-қарилмайдиган хом ашё ҳамда материалларни божхона тўловла-ридан (божхона расмийлаштируви йифимларидан ташқари) озод этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқ-ланган рўйхатига киритилмаган ноозиқ-овқат истеъмол товар-ларини ўзи учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё, мате-риаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона деклара-цияси қабул қилинган кундан бошлиб, божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йифимларидан ташқари) 60 кунгача бўлган муддатга узайтириш кўзда тутилди.

Мазкур солиқ ва божхона имтиёzlари ҳамда переференция-лари худди шу товарлар ҳажми умумий ишлаб чиқариш ҳажми-нинг камида 60 фоизини ташкил этадиган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга тат-биқ этилади.

Шунингдек, ушбу солиқ ва божхона имтиёzlари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқариш-ларни барпо этишга, фаолият кўрсатаётган корхоналарни мо-дернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш-га, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хом ашё ва материаллар харид қилишга, киритилган инвестицияларни қоплаш, жумладан кредитларни тўлашга йўнал-тирилади.

Берилган имтиёzlардан бўшайдиган маблағлар мақсадга номувофиқ фойдаланилган тақдирда, ушбу маблағлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима санкцияларини

ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига ўтка-
зилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни текшириш. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни текширишда, аввало, солиқ солиш обьектларининг тўғрилигини аниқлаш зарур. Бунда солиқ солиш обьектларининг Солиқ кодексига мувофиқ келишини текширади. Сўнгра ушбу солиқ ставкаларининг тўғри қўпланилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларига мувофиқ аниқланади. Бунда текширувчи ушбу солиқ бўйича белгиланган имтиёзларни ҳам назарда тутиши керак. Сўнгра текширувчи ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг тўғрилигини ҳам аниқлаши лозим. Бунда у солиқ тўловчилар томонидан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органдарига тақдим этиш тартибига риоя қилинганлигини Солиқ кодексининг IX бўлимидағи Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва маҳсус тўловлар (42-46-боблар, 242-256-моддалар)-га мувофиқ текширади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар қўйидаги солиқлар ва маҳсус тўловларни тўловчилари бўйича алоҳида текширувдан ўтказади:

- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- қўшимча фойда солиги;
- бонус (имзоли ва тижоратбон топилма бонуслар).

Қўшимча фойда солигини текширишда қўйидагиларга алоҳида зътибор берилади:

- айрим фойдали қазилмаларни (фойдали компонентларни) ковлаб олишни (ажратиб олишни) амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар;

- фойдали қазилмалардан ишлаб чиқариладиган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик шахслар бўйича қўшимча фойда солигини текширади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни текшириш. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи ҳуқуқий шахслар тўлайдилар. Бу солиқни текширишда солиқ солиш обьектининг Солиқ кодексининг 258-моддасига мувофиқлиги аниқланади. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган амалдаги солиқ ставкалар ва Солиқ кодексининг 261-моддасига

мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ бўйича имтиёзларнинг тўғри қўлланилиши текширилади. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисоблаб чиқариш тартиби ва ҳисоб-китобларни солиқ органларига тақдим этиши ва солиқни тўлаш муддатларига риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ юридик шахслар томонидан тасдиқланган ставкалар бўйича солиқ солинмайдиган сув ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда, олинган сувнинг ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашини тўловчилар томонидан сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиқтирмай амалга оширилади, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майигача амалга оширилади.

Юридик шахслар жорий йилнинг 15 январигача сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тўғрисидаги ёзма билдиришни белгиланган лимитдан келиб чиқсан ҳолда ёки сув етказиб бериш шартномасига мувофиқ ҳар ойда ёки йилнинг ҳар чорагида эркин шаклда тақдим этадилар, қишлоқ хўжалиги корхоналари бундан мустасно.

Юридик шахсларнинг сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларининг бухгалтерлик ҳисоби бюджетга қарзлар бўйича тўловлар (турлари бўйича) счётида олиб борилади.

Ҳисобланган солиқ суммаси қўйидагича акс эттирилади:

9400-«давр харажатлари ҳисоби» счётининг дебети;

6410- «бюджетта қарзлар бўйича тўловлар ҳисоби» счётининг кредити.

Бюджетта оид ўтказиладиган солиқ суммаси қўйидагича акс эттирилади:

6410- «бюджетта қарзлар бўйича тўловлар ҳисоби» счётининг кредити;

5110- «пул воситаларининг ҳисоб» счёти кредити.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар турлари бўйича алоҳида аналитик ҳисоб регистрларида акс эттирилиб борилади.

НАЗОРАТСАВОЛЛАРИ

- 1. Xўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга ҳисобланган ва тўланган мол-мулк ва ресурс солиқларини текшириши жараёни қандай кетма-кетликда амалга оширилади?*
- 2. Ўз вақтида ўрнатилмаган асосий воситалар учун қандай жавобгарлик чоралари мавжуд?*
- 3. Ер қаъридан фойдаланувчилар қандай солиқлар ва маҳсус тўловларни тўлайдилар?*
- 4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказилганини текширишида асосан нималарга эътибор қаратиш лозим?*

3.7§. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган солиқларни текшириш

Ягона солиқ тўловини текширишда белгиланган вазифалар:

- солиқ ҳисботлари бўйича синтетик ва аналитик счетларнинг ҳолати;
- солиқ базасини шакллантириш;
- даромад харажатларини ва ҳисобга олинмаган солиқ базасини аниқлаш;
- жорий солиқ мажбуриятлари олдиаги қарзни бухгалтерия ва солиқ ҳисботларида аниқлаш;
- йиғилган солиқларнинг суммасини бухгалтерия ҳисботларидан аниқлаш;
- молиявий ҳисбот шаклларини классификация қилиб олиш;
- тўлиқ ва ўз вақтида ягона солиқ тўлови тўланишини таъминлаш.

Асосий текшириладиган меъёрий ҳужжатлар:

Корхона баланси (форма №1), молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот (форма №2), Бош дафтар, оборот-салъдо ведомости, «ҳисоб сиёсати» бўйича тасдиқланган буйруқ, кичик бизнес учун тасдиқланган соддалаштирилган солиқ ҳисбот шакллари, солиқларни тўлаш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб регистрларида ҳисобланган ва тўланган мол-мулк ва ресурс солиқларини текшириши жараёни қандай кетма-кетликда амалга оширилади?

стри, 6400 «Бюджет қарздорлыги», ягона солиқ түлови расчётлари, башланғич ҳужжатлар, солиққа тортишдаги тасдиқловчи ҳужжатлар.

Текширувчилар томонидан ягона солиқ түлови түловчи корхоналарга берилган имтиёзларнинг түғри қўлланилиши ва түлов муддатларига риоя қилиниши ҳам текширилиши зарур.

Ягона солиқ түловчи корхоналарга берилган мақсадли имтиёзлар ва уларни қўлланишларига доир мисол:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сонли қарори билан 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда қуйидагича солиқ ва божхона имтиёзлари берилган:

ихтинослаштирилган «Мева-сабзавоттайёрловсавдо» компанияларини ягона солиқ түлови тўлашдан озод қилиш, бўшайдиган маблағларни мева-сабзавот, картошқа, полиз маҳсулотлари ва узум тайёрлаш ҳамда сақлаш объектларининг айланма маблағларини тўлдиришга ва техникавий қайта жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтириш;

асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтинослаштаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ түлови ставкасини 50 фоизга камайтириш, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан янги лабораторијалар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек хом ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш;

гўшт ва сут этиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш;

Ягона ерсолиғини текшириш.

Қишлоқ хўжалиги учун белгиланган ерларнинг майдони ер тузиш хизмати томонидан олиб бориладиган ерларни

ҳисобга олиш ва ерлар инвентаризациясининг маълумотлари билан қишлоқ хўжалик экинлари ва ер майдонларини ўлчаш маълумотлари ҳамда махсус лойиҳалаш ва қидирув ташкилотлари олиб борган текшириш маълумотлари балан тасдиқланиши керак.

Текширувчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар солиқни ҳисоблаш ва рақасини солиқ инспекциясига жорий йилнинг 1 февралигача тақдим қўлганлигини, шунингдек, солиқ йилда уч марта тўланганлигини аниқлаши лозим.

Ягона ер солиғининг ҳисобланган суммаси давр харажатига олиб борилади. Бюджет билан олиб бориладиган ҳисоб-китоб 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)» ҳисоб счётининг «Ягона ер солиғи» аналитик счётида олиб борилади. Ҳисобланган солиқнинг суммаси шу счётнинг кредитидан 9439-«Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетига олиб борилади.

Ягона ер солиғини текширишда белгиланган вазифалар:

- солиқ ҳисоботлари бўйича синтетик ва аналитик счетларнинг ҳолати;
- солиқ базасини шакллантириш;
- даромад харажатларини аниқлаш ва ҳисобга олинмаган солиқ базасини аниқлаш;
- жорий солиқ мажбуриятлари олдидағи қарзни бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларида аниқлаш;
- солиқларнинг суммасини бухгалтерия ҳисоботларидан аниқлаш;
- молиявий ҳисобот шаклларини класификация қилиб олиш;
- тўлиқ ва ўз вақтида ягона ер солиғи тўланишини таъминлаш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ягона солиқ тўлови қандай тартибда ҳисобланади?
2. Савдо ва умумий овқатланиши корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблашнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?
3. Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатилиши соҳасидаги микрофирмалар ва кичик кор-

хоналар томонидан ягона солиқ түловини ҳисоблаб чиқарии ва тұлаш тартиби қандай тартибда амалға оширилади?

4. Ягона ер солигини ҳисоблашаңда асосий мезон сифатида нима олинади?

3.8§. Мақсадлы жамғармаларга түловларни текшириш

Пенсия жамғармасыга түловларға оид ҳисоб-китоблар 6530 – «Бюджетдан ташқары жамғармалар» счётининг 6531 «Пенсия жамғармасыга түловлар бүйича ҳисоб-китоблар» субсчётида олиб борилади.

Текшириш чөғида Пенсия жамғармасыга түловлар бүйича содир бўладиган қуидаги муомалаларнинг тўғрилигини текшириш лозим:

1) Пенсия жамғармасыга тегишли бўлган ва маҳсулот таннархига киритиладиган суммаларни, шу жумладан солиқларни, түловларни ва ҳоказоларни акс эттириш:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 9410 «Сотиш харажатлари» счёtlари;

Кредит 6531 «Пенсия жамғармасыга түловлар бүйича ҳисоб-китоблар» счёti.

2) Тижорат харажатларига, ҳамда муомала чиқимлари (савдода) ҳисобига кирадиган, пенсия жамғармасыга ҳисобланган бадаллар суммасини акс эттириш:

Дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёti;

Кредит 6531 «Пенсия жамғармасыга түловлар бүйича ҳисоб-китоблар» счёti.

3) Пенсия жамғармасыга тўланадиган бадаллар, маҳсулот, хизмат кўрсатувчи бўлинмалар ва хўжаликларнинг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари харажатларига қўшиладиган, ҳамда келгуси давр харажатларининг таркибida ҳисобга олинадиган суммаларнинг акс эттирилиши:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 3190 «Бошқа олдиндан тўланадиган харажатлар» счёtlари;

Кредит 6531 «Пенсия жамғармасыга түловлар бүйича ҳисоб-китоблар» счёti.

4) Олдиндан ҳисобланган ажратмаларнинг суммаларини Пенсия жамғармасига ўтказиш: Дебет 6531 «Пенсия жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти; Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб» счёти.

Суѓурта қилдирувчининг пенсия жамғармаси бюджетига белгиланган муддатига ўтказмаган тўловлари қарз ҳисобланади ва ўз муддатида тўланмаган тўловлар ҳамда солиқ бўлмаган тўловларнинг ундириб олиниши учун белгиланган тўловлар сўзсиз тартибда пеня ҳисобланаб, ундириб олинади.

Текширувчи шунга эътибор бериш керакки, пеня бадалларини тўлаш муддати ўтган кундан кейинги кундан бошлаб, тўлов кунини ҳам қўшиб ҳисобланади. Тўлов муддати дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, пеня дам олиш ёки байрам кунидан кейинги 2-иш кунидан ҳисобланади.

Ижтимоий суѓурта ва таъминот жамғармаларига тўловлар ҳисобланиши ҳамда тўланишини текширувдан ўтказишда қуидагилар бажарилади:

- ҳар бир жамғарма тури бўйича ва суѓурта тури бўйича тўлов (бадал) ҳисоблаш учун қабул қилинган базанинг ишончлилигини аниқлаш;

- тегишли жамғармалар бўйича суѓурта бадаллари ставкаларини қўллашнинг тўғрилигини текшириш;

- ҳисоблашларни текшириш;

- суѓурта бадалларини ҳисоблаш манбаларини текшириш.

Маълумотларда тафовутлар бўлган ҳолларда жамғармалар ва дебет ёки кредит оборотлари текширилиб, тафовутлар кўлами аниқланади. Кейинчалик ушбу тафовутларнинг сабаблари аниқлаштирилиши лозим.

Молиялаштириш манбаидан қатъи назар барча асослар бўйича ходимлар фойдасига ҳисобланган, нул ва (ёки) натура шаклдаги тўловларнинг барча турлари ушбу жамғармаларга суѓурта бадалларини ҳисоблаш учун объект ҳисобланади.

Суѓурта бадалларини ҳисоблаш учун қўлланиладиган базанинг ишончлилигини текширишда қуидагиларни бажариш зарур:

- ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган мөҳнат ҳақи ҳамда бошқа тўловлар турларини аниқлаш;

- ҳақиқатда суѓурта бадаллари ҳисобланган тўловлар турларини, тегишли ижтимоий суѓурта жамғармасига суѓурта бадал-

лари ҳисобланмайдиган тўловлар рўйхатига мувофиқ улар ҳисобланниши ёки ҳисобланмаслиги лозим бўлган тўлов турлари билан таққослаш;

- тегишли жамғармалар бўйича сұфурта бадалларининг тўлиқ тўланмаган (ёки ошиқча тўланган) миқдорини аниқлаш.

Олдин ҳисобланмасдан, корхона кассасидан берилган ҳар хил тўловларни (моддий ёрдам, мукофот) маҳсус эътибор билан текшириш керак.

Маълумотларда тафовутлар бўлган ҳолларда жамғармалар ва дебет ёки кредит оборотлари текширилиб, тафовутлар кўлами аниқланади. Кейинчалик ушбу тафовутларнинг сабаблари аниқлаштирилиши лозим.

Молиялаштириш манбаидан қатъи назар, барча асослар бўйича ходимлар фойдасига ҳисобланган, пул ва (ёки) натура шаклдаги тўловларнинг барча турлари ушбу жамғармаларга сұфурта бадалларини ҳисоблаш учун объект ҳисобланади.

Сұфурта бадалларини ҳисоблаш учун қўлланиладиган базанинг ишончлилигини текширишда қўйидагиларни бажариш зарур:

- ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган меҳнат ҳақи ҳамда бошқа тўловлар турларини аниқлаш;

- ҳақиқатда сұфурта бадаллари ҳисобланган тўловлар турларини, тегишли ижтимоий сұфурта жамғармасига сұфурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловлар рўйхатига мувофиқ улар ҳисобланниши ёки ҳисобланмаслиги лозим бўлган тўлов турлари билан таққослаш;

- тегишли жамғармалар бўйича сұфурта бадалларининг тўлиқ тўланмаган (ёки ошиқча тўланган) миқдорини аниқлаш.

Шунингдек, олдин ҳисобланмасдан, корхона кассасидан берилган ҳар хил тўловларни (моддий ёрдам, мукофот) маҳсус эътибор билан текшириш керак.

Сўнгра ҳисобланган ва тўланган сұфурта бадалларининг ҳисобда тўғри акс эттирилишини аниқлаш зарур. Бунда ходимларга тўланган тўловларнинг сұфурта бадалларини ҳисоблаш молиялаштириш манбаси ҳисобидан акс эттирилаётгандигига эътибор қаратилади. Текширув натижалари ишчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Тўловларнинг пенсия жамғармаси бюджетига кредит муассасаларининг айбига кўра ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун кре-

дит муассасаси муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун амалдаги қонуналарда белгиланган миқдорда пеня тўлайди. Суғурта қилдирувчилардан бу кунлар учун пеня олинмайди.

Текширувчи шунга эътибор бериши керакки, суғурта бадаллари қуидаги турдаги тўловларга ҳисобланмайди: фойдаланмаган таътил учун компенсациялар; ишдан бўша什 чоғидаги чиқиш пенсияси; моддий ёрдам кўринишида бериладиган пул пенсияларининг ҳар хил турларига; компенсация тўловларига; бепул овқатлар қийматларига; товоң тўловлари (хизмат сафари бўйича суткалик пуллари ва суткалик пуллар ўрнига тўловлар, меҳнатчиларга уларнинг иши билан боғлиқ ҳолдаги шикастланиши ёки саломатлигига бошқача зарап етганлиги натижасида кўрилган зарарни қоплаш тўловлари) ва бошқаларга; берилган маҳсус кийим-бош, маҳсус пойафзал ва бошқа ҳимоя воситалари, со-вун, сут ва даволаш-профилактика овқатлар қиймати; тушик овқатлар учун дотациялар, санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш уйларига йўлланмалар қиймати, стационарларда ва амбулаторияларда даволаниш учун ҳақ тўлаш; бошқа жойга ишга ўтишдан ёки кўчиб ўтишдан йўлда юриш, мулкни ташишига доир харажатларнинг қопланиши; доимий иши йўлда ўтадиган ёки йўлда юриш тусига эга бўлган ёхуд хизмат сафарлари билан боғлиқ ҳолларда суткалик пуллар ўрнига иш ҳақига қўшимчалар ва устамалар; иш ҳақи жамғармасидан амалга ошириладиган юбилей саналари, туғилган кунлар муносабати билан узоқ муддатли, бенуқсон меҳнат фаолияти, фаол ижтимоий иши учун ва бошқа шунга ўхшаган ҳолларда бериладиган рағбатлантириш тўловлари (мукофотлар); мусобақаларда, кўриклар, танловлар ва шу кабиларда ютуқли ўринлар учун бериладиган пул мукофотлари; корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиши учун юборилган ўқувчиларга тўланадиган стипендиялар; давлат ижтимоий суғуртаси бўйича пенсиялар, ижтимоий пенсиялар, пенсиялар.

Пенсия жамғармаси идоралари пенсия жамғармаси бюджетининг ижро этилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган бюджетдаги корхона ва ташкилотлар учун бухгалтерлик ҳисобварақалари режасини қўллаган ҳолда ҳисоб юритадилар ва йилнинг ҳар чорагида пенсия жамғармаси бюджетининг ижро этилиши ҳақида молиявий ҳисоботларни тузадилар.

Республика Йўл жамғармаси ва Мактаб таълимини ривожлантириш мақсадли давлат жамғармаларига тўловларини текшириш. Йўл жамғармасига тўловларга оид ҳисоб-китоблар 6530 «Бюджетдан ташқари жамғармалар» счётининг 6532 «Йўл жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» субсчётида олиб борилади.

Текшириш чоғида Йўл жамғармасига тўловлар бўйича содир бўладиган қуйидаги муомалаларни тўғри олиб борилаётганлигини текшириши лозим:

1) Йўл жамғармасига тегишли бўлган ва маҳсулот таннархига киритиладиган суммаларни, шу жумладан солиқларни, тўловларни ва ҳоказоларни акс эттириш:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 9410 «Сотиш харажатлари» счёtlари, Кредит 6532 «Йўл жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

2) Тижорат харажатларига, ҳамда муомала чиқимлари (савдода) ҳисобига кирадиган, пенсия жамғармасига ҳисобланган бадаллар суммасини акс эттириш:

Дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти, Кредит 6532 «Йўл жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

3) Йўл жамғармасига тўланадиган маҳсулот, хизмат кўрсатувчи бўлинмалар ва хўжаликларнинг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари харажатларига қўшиладиган, ҳамда келгуси давр харажатларининг таркибида ҳисобга олинадиган суммаларнинг акс эттирилиши:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 3190 «Бошқа олдиндан тўланадиган харажатлар» счёtlари, Кредит 6532 «Йўл жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

4) Олдиндан ҳисобланган ажратмаларнинг суммаларини Йўл жамғармасига ўtkазish:

Дебет 6532 «Йўл жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти, Кредит 5110 «Ҳисоб -китоб» счёти.

Йўл жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни текширувдан ўtkazганда қуйидаги ҳужжатлар текшириш ўtkazish манбалари ҳисобланади: ҳисоб-китоб қайдномалари, тўлов қайдномалари, касса чиқим ордерлари, банк кўчирмалари, жорий ой учун ички баланс ҳисоблашишларни ҳисобга олиш қайдномаси, тўлов топшириқномалари, 10-сонли журнал ордер, Бош дафтар.

Шу билан бирга, текширув мобайнида қуйидаги ҳолатларга әзтибор қаратиш лозим:

- тұланиши зарур бўлган бадаллар суммасининг ҳисоблаб ёзилиши учун солиққа тортиладиган базасининг тўғри аниқланганлигини;

- бадаллар суммасининг Йўл жамғармасига ўз вақтида ҳисоблаб ўтказилаётгандигига;

- бадаллар суммасининг жамғармаларга ҳисоблаб ёзилиши ва ўтказилиши ҳисоби тўғри юритилаётгандигига;

- аналитик ҳисоб маълумотларининг 6532 «Йўл жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти маълумотларига мувофиқлигига.

Бандлик жамғармаси бўйича муомалалар ҳисоби 6530 «Бюджетдан ташқари жамғармалар» счётининг 6533 «Бандлик жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» субсчётида олиб борилади.

Текшириш чоғида Бандлик жамғармасига тўловлар бўйича содир бўладиган қуйидаги муомалаларни тўғри олиб борилаётгандигини текшириш лозим:

1) Бандлик жамғармасига тегишли бўлган ва маҳсулот таннархига киритиладиган суммаларни, шу жумладан солиқларни, тўловларни ва ҳоказоларни акс эттириш:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 9410 «Сотиш харажатлари» счёtlари, Кредит 6533 «Бандлик жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

2) Тижорат харажатларига, ҳамда муомала чиқимлари (савдода) ҳисобига кирадиган, пенсия жамғармасига ҳисобланган бадаллар суммасини акс эттириш:

Дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти, Кредит 6533 «Бандлик жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

3) Бандлик жамғармасига тўланадиган маҳсулот, хизмат кўрсатувчи бўлинмалар ва хўжаликларнинг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари харажатларига қўшиладиган, ҳамда келгуси давр харажатларининг таркибида ҳисобга олинадиган суммаларнинг акс эттирилиши:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 3190 «Бошқа олдиндан тўланадиган харажатлар» счёtlари, Кредит 6533 «Бандлик жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

4) Оддиндан ҳисобланган ажратмаларнинг суммаларини Бандлик жамғармасига ўтказиш: Дебет 6533 «Бандлик жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти, Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб» счёти.

Текширув чоғида Бандлик жамғармаси билан қўйидаги жа раёнларни тўғри амалга оширилаётганилигига эътибор қаратиш лозим:

- Бандлик жамғармасига тўланиши зарур бўлган бадаллар суммасининг ҳисоблаб ёзилиши учун солиққа тортиладиган ба засининг тўғри аниқланганлигини;
- бадаллар суммасининг Бандлик жамғармасига ўз вақтида ҳисоблаб ўтказилаётганилигига;
- бадаллар суммасининг жамғармаларга ҳисоблаб ёзилиши ва ўтказилиши ҳисоби тўғри юритилаётганилигига;
- аналитик ҳисоб маълумотларининг 6533 «Бандлик жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёт маълумотларига тўғри келиши-кељмаслигига.

Текширув чоғида ҳисоб-китоб қайдномалари, тўлов қайдномалари, касса чиқим ордерлари, банк кўчирмалари, жорий ой учун ички баланс ҳисоблашишлар, ҳисобга олиш қайдномаси, тўлов топшириқномалари, 10-сонли журнал ордер, Бош дафтардан манба сифатида фойдаланиши мумкин.

Текширувчилар мақсадли жамғармаларга тўловлар бўйича корхоналарга берилган мақсадли имтиёзлар ва уларни қўлланилиши ва тўлов муддатларига риоя қилиниши ҳам текширилиши зарур.

Мақсадли жамғармаларга тўловлар бўйича корхоналарга берилган мақсадли имтиёзлар ва уларни қўлланиш шартларига доир мисол:

1-мисол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051-сон қарорига асосан янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача:

солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно) тўлашдан;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинди.

Мазкур имтиёзларнинг қўлланилиш тартиби «Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкilotлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида НИЗОМ¹⁶»да белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкilotи фақат фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини режалаштириш, қайта режалаштириш, беzaш, қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган ташкilotdir.

Бунда,

а) бинони режалаштириш деганда текисликдаги горизонтал кесим кўринишларида бинонинг режалаштирилган ҳажмий тузилмасининг маълум масштабдаги тасвири (чизмалари) тушунилади;

б) бинони қайта режалаштириш деганда бинонинг ва/ёки унинг алоҳида хоналари функционал вазифаларининг ўзгаришига олиб келадиган ишлар мажмуаси тушунилади. Бундай ишларга, жумладан, қўйидагилар киради:

кўтариб турмайдиган пардеворларни бутунлай ёки қисман алмаштириш;

кўтариб турмайдиган пардеворларда тешиклар тешиц;

муҳандислик ёки сантехника асбоб-ускуналарини алмаштириш;

в) дизайн деганда қулайлик, тежамкорлик ва гўзалликнинг муштараклиги принципига асосланган ҳолда бинонинг олд томони ва ички хоналарини меъморий безаш, интеръер элементларини бадиий конструкциялаш тушунилади;

г) реконструкция деганда бино (хона) ва иншоотларнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини ва функционал вазифа-

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 19 сентябрда 2009-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 16 августрдаги 2009-21, 83, 01-02/8-14, 5-сон қарори билан тасдиқланган.

ларини (хоналар сони ва майдонини, биноларнинг қурилиш ҳажми ва умумий майдонини) ўзгартериш билан боғлиқ ишлар мажмуи тушунилади;

д) таъмирлаш деганда қўйидагилар тулпунилади:

капитал таъмирлаш – бино ёки унинг алоҳида элементларининг фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш билан боғлиқ, бино (бино элементи) мустаҳкамлигини ва қулайлигини таъминлашга йўналтирилган тиклаш бўйича ишлар мажмуи, шунингдек даҳа ичида эскирган уй-жой муҳандислик тармоқларини алмаштириш ва турар жойтарга қайта қуриш, шу жумладан турар жой фондининг уйлари олдидағи ҳудудда ландшафт лойиҳа ечимларидан фойдаланган ҳолда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

жорий таъмирлаш – бинонинг ёки унинг алоҳида элементларининг фойдаланиш кўрсаткичларини сақлаб туриш бўйича ишлар мажмуи;

е) қурилиш иншоотларини тайёр ҳолда топшириш деганда буюртмачининг топшириғига биноан объектда барча ишлар мажмуини бажариш, шу билан бирга лойиҳалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиши, қурилиш-монтаж, маҳсус ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш, объектни технологик ва муҳандислик асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, фойдаланишга тайёр қурилиш маҳсулотини яратиш тушунилади.

Қарорда белгиланган имтиёзлар ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш корхоналари томонидан фақат ўз кучлари билан бажарилган ишларга қўлланилади.

Ихтисослаштирилган таъмирлаш – қурилиш ташкилоти агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051-сон қарори чиққандан кейин юридик шахс сифатида рўйхатга олинган бўлса, у янгидан ташкил этилган ҳисобланади.

Фаолият кўрсатиб келаётган корхоналарни қайта ташкил этиши йўли билан улар ҳузурида ёки уларнинг мол-мулклари ҳузурида ташкил этилган ташкилотлар янгидан ташкил этилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари сифатида қаралмайди.

Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмий

лаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби түғри-
сидаги низомга мувофиқ бўшаётган маблағларни мақсадли иш-
латиш назарда тутилмаган солиқлар ва божхона имтиёзлари бе-
рилганда бюджетга тўланадиган солиқлар, божхона ва мажбу-
рий тўловлар ҳисоблаб чиқарилмайди ва маҳсулотлар (товар-
лар, ишлар, хизматлар) ҳамда бошқа мол-мулкнинг сотиши (ха-
рид) қийматига киритилмайди.

Бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатишни назарда тут-
майдиган солиқлар ва божхона имтиёзларини бухгалтерия ҳисо-
бида акс эттириш тартиби юқорида қайд қилинган Низом билан
тартибга солинади.

Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-
қурилиш ташкилотларига солиқ ва божхона тўловлари бўйича
имтиёзлар ва переференциялар қўйида келтирилган шаклга му-
вофиқ давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати орган-
ларига тақдим этиладиган аризага асосан тақдим этилади.

Ариза давлат солиқ хизмати органларига ёки давлат божхо-
на хизмати органларига икки нусхада тақдим этилади, шулард-
дан биттаси ваколатли органнинг тегишли белгиси билан солиқ
тўловчига қайтарилади.

Имтиёзлардан фойдаланган ихтисослаштирилган таъмирлаш-
қурилиш ташкилотлари ҳақиқатда ихтисослашганлигини тасдиқ-
лаш учун йил якуни бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этиш
билан бир вақтда давлат солиқ хизмати органларига қўйида кел-
тирилган шаклга мувофиқ Маълумотнома – ҳисоб-китобни тақ-
дим этадилар. Маълумотнома – ҳисоб-китоб давлат солиқ хиз-
мати органларига икки нусхада тақдим этилади, шулардан бит-
таси давлат солиқ хизматининг тегишли белгиси билан солиқ
тўловчига қайтарилади.

Тақдим этилади

(божхона расмийлаштируви жойи бўйича ҳудудий божхона органни)

ёки

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органни)

АРИЗА

(корхонанинг тўлиқ номи)

жойлашган манзили

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганини тўеришидаги гувоҳнома

<input type="checkbox"/>					
--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------

2. Ташкил этилган сана (куй/оий/йил)

<input type="checkbox"/>					
--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------

3. СТИР

<input type="checkbox"/>					
--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------

4. ХХТУТ

<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------

5. Телефон: код

<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------

 рақам

<input type="checkbox"/>					
--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------

Ихтиослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти эканлигини маълум қиласди

(бажарадиган ишларнинг номи)

Имтиёзни қўлдаш учун асос:

(норматив ҳужжатнинг номи)

Маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:	Ваколатли органнинг ходими томонидан тўлдирилади												
Рахбар													
СТИР <table border="1"><tr><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td></tr></table>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>							
<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>								
Ф.И.Ш.													
Имзо													
Бош бухгалтер													
СТИР <table border="1"><tr><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td></tr></table>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>							
<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>								
Ф.И.Ш.													
Имзо													
Сана <table border="1"><tr><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td></tr></table> (<кк/оо/йй>)	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	Тақдим этилган сана <table border="1"><tr><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td><td><input type="checkbox"/></td></tr></table> (<кк/оо/йй>)	<input type="checkbox"/>					
<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>								
<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>								
	Ф.И.Ш. _____												
	Имзо												

М.Ў.

Тақдим этилади

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати
органи)

(корхонанинг тўлиқ номи)

жойлашган манзили

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўррисидаги гувоҳнома
2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)
3. СТИР
4. ХХТУТ
5. Телефон: код рақам

МАЪЛУМОТНОМА – ҲИСОБ-КИТОБ йил учун

Имтиёзни қўллаш учун асос:

(норматив ҳужжатнинг номи)

минг сўм

Махсулот номи	Микдори	Жами бажарилган ишлар ҳажмига нисбатан % да
Бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва реализация қилинган товарларнинг умумий ҳажми, жами шу жумладан:		
объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида қайта режалаштириш, безаш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва қуриш ишлари		

фойдаланишга тайёр ҳолда төншириш шаргларида уй-жойларни мукаммал ва жорий таъмирлап, шу билан бирга томларни таъмирлап, уйлар ичидаги муҳандислик коммуникацияларини алмаштириш ва күп квартирали уй-жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини мукаммал таъмирлаш ишлари		
дача ичиде эскирган уй-жой муҳандислик тармоқларини алмаштириш ва турар жойларга қайта қуриш, шу жумладан, тураржой фондининг уйлари олдидағи ҳудудда ландшафт лойиҳа етимдаридан фойдаланган ҳолда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш		

Маълумотларнинг тұлғалығынан ишенчлілігінин тасдиқлайман:	Ваколатты органнинг ходими томонидан түлдіріләди
Раҳбар СТИР <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> Ф.И.Ш. Имзо <input type="text"/>	
Бош бухгалтер СТИР <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> Ф.И.Ш. Имзо <input type="text"/>	Тақдим этилған сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кк/оо/йй)
Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кк/оо/йй)	Ф.И.Ш. Имзо <input type="text"/>

М.Ү.

Агар ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти ҳисобот йили якуни бўйича тақдим этилган Маълумотнома – ҳисоб-китобдан келиб чиқсан ҳолда имтиёзлар тақдим этиш учун белгиланган мезонларга мос келмаса (ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти ҳисобланмаганда), солиқ ва божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинади ва ушбу тўловларни бюджетга тўлаш мажбурияти қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима санкцияларини ҳисобга олган ҳолда тикланади.

Корхона имтиёзларни қўллаш учун белгиланган мезонларга мос келмаслиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари 10 иш куни ичида давлат божхона органларини аниқланган ҳоллар тўғрисида илгари тўланмаган божхона тўловларини ундириш чораларини кўриш учун хабардор қилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1. Мақсадли жамгармаларга тўловларни текшириши чоғида нималарга асосий эътибор бериш лозим?*
- 2. Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш тартиби қандай?*
- 3. Мақсадли жамгармаларга мажбурий тўловларни текшириши чоғида қандай бухгалтерия ҳужжатлари текширилади?*
- 4. Йўл жамгармасига мажбурий тўлов ва ажратмаларни текширишида қайси ҳолатларга эътибор қаратиш лозим?*
- 5. Мақсадли жамгармаларга мажбурий тўловлар ва уларни ҳисоблашга доир ҳисоб-китоблар қайси счётларда олиб борилади?*
- 6. Сугурта бадалларини ҳисоблаш учун қўлланиладиган базанинг ишончлилигини текширишида нималарга эътибор бериш зарур?*

IV. СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ЯКУНИ ВА НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

4.1§. Солиқ текширувининг якунланиши ва солиқ текшируви далолатномасининг тузилиши

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган солиқ текширувлари, жумладан, ҳужжатли текширув (тафтиш) ҳамда қисқа муддатли текширувлар якунида, солиқ хизмати органининг мансабдор шахси (текширувчи) томонидан камида уч нусхадан иборат бўлган солиқ текшируви далолатномаси тузилади. Мазкур далолатномада текширув давомида аниқланган солиққа оид ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланган далиллари изчил баён этилиши ёки улар мавжуд эмаслиги кўрсатилиши, шунингдек Солиқ кодексининг аниқ моддалари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартарап этишга доир текширувчиларнинг хулоса ва таклифлари қайд этилиши керак.

Солиқ текшируви далолатномасини тузиш жараёнида ўчириб ёзиш, ўзгартириш ва бошқа тузатиш киритишга рухсат берилмайди. Далолатнома матнида қисқартирилган номлар ва умумқабул қилинган аббревиатуралардан фойдаланишга зарурат бўлганда илк бор қўллашда тегишли сўз бирикмаси тўлиқ келтирилиб, ёнида қавс ичida бундан буён матнида фойдаланиладиган унинг қисқартирилган номи ёки аббревиатураси кўрсатилади. Масалан, назорат касса машиналари (НҚМ).

Солиқ текшируви далолатномаси уч қисм: кириш, баён этиш ва якуний қисмдан ташкил топиши керак.

Солиқ текшируви далолатномасининг кириш қисмida ўтказилётган текширув ва текширилаётган солиқ тўловчи, унинг филиали ёки ваколатхонаси (солиқ тўловчи – ташкилот филиали ёки ваколатхонаси текшириладиган ҳолларда) тўғрисидаги умумий маълумотлар келтирилади.

Солиқ текшируви далолатномасининг баён этиш қисмida текширув давомида аниқланган солиққа оид ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланган далиллари изчил баён этилади ёки улар мавжуд эмаслиги ҳамда текширув натижаларига кўра тўғри қарор қабул қилиши учун

аҳамиятга эга бўлган ушбу далиллар билан боғлиқ ҳолатлар кўрсатилади.

Солиқ текшируви далолатномасининг якуний қисми (ху-
лоса)да текшириув ўтказишда аниқланган бюджетта тўлан-
маган (тўлиқ тўланмаган) солиқлар ва бошқа мажбурий
тўловлар, мажбурий ажратмалар ва пеняning умумий миқдо-
ри тўғрисидаги маълумотлар, текширувчиларнинг аниқлан-
ган ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга оид таклифлари
келтирилади.

Солиқ текшируви якунланганда солиққа оид ва бошқа қонун-
бузарликлар аниқланмаса, солиқ текшируви далолатномасида
бу ҳақда ҳам тегишли ёзув қайд этилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1. Солиқ текшируви жараёнида қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?*
- 2. Текшириув далолатномаси неча нусхада тузилиши шарт ва нима учун?*
- 3. Текшириув далолатномаси қандай қисмлардан иборат бўлади?*
- 4. Далолатномани расмийлаштиришида қандай талаблар қўйилади?*

4.2§. Солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари то-
монидан солиқ текшируви натижалари бўйича тузиладиган да-
лолатномада қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

текширув ўтказилган жой, далолатнома тузилган сана;

текширув ўтказиш учун асос;

текширув тури ва уни ўтказиш даври;

давлат солиқ хизмати органининг текширувни ўтказган ман-
сабдор шахсларининг фамилияси, исми, отасининг исми;

якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

юридик шахснинг тўлиқ номи, текширув даврида раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби юритиш вазифаларини

амалга оширган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

солиқ тўловчининг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари, шунингдек унинг идентификация рақами;

илтариги текширув тўғрисидаги маълумотлар;

текширилаётган солиқ даври ва текширув ўтказиш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўғрисидаги умумий маълумотлар;

солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг (у мавжуд бўлганда) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормасига ҳавола этилган ҳолдаги муфассал тавсифи;

текширув натижалари бўйича фикрлар ва хуносалар.

Агар солиқ текшируви тугалланганида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган бўлмаса, бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

Солиқ текшируви далолатномасининг уч нусхаси ҳам давлат солиқ хизмати органларининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахслари томонидан имзоланади. Солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига топширилади. Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олганда далолатноманинг барча нусхаларига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Солиқ текшируви далолатномасининг давлат солиқ хизмати органида қолган нусхалари солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилади.

Солиқ тўловчининг солиқ текшируви далолатномасидаги имзоси унинг солиқ текшируви натижаларидан рози эканлигини англатмайди. Агар солиқ тўловчи текширув далолатномасига имзо қўйишидан бош тортса, бу ҳақда далолатнома тузилади.

Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олшидан бош тортган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасига тегишли ёзув киритади. Мазкур ҳолда солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади ва у жўнатилган кундан эътиборан уч кун ўтгач, солиқ тўловчига топширилган ҳисобланади. Солиқ текшируви далолатномаси солиқ тўловчига топширилган кун солиқ текшируви тугалланган кун ҳисобланади.

Солиқ текширувини ўтказиш учун асос бўлган, Солиқ кодексининг 88-моддаси (Солиқ текширувини ўтказиш учун асос)да

кўрсатилган ҳужжатларнинг нусхалари, солиқ текшируви доирасида содир этилган ҳаракатлар тўғрисидаги баённомалар, инвентаризация далолатномалари, экспертларнинг холосаси, солиқ текшируви ўтказиш пайтида олинган материаллар, шунингдек солиқ текшируви доирасида ҳаракатлар содир этилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар солиқ текшируви далолатномасига қўшиб қўйилиши лозим.

Солиқ текшируви далолатномасига илова қилинадиган ҳужжатларнинг тўлиқ матни мазкур қўлланманинг кейинги параграфида келтириб ўтилади.

Солиқ текшируви материаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган тартибга биноан солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органида солиқ текшируви тугалланган қундан эътиборан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтказилиши лозим.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1. Текширув далолатномасида нималар кўрсатилиши зарур?*
- 2. Солиқ текшируви далолатномасига солиқ тўловчи имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда қандай чора-тадбирлар қўлланилади?*
- 3. Далолатноманинг бир нусхасини олишидан бош тортган ҳолатда-чи?*
- 4. Далолатнома неча кунда солиқ идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт?*

4.3§. Солиқ текшируви далолатномасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши режа-жадвалидан ёки режадан ташқари текшириш ўтказиш рухсатномасидан кўчирма, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят иши юзасидан қабул қилган «Солиқ текшируви (тафтищ) тайинлаш тўғрисида»ги қарори;

солиқ текширувини (тафтищни) ўтказиш учун солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан имзоланган буйруқдан кўчирма;

хўжалик юритувчи субъект раҳбари (раҳбар вазифасини вақтингча бажарувчи)нинг текшириш ўтказиш учун асословчи ҳужжатлар нусхаларини олганлиги тўғрисида тилхат;

текширувчилар томонидан аниқланган қонунбузарликлар кўрсатилган ҳолда тузилган ва текширув ўтказилаётган корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси (улар вазифасини вақтинчалик бажарувчилар) ёки хусусий тадбиркор томонидан имзоланган солиқ турлари бўйича ҳисоб-китоблар.

Ташқи-иқтисодий фаолият ва ўтказилган экспорт-импорт операциялари

Давлат солиқ қўмитасининг «Валюта ва экспорт-импорт операцияларини назорат қилиш» бош бошқармаси ва унинг жойлардаги қуий тузилмалари ходимлари томонидан текширилиб, текширувлар натижаси бўйича аниқланган солиққа оид камчиликлар бўйича тузилган хулоса ва кўрсатмаларни ўзида акс этирган оралиқ далолатнома.

Ўзига хос хусусиятларга эга бўлган айрим солиқлар ва мажбурий ажратмаларнинг (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлар, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, бюджетдан ташқари Пенсия, Йўл ва Мактаб таълим министрлигини ривожлантириш жамғармаларига ажратмалар) шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги 621-сонли, 2002 йил 5 августдаги 280-сонли, 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли, 2004 йил 21 октябрдаги 490-сонли, 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли қарорлари ҳамда савдо ва хизмат кўрсатишга оид Ҳукумат қарорлари талабларининг бажарилиши бўйича оралиқ далолатномалар. Оралиқ далолатнома ва маълумотномалар асосий далолатномага илова қилиш ва умумлаштириш учун 5 кун олдин тақдим қилиниши лозим.

текширув ўтказилаётгани ташкилотнинг асосий воситалари, товар моддий бойликлари, хазинадаги нақд пуллар ва бошқалар бўйича ўтказилган саноқ далолатномалари (мазкур илова агарда саноқдан ўтказилган бўлса келтирилади);

муқобил текширув материаллари (агарда ўтказилган бўлса);

солиқ текшируви доирасида содир этилган ҳаракатлар тўғрисидаги баённомалар, инвентаризация далолатномалари, экспертиларнинг хуласаси, солиқ текшируви ўтказиш пайтида олинган

материаллар, шунингдек солиқ текшируви доирасида ҳаракатлар содир этилгандигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

солиқ тўловчи томонидан, солиқ қонунчилиги бузилганини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ёки солиқ тўловчидан юқоридаги ҳужжатлар олиб қўйилганда уларнинг асл нусхаси.

банк (бошқа кредит ташкилотлар) маълумотномаси;

якуний текшириш ва зарурият туғилган ҳолларда текширилаётган субъектнинг банклардаги мавжуд ҳисоб рақамларидағи пул маблагларининг ҳаракати тўғрисида олинган маълумотлар (Солиқ текшируви тўлиқ ўтказилганда, бутун текширилаётган давр учун олинади);

тадбиркорлик субъекти низом жамғармасининг шаклланиши тўғрисида маълумот;

таъсисчилар таркиби ва ҳар бир таъсисчининг улушлари миқдори тўғрисида маълумот;

текширилаётган субъект раҳбарлари томонидан имзоланган, мавжуд шўъба корхоналари ва мустақил бўлинмалари, ваколатхоналари (уларнинг манзили, СТИРлари) корхонанинг асосий ҳудудидан ташқарида жойлашган ишлаб чиқариш биноси, омборхонаси ва савдо шохобчалари манзили, солиқ тўловчи қарамогидаги ер участкаси тўғрисида маълумот;

солиқ текшируви (тафтиш) далолатномасида акс эттирилган солиқ ва бошқа қонун бузилиш ҳолатларини тасдиқловчи, шунингдек текшириш натижалари бўйича қарор қабул қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар.

хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош ҳисобчиси (ёки уларнинг вазифаларини вақтинча бажарувчилари)нинг текширища аниқланган қонунбузарликлар келиб чиқишининг сабаблари кўрсатилган тушунтириш (изоҳ) хатлари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Солиқ текшируви далолатномасига қандай ҳужжатлар илова қилинши лозим?

2. Солиқ текшируви далолатномасига ҳужжатларнинг асл нусхалари ҳам илова қилинши мумкинми?

3. Иловалар нима учун зарур ҳисобланади?

4. Солиқ текшируви дағолатномасыда акс этирилған солиқ ва бошқа қонун бұзилши ҳолатларини тасдиқловчы, шүннингдек текшириши натижалари бүйінча қарор қабул қылыш үчүн зарур бўлған ҳужжатларга қандай ҳужжатлар киради?

V. ЯПОНИЯДА СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

5.1§. Текширишга тайёргарлик

5.1.1. Текширишга тайёргарлик кўриш

Текширишга тайёргарлик – бу текшириш бошлангунга қадар уни самарали ташкил этиш учун кўриладиган чора-тадбирлар мажмуидан иборат. Бунда даставвал солиқ тўловчининг фаолиятидаги илгариги текширув натижалари таҳлил этилади, текшириш оралиғида солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳисоботлар (декларациялар)¹⁷, инспекцияда йигилган ахборотлар синчковлик билан ўрганиб чиқилади. Текширишга тайёргарликнинг дастлабки босқичи тугагандан сўнг текширишда кўриладиган масалалар юзасидан саволлар тайёранади ва текшириш ўтказишнинг аниқ тартиби ҳамда усуллари муҳокама қилинади. Агар текширишга тайёргарлик пайтида муаммолар аниқланган бўлса, текширув жараёнида уларнинг сабабларини аниқлаш зарур ҳисобланади.

Текширишга тайёргарлик ўтказишида қўлланиладиган усуллардан текширув объектини танлашда ҳам кенг фойдаланилади. Текширишга тайёргарлик кўрища ва текширилаётган объектдаги қонун бузилиши мумкинлиги даражасини аниқлашда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Реализация (ишлаб чиқариш) ҳажмидаги таниарх коэффициенти:

$$\text{Реализация ҳажмида} \quad = \quad \begin{matrix} \text{реализация қилинган} \\ \text{маҳсулотнинг} \\ \text{таниархи} \end{matrix} \quad / \quad \begin{matrix} \text{реализация} \\ \text{ҳажми} \\ \text{суммаси} \end{matrix}$$

¹⁷ Японияда юридик шахслар ҳам деярли барча солиқ турлари бўйича йил давомида оралиқ декларациялари тақдим этади, йил тугагандан сўнг якуний декларациялар тақдим этадилар.

2. Маржинал ставка(фойда олиш коэффициенти):

Маржинал ставка (фойда олиш коэффициенти)	=	реализация ҳажмидаги фойда	/	реализация ҳажми суммаси
--	---	----------------------------------	---	--------------------------------

* Жами харажатлар коэффициенти:

Жами харажатлар коэффициенти	=	барча харажатлар суммаси	/	реализация ҳажми суммаси
------------------------------------	---	--------------------------------	---	--------------------------------

* Ташқи буюртма харажатлари коэффициенти:

Ташқи буюртма харажатлари коэффициенти	=	ташқи буюртма харажатлари	/	реализация ҳажми суммаси
--	---	---------------------------------	---	--------------------------------

5.1.2. Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш

Солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қуйида кўрсатилган тартибда кўриб чиқилади ва улардан шубҳа тудирган маълумотлар ажратиб олинади.

Реализация ҳажмидаги таннарх коэффициенти ўтган йиллардаги кўрсаткичлар ва ушбу фаолият билан шуғулланувчи бошқа тадбиркорлик субъектлари билан таққосланади. Шу асосда шубҳа тудирувчи маълумотларни аниқлаб олиш мумкин. Масалан, агарда реализация ҳажмидаги таннарх коэффициенти ўтган йилга нисбатан жуда катта ўстган бўлса, реализация ҳажми камайганигини, реализация қилинган маҳсулот таннархи ошириб юборилганигини ёки материал харажатлари давр охирида кескин камайтирилганигини тахмин қилишга асос бўлади. Ушбу фаолият билан шуғулланувчи бошқа тадбиркорлик субъектлари билан таққосланган ҳолатларда коэффициентлар ўртасида фарқ бўлса, қонун бузилиш ҳолати бўлиши мумкин, деган хулоса қилиш мумкин ва солиқ текшируви жараёнида бу хуросаларни текшириш зарур бўлади.

Солиштириш орқали таҳлил қилинганда реализация ҳажмидаги таннарх коэффициентидан ташқари харажатлар коэффици-

енти, шахсий таркибни таъминлаш харажатлари коэффициенти, ташқи буюртмалар харажатлари ва бошқалар ҳам таққосланади. Булардан ташқари иқтисодиётнинг ҳар тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш соҳасида асосий ҳом ашёни сотиб олиш харажатлари коэффициенти(асосий ҳом ашё сотиб олиш харажатлари реализация ҳажми), транспорт соҳасида ёқилғи сотиб олиш харажатлари коэффициент(ёқилғи харажатлари реализация ҳажми)лари мавжуд. Ҳар хил фаолият турларининг ўзига хос томонларини ҳисобга оладиган ва тўғри келадиган кўплаб текшириш усувлари мавжуд.

Ҳисоботдаги (декларациядаги) асосий моддаларнинг пул суммалари ўтган йил билан таққосланади. Бунинг асосида йил давомида катта ўзгариш бўлган моддалар аниқланади. Масалан, агарда ўтган йил билан таққослагандан фойдаланилган сув билан электроэнергия харажатларида катта ўзгариш бўлса, янги кўчмас мулк, ишлаб чиқариш воситалари ва ҳоказолар сотиб олинганинг таҳмин қилиш мумкин. Шу билан бирга, бу харажатлар ўйлаб топилган деб ҳам таҳмин қилиш мумкин.

Молиявий натижалар бўйича ҳисоботда ўзаро боғлиқликда бўлган фойда ва заарга тегишили саволлар (масалан, сотиши ҳажми ва таъминот харажатлари) мавжудлигини таҳлил этиши.

Масалан, ўтган йил билан таққослагандан ташқи буюртма харажатлари коэффициентида катта фарқ бўлса ёки ташқи буюртма харажатлари коэффициентини ўсиши реализация ҳажми ўсиши билан мутаносиб бўлмаса, ташқи буюртмалар харажатлари кескин ошганлигини ёки реализация ҳажми қисқарганлигини таҳмин қилиш мумкин.

Текшириш муддати давомида янги сотиб олинганд мулкнинг ҳақиқатда мавжудлиги аниқланади. Сўнгра, декларацияда қайд этилган жами фойдага ушбу мулкни олиш мумкинлиги текширилади. Бундан ташқари, корхона директори, фирманинг бошқа бошқарув ходимлари ўзларига мулк олганликлари ва ушбу мулкни олишда ходим ойлик маошининг етарлилиқ даражаси текширилади. Кўп ҳолларда мулк сотиб олиш учун маблағлар қонунга зид ҳаракатлар орқали йигилади.

Кредит таикилотлари ва бошқа муассасалардан олинганд қарзлар ва уларнинг манбасини текшириши.

Корхона директори, фирма бошқарувининг ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари, танишлари томонидан қарз олинганд

тақдирда, ушбу қарзлар қандай йўл билан олинганинги текшириш зарур, чунки кўп ҳолларда бундай маблағлар ҳалоллик билан йигилмайди.

Бир соҳада ишлайдиган, қўшини бўлган, ишининг салмоғи, фойдасининг суммаси ва бошқалари ўхшаш бўлган тадбиркорларни таққослаш ва кўриб чиқши.

Фаолият тури бир хил бўлиб, қўшни бўлган тадбиркорларнинг фаолият юритишлари бир хил бўлгани учун уларнинг иш салмоғи ва турли коэффициентларини солишириш йўли билан шубҳали маълумотни топиш ва кейинчалик уларнинг сабабини аниқлаш мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш ускуналари ва ишчилари сони яқин шу соҳадаги бошқа корхоналар билан сотиш ҳажми катта фарқ қилиш ҳолатлари шулар жумласидандир.

5.1.3. Аввал ўтказилган текширишлар тажрибасини ўрганиш

Аввал текшириш ўтказилган ҳолларда қуйидаги ўрганиш ўтказилиб, олинган ахборотдан солиқ текшируви жараёнида маълумот тариқасида фойдаланилади.

Аввалги текшириш қай тариқада ўтказилган? Қандай ҳужжатлар мавжуд? Қандай ҳужжатлар ўрганилган? Корхона фаолияти ва бухгалтериясининг мазмуни тўғрисида аниқ ахборот йиғилиб, текшириладиган ҳужжатларнинг зарурлиги ва муҳимлилик даражасига қараб бўлинади ва улар бу сафар қандай текширилиши ҳал қилинади.

Аввал ноқонуний ҳаракатлар мавжуд бўлган бўлса, улар қай йўл ва усулда топилганлиги аниқланади. Шундай ҳаракатлар кейинги йилларда ҳам қайтарилганми-йўқлиги юзасидан текшириш керак.

Аввалги текшириш обьектларида аниқланган турли коэффициентлар ҳозирда ўтказилаётган текширишдаги коэффициентлар билан таққосланади. Агарда фарқ бўлса, сабаблари аниқланади.

Масалан, ўтган йиллардаги сотиш ҳажмида таниарх коэффициенти ва фойда коэффициентига нисбатан тегишли текширув ўтказилаётган йилдаги худди шу коэффициентлар ўртасида фарқ бўлиши ҳолатлари шулар жумласидандир.

5.1.4. Инспекция ичидә ахборот ва ҳужжатларни йиғиши

Агар инспекциянинг бошқа бўлимларида ахборот ва сўнгги олинган ҳужжатлар бўлса, улар ўтказиладиган текширишга фойдаси бўладими ёки йўқлиги аниқланиши керак.

Мисол тариқасида қўйидагиларни келтириш мумкин:

Тўлов манбаида солиқларни ушлаб қолиш билан шуғулланувчи бўлимда иш ҳақи берилган ходимлар сони, берилган иш ҳақи суммаси, тўлов манбаида ушлаб қолинган солиқ суммалари текширилиб, ҳисобот ва ҳисоб-китобларда келтирилган иш ҳақи суммалари билан таққосланади.

Бошқа солиқ турлари бўйича ҳам тегишли бўлимларда солиқка тортиш ҳолати текширилиб, шубҳали масалалар кўриб чиқилиди.

Масалан, ер солиғи ва мулк солиғи тўланган бўлса-да ушбу ер ва бинодан фойдаланиш ҳолати ноаниқ ёки ер ва бино ҳисоб-китобларда бўлса-да ер солиғи тўланмаган бўлиши мумкин.

5.1.5. Ташқаридан ҳужжат ва маълумотлар йиғиши

Бошқа вазирлик ва идораларда сақланаётган солиқ обьекти тўғрисидаги маълумотларни йиғиб улардан фойдаланилади.

Кўчмас мулкни рўйхатга олиш идораларида солиқ обьектига тегишли кўчмас мулкка молиявий муассасаларнинг ипотека ҳуқуқи ўрнатилганми-йўқлигини текшириб, маблағ қаердан олинганигини аниқлаш билан биргаликда, одатда банкдан кредит олинган бўлса, ушбу банк билан кредит шартномаси ҳам бўлиши керак.

Ундан ташқари, банкдан кредит олинган бўлса-да кўчмас мулкка ипотека ҳуқуқи ўрнатилмаган бўлса, кредит олиш учун қимматбаҳо қофозлар, олтин ва бошқа қийматтага эга нарсалар гаровга қўйилган бўлиши мумкин.

Ер ва қурилиш ишларида назорат қилувчи идораларга иш режаси тақдим қилинган тақдирда, ушбу иш режасининг мазмани текширилиб, ҳисоботлар (ҳисоб-китоблар) билан солиширилади.

5.2§. Жойида текшириш ўтказиш

Текшириш ўтказиш жараёни текшириш ўтказиладиган жойда бошланади (инспектор солиқ түловчи ҳузурига боради). Жойида текшириш ўтказиш солиқ текширувининг муҳим қисми ҳисобланади. Қуйида унинг моҳияти, усууллари ва бошқа муҳим томонлари көлтирилганды.

5.2.1. Ишнинг ҳақиқатдаги ҳолатини аниқлашга йўналтирилган текшириш

Текшириш объекти жойида текширилгандан, авваламбор ишнинг ҳақиқатдаги аҳволи аниқланишига қаратилган текшириш ўтказилади. Объект фаолиятининг ҳақиқатдаги аҳволини аниқлашда текшириш тўғридан-тўғри олиб борилади.

Солиқ текшируви – бу ҳисбот(декларация)ларнинг мазмунини кўриб чиқишидир. Мазмуннинг тўғрилигини текшириш учун жуда ҳам кўп ахборот керак бўлади. Кўп ҳолларда, биринчина вбатда бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари кўрилган тақдирда ҳам қонунга зид ҳаракатларни топиш осон бўлмайди.

Аммо жойида текшириш ўтказилганда фаолият ва бухгалтерия ҳисобига тегишли саволлар бўйича текшириш объектидан тушунтириш талаб этиш, ишнинг ҳақиқатдаги аҳволини ўз кўзи билан кўриш мумкин. Бундан ташқари, нафақат бухгалтерия ҳисоб-китобларини, балки бошқа ҳужжатларни ҳам ўрганиш, яъни кўп ахборот олиш имкони пайдо бўлади.

Одатда, тижорат келишувларини яхши ўтказишда, муҳими, келишилаётган томонни жуда яхши билиш зарур. Ҳудди шу нарса солиқ текширувларига ҳам тегишилдири. Шунинг учун ҳам жойида текшириш ўтказишда ишнинг ҳақиқатдаги аҳволини билиш, кўп ахборотта эга бўлиш муҳим ўрин эгаллайди.

Суҳбатнинг аниқ саволлари, моҳияти ва ҳоказолар қўйида баён қилинади. Юқорида қайд қилинганидек, қандай ахборот олмайлик, бу текширишда керак бўлмаса ҳам келгуси текширишлар учун фойдаси бўлишини эсдан чиқармаслигимиз керак.

а) Иш фаолияти ҳақида қисқача ахборот.

Текширувчи ҳар бир ишлаб чиқариш соҳаси бўйича билимга эга бўлса, бу ҳолат текшириш жараёни ва унинг натижсига ўз ижобий таъсирини ўтказади. Шунинг учун бу билимларни солиқ

текширувлари орқали олиш жуда муҳимдир. Бунинг учун аввали объектнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳақиқатдаги аҳволи ҳақидаги ахборотини дикқат билан тинглаш керак. Бунда ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳақиқий аҳволи ҳақидаги аниқ ахборот, яъни иш, хизмат (товарларни)ларни сотиш, ишнинг йўналиши, филиаллар борлиги, ишлаб чиқариш ускуналари ва уларнинг самарадорлиги, мол-мулк, ходимлар сони, ишлаб чиқаришдаги асосий ҳамкорлар (банклар, пул маблағлари, қўйилмаларни сақлаш учун масъуллар), бухгалтерия ҳисоб-китоблари учун масъул шахс, тилхатларни сақлаш шароитлари, ушбу соҳадаги бошқа тадбиркорлардан фарқи, ўзига хос савдо анъаналари ва бошқалар ҳақида конкрет ахборот олиш зарур.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъект ходимлари фақатгина бухгалтерия маълумотларинигина эмас, балки назорат бўйича бошқа ахборотларга ҳам эга бўладилар. Завод ёки унинг филиалидаги масъул шахслар шахсий масъулиятни ёритиш учун сотиб олинган хом ашёнинг асосий турлари олинганилиги, ходимларнинг тақсимоти, иш режаси, иш унумдорлиги(сотув)ни ошириш ва бошқа кўрсаткичларни акс эттириладиган ишлаб чиқариш журналини юритадилар. Ушбу маълумотлар кейинчалик «фаолият назорати материаллари» деб номланади.

Солиқ идораси ходими ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисидаги ахборотни тинглаб бўлгандан сўнг завод ёки унинг филиалини ўз кўзи билан кўриб чиқиши ва қандай товарлар олинган (ишлаб чиқилган), қандай ишлаб чиқариш ускуналари мавжуд, қанча ходим ишлашини аниқлаши керак. Сўнгра ҳисобот(декларация)-да кўрсатилган маълумотларда тафовут бор-йўқлигини, ҳамда «фаолият назорати материаллари» мавжудлигини аниқлаиди.

«Фаолият назорати материаллари» маълумотларининг бухгалтерия ҳисоб-китобига алоқаси бўлмайди. Аммо бу маълумотлар ҳисобот(декларация) тўғри эканлигини аниқлашда фойда беради. Шунинг учун бундай ёзувлар мавжудлигини аниқлаш зарур, агар мавжуд бўлса мазмунини текшириш учун кўрсатишни талаб этиш керак.

Чунки ҳар бир фаолият турининг натижаларини ўрганиш учун нималарга эътибор бериш кераклигини аниқлаб олиш лозим.

Масалан, ишлаб чиқариш корхоналарини текширишда қандай асосий ва ёрдамчи хом ашё, материаллар ишлатилади, ишлаб чиқариш бирлигига қанча материал сарфланиши ҳақида ах-

боротта эга бўлиш керак, агар гўзаллик салони ёки кир ювиш корхонаси бўлса қандай воситалар (реагентлар) ва қанча миқдорда ишлатилиши ҳақида ахборотта эга бўлиш зарур. Бу ахборотдан кейинчалик бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотларини текширилаётганида, сотиб олиш нархларини солиштиришда, ишлатилган миқдорларни ва фойда суммасини аниқлашда фойдаланилади.

Бухгалтериядаги ҳолат. Бухгалтерияга тегишли кундалик савдо (фойда) ҳажмини ҳисоблаб борадиган масъул шахснинг қандай усулда ҳисоб олиб бориши (нақд пул суммаси, регистр, сотиш жадвалларидан фойдаланиш) ҳамда ушбу ёзувларни киритадиган масъул шахсга маълумотларни етказиш усуллари ҳамда харажатлар нима асосида кўрсатилиши текширилади.

Солиқ текшируви молия йили тугалланиши арафасида ўтказилади. Текширув ҳисобот (декларация) тақдим этилгунга қадар ўтказилгани учун кўп ҳолларда бухгалтерия китобларига кўп маълумотлар киритилмай қолган бўлади.

Бундай ҳолларда бухгалтерия китоблари тўлдирилмаган пайтда сотиш ва тўловлар ҳақидаги малумотлар кейинчалик қайси ҳужжатлар асосида киритилишини сўраш керак. Иложи бўлса, бу қандай ҳужжатлар эканлигини аниқлаш керак. Айниқса, нақд пулга боғлиқ бўлган текширишда касса аппаратидан тегишли равищда фойдаланилиш ва унинг қофозлари қандай сақланиши ҳақида маълумот олиш зарур.

Ҳисобот (декларация) тақдим қилишдан олдинги давр текшириш даврига кирмайди. Текшириш даврида бухгалтерия китоблари қай тарзда тўлдирилишини оғзаки сўраб билиш керак. Имкониятдан фойдаланиб, бухгалтерия ҳисоб-китоблари аниқланган усулда тўлдирилиши хусусида тортишиш, «ушбу ахборотни маълумот тарзида эшитмоқчиман» деб ёрдам сўраш мумкин.

Мисол: Кундалик савдо ҳақидаги маълумотлар бухгалтерия китобига киритилмай, балки бошқа ёзувларда қайд қилиниб борилаётган бўлса, ушбу ёзувларни текширилаётган давр учун кўрсатишни талаб қилиш керак. Агар улар кўрсатилса, бу ёзувларни ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаш мумкин (савдо ҳақидаги маълумотлар ўзгартирилган бўлса, бундай ёзувлар сақланмайди ёки умуман кўрсатилмайди)

Шундай қилиб, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти ва бухгалтерияси ҳақида ахборот олиш мумкин ва улар ҳақида умумий

тасаввурга эга бўлинади. Бу ёзувлардаги ахборот тўғри кўрса-тилганлигини билиш учун бажарилади.

Бухгалтерия китобларидағи ёзувлар тўғрилиги, агар иоқону-ний ҳаракат содир этилган бўлса, у ким томонидан қилинганини-ги аниқланниши керак.

Фаолиятнинг амалдаги аҳволини аниқлаш учун ўтказилган текширишда эътибор қилинадиган моддалар:

1. Ким ва қай усулда кунлик фойда(сотиш ҳажми)ни ҳисоб-лаб боради? Бу маълумотлар ёзувларни олиб борувчи масъул шахсга қандай қилиб берилади?

2. Ҳисобот (декларация)лар тўғрилигини текширишда бухгал-терия китобларидан ташқари маълумот сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ҳужжатлар, ёзувлар ва шунга ўхшашларниңг мавжудлиги.

Кўп ҳолларда бундай ҳужжатларниңг текширишга алоқаси йўқ деб, кўрсатищдан бош тортадилар. Бундай ҳолларда, «тек-ширишга алоқаси бор ёки йўқ ҳужжатларни аниқлашни ўзимиз-га қўйиб берсангиз» деб, ҳамкорлик қилишни илтимос қилиш лозим.

Бундан ташқари, «бу ҳужжатлар шахсий фойдаланиш учун» деб ҳам кўрсатмаслик ҳоллари учрайди. Бундай ҳолларда «идора-да ёки филиалда мавжуд барча ҳужжатлар ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли» эканини эслатиш керак.

3. Корхона директори хонасида қимматбаҳо жиҳозлар, идора-да ва бошқа жойларда қимматбаҳо мебель предметлари мав-жудлигига эътибор қаратиш керак.

Бундан ташқари, директорнинг кўнгилхушликлари, унинг оиласида чет элга ўқишга борган шахслар борми ёки йўқлиги ҳақида суриштириш зарур.

Энг асосийси, шахсий ахборотларни оддий сұхбат даврида олишга эришиш лозим.

5.2.2. Бухгалтерия ҳужжатларни ўрганиш

Кейин бухгалтерия китоблари мазмунини ўрганиш бошланади.

Тақдим этилган бухгалтерия китоблари текшириш бошида сўралган ва ёзувларга база вазифасини ўтайдиган материаллар асосида ишланганлиги аниқланади. Бундан ташқари, бухгалте-

рия китобларида қўрсатилган пул суммалари тақдим этилган ҳисобот(декларация)даги қўрсатилган солиқларнинг ҳар бир тури пул суммаларига мос келиши текширилади.

Агарда мос келмаса, бир нечта бухгалтерия китоби мавжудлиги ёки ҳисобот бухгалтерия китобларини эътиборга олмай түзилган, деган хуносага келинади.

Текшириш тайёргарлиги ва ҳақиқатдаги ҳолатни аниқлашга қаратилган текширишлар пайтида ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган саволлар аниқланган, ҳамда бундан бошқа ахборот ҳам олинган эди. Шунинг учун ўша саволларга жавоб тошиш билан бир қаторда, янги саволлар пайдо бўлмадими ёки йўқми аниқланиши керак.

Кўп ҳолларда бухгалтерия китоблари ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш орқали ҳам саволларга жавоб топилмайди. Бундай ҳолларда хўжалик юритувчи субъект ходимларига саволлар бериш ва улардан тушунтириш бериларини илтимос қилиш керак. Ишнинг тўғри олиб борилиши кўп жиҳатдан текширувчи шахснинг қобилияти, малакаси, муомаласига ҳам боғлиқ.

Қобилият ва малака тажриба билан орттирилади. Юқорида айтилганидек, аввалги текширишларда орттирилган ва тўплangan билим бу ерда фойда келтиради ва текширувчининг хусусий мулки ва ноу-хауси бўлиб қолади.

Бухгалтерия муомалалари бухгалтерия стандартларига мувофиқ амалга оширилганligини текшириш.

Корхонадаги бухгалтерия муомалалари тегишли қоидаларга мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг миллӣй стандартларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Бухгалтерия китобларидан ташқари квитанциялар, чеклар (кейинчалик «ҳужжатлар» дейилади) текширилади, ҳамда бухгалтерия китоблари билан солиштирма текширув ўтказилади.

Бунда қўйидаги моддаларга аҳамият бериш керак:

1. Ёзилган сумма ва имзоларнинг мос келиши ёки келмаслиги.
2. Шакллар ва уларни тўлдириш тартибини мос келиши ёки келмаслиги.
3. Олисдаги ҳудудларда амалга оширилган якка битимлар.
4. Суммалар бутун бўлиши керак.
5. Рақамланмаган ва рақлар бор-йўқлиги.
6. Квитанциялардаги иостандарт(одатий бўлмаган) ёзувларнинг мавжудлиги.

Мисол: Таъмирлашга кетган харажатлар акс этирилган квитанция бор, аммо бухгалтерия китобларида бирон бир машина ёки аппарат ҳақида ёзувлар йўқ (Демак бу пул маблағлари ноқонуний йўл билан топилган деб тахмин қилиш мумкин).

7. Квитанцияларни устунларида эсга олинмаган моддалар бор-йўқлиги (хужжатларни қалбакилаштириш, маблағ ажратилишига йўл қўйинш).

8. Тўлдирилган ҳужжатларда шубҳали ёзувлар бор-йўқлиги (ҳужжатларни ўтган кун билан тўлдириш).

Ушбу изланишда, агарда хизмат ҳужжатларидаги ёзувларни текшириш мумкин бўлса, уларниг мазмунини бухгалтерия китобида қайд қилиш ҳақидаги ёзув билан солиштириш керак.

9. Агарда квитанцияларда, хизмат журналларида турли хил белгилар бўлса (0, ? ва ҳоказолар), улар нимани англатишини аниқлаш керак (Ишлаб чиқариш соҳаси, ҳамда ҳудудга қараб алоҳида атамалар ва маҳсус сўзлар мавжуд бўлиб, улар фақат шу соҳада қўлланилади. Уларниг мавжудлиги яширин ишлар борлигидан далолат беради. Демак, уларни фақат қўллаган одамнинг ўзигина тушунтира олиши мумкин. Шунингдек, белгиларни чет эллик шахслар ҳам қўйтган бўлиши мумкин, бу ҳолларда улар ўша одамнинг она тилидаги иборалари бўлиши мумкин).

Ҳисобот (декларация) солиқ қонунчилиги моддалари асосида тузилганилигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Солиқка тортиладиган сумма бухгалтерия ҳисоби нормаларига мувофиқ ҳисобланган сумма эмас.

Японияда юридик шахс тўлаган фойда солиғи, вакиллик харажатлари, хайрия қилинган суммалар харажат ҳисобланмайди, шунинг учун декларация қилиш вақтида ҳисботда чиқарилган фойда суммасига ушбу суммалар қўшилганидан кейин солиқ ҳисоблангани учун ушбу ҳаракатлар солиқ қонунчилиги моддларига мувофиқ амалга оширилганилигини текшириш лозим.

Шундай шароитлар борки, харажатлар бир нечта ҳисоб ёзувлари асосида расмийлаштирилган бўлади, баъзида бу харажатлар билиб туриб молиявий устамаларни талаб қилмайдиган ҳисоб ёзувлари асосида расмийлаштирилган бўлади.

Эътибор қаратилиши керак бўлган юқоридаги моддалардан ташқари, илгари учрамаган ҳолатларни мисоллар билан келтириб ўтамиш.

А. Давр охирида сотувларни кечикитириш

Бухгалтерия китобидан фойда олиб ташланганда маблағларнинг етишмаслигининг ҳолати юзага келади. Бироқ сотувларни кейинги ойга қолдириш яширин муомала ҳисобланади. Фойдани бухгалтерия китобида тенглаштириш учун китобнинг ўзида тартибни бузиш йўли билан амалга ошириш мумкинлиги учун бу муомалалар ноқонуний усулларда амалга оширилади. Эътиборни қўйидаги моддаларга қаратиш лозим:

а) Сотишдан тушган маблаг(ой охирида амалга оширилган)-лар, сармоя ҳисобига қилинган харажатлар кейинги даврга ўтказилмаганлиги;

Айниқса, агар гап бир неча йилга чўзилиши мумкин бўлган қурилиш шартномаси хусусида бораётган бўлса, маълум бир даврда олинган фойдани ўзгартириш бухгалтерия стандартларига амал қилинган ҳолда амалга оширилиши;

б) Кўрилаётган ҳисобот даврида жўнатилган ва ҳисобга олинмай, кейинга сурилган квитанциялар, шартномалар мавжудлиги;

в) Кўрилаётган ҳисобот даврида фойда тариқасида ҳисобга олиниши мумкин бўлган ва тўланмаган трансакциялар, экспорт битимлари мавжудлиги;

Б. Кейинги ҳисоб даврида сотиб олиш билан боғлиқ муомалаларни янада эртароқ муддатга ўтказиш.

Сотиб олиш муомалаларини кейинги ҳисоб давридан олдинроққа ўтказиш ва сотувларни кейинги муддатга қолдириш фақатгина бухгалтерия фармойишига асосан амалга оширилиши мумкин ва фойдани тартибга келтириш тамойилларидан келиб чиқиб қўйидаги моддаларга эътибор қаратилиши лозим.

а) Кейинги давр учун сотиб олишлар ҳозирги даврда ҳисобланмаганлиги; фойда олиш, айниқса узоқ муддатли шартномалар асосида(курилиш ишлари) бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ олиб борилганлиги;

б) Ҳисобга олинмаган ва кейинга сурилган жўнатилганлик ҳақидаги шартнома, квитанциялар йўқлиги; Шунингдек, амалда йўқ товарларни сотиб олиш тўғрисидаги шартномалар, квитанциялар йўқлиги;

в) Узоқ ҳудудларга импорт қилиш тўғрисидаги шартномалар, тўланмаган шартномалар кейинги даврга ўтказилган харажатлар бўлиб қолмаганлик ҳолатлари ва б.

В. Инвентаризация қилингандык мол-мүлкни ҳисобдан чиқариш (давр охирида).

Давр охирида ўтказиладиган инвентаризацияни, декларациядаги даромадларни тартибга солиши А, Б молдаларда күрсатылғанлар билан(сотишни, олишни орқа муддатта суриш) сармоя ҳаракати орқали бажарылмайды, уни фақатгина бухгалтерия китоблари орқали амалта ошириш мүмкин. Фойдани бошқариш сифатида юқоридаги усуулдан фойдаланиш оддий ҳисобланади.

Шунинг учун текшириш жараёнида ҳужжатларга асос бўладиган инвентаризация кўчирмаларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Инвентаризация қилингандык мол-мүлкни бошқаришнинг кўп усууллари бор. Масалан, баҳолаш қийматини тўғрилаш, инвентаризация қилингандык мол-мүлкни ҳисоблаб чиқариш. Ўз-ўзидан маълумки, ҳамма усууллар солиқ кодекси ёки бухгалтерия ҳисоби стандартлари таълабларига жавоб бериши керак. Қуйида эътибор қаратилиши зарур бўлган мисоллар келтирилди.

а) баҳолаш қиймати асосида фойдаланилдиган инвентаризация кўчирмаларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш;

б) вақт давр сўнгига яқинлашиб, катта харажатлар мумкин бўлса, харажатларни солиштириб ўрганилади, улар сарфлаган суммаларни инвентаризация кўчирмалари билан таққослаш;

в) узоқ муддатли шартномаларга (қурилиш ишлари) тегишли тугалланмаган қурилиш харажатлари(қурилиш харажатларига тегишли даромад ҳисобга олингандык қисми) тўғри чиқариб ташланганини текшириш ва б.;

Узоқ муддатли қурилиш шартномаларидан ташқари, инженерлик коммуникациялари қурилишига ҳам эътибор қаратиш лозим, чунки ушбу соҳада тугалланмаган қурилиш билан боғлиқ харажатлар бўлиши мумкин.

г) Маҳсулот(товар) ишлаб чиқаришга керак бўлган хом ашё харажатлари.

Г. Омборда сақланаётган, инвентаризация қилингандык молларни ҳисобдан чиқариш.

Ҳисобот даврининг охири яқинлашганда катта миқдорда мол сотиб олингандык бўлиб, фойдаланилмаган, пули тўланган ўрам қоғози, канцелярия моллари ва ҳоказолар омборда сақланаётган бўлса, ушбу ҳолат эътибордан четда қолиши керак эмас.

(Суммани омборда сақланаётган истеъмол моллари, канцелярия товарларига тегишли харажатларгагина камайтирилиш зарурияти бор)

Д. Агарда банкдан бошқа идорадан қарзга олинган маблағ аниқланса, қарз олинган жой кўрсатилганлиги, қарз олишдан мақсад, қайтариш усули ва фоизлари борлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш керак (Қарзлар яширин йўл билан топилиб фойдаланилганлиги кўп учрайдиган ҳолат).

Е. Раҳбарлар иш ҳақи ва уларнинг шахсий харажатлари

Раҳбарлар иш ҳақи тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромад солигини камайтириш мақсадида кўпинча кичик суммада белгиланади ва уларнинг шахсий харажатлари яширин йўллар билан топилган маблағ ҳисобига амалга оширилган ҳоллар кўплаб учрайди. Шунда бу харажатлар юридик шахснинг харажатларига айланади. Японияда, одатда, ҳар ойда белгиланган вақтда, белгиланган суммада тўланадиган иш ҳақи корхонанинг харажати деб ҳисобланади. Ундан ташқари, раҳбарлар шахсий харажатлари учун корхона ҳисобидан оладиган суммалар харажат ҳисобланмай, раҳбарнинг иш ҳақи даромади ҳисобланиб, ундан даромад солиги ундирилади. Шунинг учун уларнинг иш ҳақи яшаш учун зарур харажатларни қоплайдими, шахсий молмulkни кўпайтиришга етадими ёки йўқми аниқлаш керак.

1. Муқобил текширув

Муқобил текширув, текширув обьекти билан савдо ва олдисотди алоқаларида бўлган шахсларни текширишдан иборат бўлиб, бунда текширув обьектининг бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоб-китоблари шубҳа уйғотса, зарур ҳолларда у билан тижорат алоқалари қилган шахслар олдига бориб, солиқ текшируви обьекти билан қилган ҳамкорлиги текширилади.

2. Солиқ текшируви доирасини кенгайтириш

Текширувда ноқонуний ҳаракатлар аниқланса, яширилган маблағлар қай йўсинда ишлатилганлигини билиш жуда муҳимдир.

Масалан, маблағлар банк қўйилмалари ниқоби остида сақланса, банк ҳисобварақларидаги қўйилмалар ҳолатини аниқлаш керак. Ушбу ҳаракатлар ёрдамида ноқонуний йўл билан топилган маблағлар банк қўйилмаларида борлиги аниқланади. Шу йўл билан банк муомалаларини очиқчасига олиб борилганлигини ҳам аниқлаш мумкин.

Яширилган маблағларни текшириш йўли билан сотиб олинган ва китобда қайд қилинмаган мол-мулк ҳам аниқланади. Бундай мол-мулк сифатида ижара бўлса, текшириш натижасида ижара ҳисобига олинган маблағлар очилади. Қарз берилган тақдирда фоиз даромадлари юзага чиқади.

Бундан ташқари, маблағлардан шахсий манфаат йўлида фойдаланиш ҳоллари ҳам мавжуд. Бундай ҳолларда бу маблағлар раҳбарнинг ойлик маоши, қарз сифатида намоён бўлади. Даромад манбай солиғида ҳам қамчиликлар аниқланади.

Шундай қилиб, топилган ноқонуний ҳаракат асосида бошқа қонунбузарликни аниқлаш имконияти юзага келади.

3. Даромад ва бошқа солиқларни бир вақтда текшириш

Одатда, текшириш юридик (жисмоний) шахсларнинг даромад солиғини аниқлашга қаратилган бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, бу вақтнинг ўзида истеъмол солиғи ва тўлов манбайда тўланадиган солиқлар бўйича ҳам текшириш олиб борилади.

5.3§. Тахминий ҳисоб-китоблар ва тахминий солиққа тортиш

5.3.1. Тахминий ҳисоб-китоблар

Фойда ва солиққа тортиладиган базанинг тахминий ҳисоб-китоби бухгалтерия китоби, квантанциялар ва бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади (кейинчалик уларнинг ҳаммасини бирлаштириб «бевосита маълумотлар» деб атایмиз). Агарда «бевосита маълумотлар» асосида ҳисоблашнинг иложи бўлмаса, ҳисоб-китоблар учун бошқа ахборотдан фойдаланилади (кейинчалик уларни «бильвосита маълумотлар» деб атایмиз). Бу ҳолда амалга оширган ҳисоб-китобимиз «тахминий ҳисоб-китоб» дейилади. Одатда, тахминий солиққа тортишни ҳисоблашда маълум усулдан фойдаланилади.

Японияда ҳар бир солиқ тури тўғрисидаги қонунларда тахминий солиққа тортиш бўйича моддалар мавжуд бўлиб, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича тахминий солиққа тортиш фаол равишда олиб борилади.

Тахминий ҳисоб-китобни амалга оширишнинг кўп усувлари мавжуд. Юқорида келтирган усулимиз кўпқиррали бўлиб, фа-

қаттана тахминий солиққа тортиш ҳисоб-китобини эмас, балки бошқа турдаги текширувларда ҳам қўлланилади.

Текширувчи масъул ходимни тахминий солиқ ҳисоб-китобларини амалга оширишнинг тегицли усулларига ўргатиш солиқ текширувини самарали ўтказиш билан бирга, бошқа фаолият соҳаларида ҳам фойда бериши мумкин.

Тахминий ҳисоб-китоблар ва тахминий солиққа тортишда қўйида янада ҳам самарали усулларни кўриб чиқамиз.

* Текшириш обьектини аниқлашда, ҳар қандай усул билан бўлса ҳам унинг декларация суммасини ҳисоб-китоби текширилади, бундан ташқари уларнинг мослигини текширишда яширин йўл билан топилган суммани башорат қилиш мумкин.

* Агарда яширин йўл билан топилган сумма аниқланса, биз билтмайдиган усуллар қўлланилган ёки йўқлигини тахминий ҳисоб-китоб ўтказиш йўли билан аниқлаш мумкин.

* Агарда солиқ тўловчи текширилаётган суммадан солиқларни тўламаган бўлса, бу сумма тахминий ҳисоб-китоб ўтказиш йўли билан ҳисоблаб чиқиласди.

* Декларацияга киритилмаган ёки бухгалтерия китобларида йўқ ҳужжатларни текширганда, тахминий ҳисоб-китоб йўли билан сотув ҳажмини башорат қилиш мумкин.

5.3.2. Тахминий солиққа тортиш

Японияда солиққа тортишда солиқ тўловчилар томонидан декларациялар тақдим этиш тизими қўлланилади. Бу тизимга мувофиқ, солиқ тўловчи солиққа тортиладиган базани ва солиқ суммасини кўрсатади. Сўнгра бухгалтерия китблари маълумотларига асосан ҳисоб-китобларни амалга оширади ва солиқларни тўлайди. Яъни солиқ тўловчи солиқ тўлаш бўйича ўз бурчини бажаради.

Агарда солиқ тўловчидан аниқ ҳужжатлар бўлмаса ёки улар бўла туриб кўрсатилмаса ёки бекитилса, бундай ҳолларда солиқ тўловчи ўз бурчини бажармаган бўлади ва солиқ идоралари бу ҳужжатларни кўзда тутиб «адолатли солиқ юки» принципини қўллайдилар. Ушбу принципдан келиб чиқиб, тахминий солиққа тортиш бирор бир ахборот асосида ўтказилади. Сўнгра тахминий солиққа тортишга руҳсат берувчи сабаблар кўрсатилади.

Тахминий солиққа тортиш принципи қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмаган, бироқ у солиқ юкини адолатли бўлиш принципига асосан рухсат берилади ва бутун дунёда тан олинган.

Аммо тахминий солиққа тортишнинг ҳеч қандай ҳужжатли асоси йўқ деб бўлмайди. Солиқ идоралари томонидан фақатгина солиққа тортиш нормаларига амал қилиб ҳақиқатдаги суммани ҳисоблаш имкони бўлмаганда ҳисоблаш усули сифатида тахминий солиққа тортишдан фойдаланилади.

Японияда ҳар бир солиқ тўғрисидаги қонуннинг тахминий солиққа тортишга оид моддаларида 1) бухгалтерия ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда; 2) бухгалтерия ҳужжатлари ишончли бўлмаганда; 3) солиқ тўловчи солиқ текшируви ўтказишни рад қилгандага ва 4) текширув вақтида бухгалтерия ҳужжатлари тақдим қилинмаган ҳолатларда тахминий солиққа тортиш мумкин деб белгиланиб, фақат ушбу шартлар (ушбу шартларни «тахмин қилиш зарурати» деб аталади) бажарилган ҳолатдагина тахминий солиққа тортишга рухсат берилади. Тахмин қилиш зарурати бўлмаган ҳоллардаги тахминий солиққа тортиш қонун бўйича бекор қилинади.

Ундан ташқари, тахминий солиққа тортиш усулларига оид моддаларда 1) солиқ тўловчининг мулки ёки мажбуриятлари миқдорининг ўзгариш ҳолати; 2) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, сотиш (ишлаб чиқариш) таннархи; 3) ишчилар сони ва бошқа фаолият масштабига асосланиб, тахминий солиққа тортиш белгиланган.

Натижада, мулк ва қарз суммасининг ўзгаришига қараб, ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажми, сотиш (ишлаб чиқариш) таннархи аниқланса ўхшаф фаолият юритувчи бошқа солиқ тўловчиларга ишчилар сони ва дўкон (цех) майдони, ускуналар (ишлаб чиқариш ускуналари, автомобиллар каби) га қараб тахминий солиққа тортиш мумкин бўлиб, юқорида берилган турли тахминий солиққа тортиш усулларини қўллаш мумкин бўлади.

Энг кўп қўлланиладиган усул бир хил фаолият юритувчилар нисбати усули бўлиб, бунда бир хил фаолият юритувчи деб текширув объекти билан бир хил фаолият юритувчи солиқ тўловчи назарда тутилади.

Сабаби, фаолият ўхшаф бўлса, одатда, реализация (ишлаб чиқариш) ҳажмидаги таннарх коэффициенти ва бошқа коэффи-

циентлар ҳам бир хил бўлиб, ишлаб чиқариш даромади (фойда) ҳам бир-бирига яқин бўлади.

Бироқ «бир хил» деган тушунча соҳадаги иш фаолияти билан чегараланмайди. Бунда корхонанинг салмоғи, унинг қаерда жойлашгани ва бошқа шунга ўхшаш кўрсаткичлари ҳам ўхшаш бўлиши керак.

Шунинг учун бир хил соҳадаги фаолият билан шуғулланувчи шахслар пропорциясидан фойдаланиб, юқорида кўрсатилган «ўхашлик» мезонларига амал қилинмаса, ҳисобланган рақамларда рационаллик бўлмайди. Бу ўз навбатида, тахминий солиққа тортишнинг самарасини камайтиради. «Ўхашлик» тушунчаси бу ерда ҳисобларнинг рационал бўлишига кафолат беради.

Шундай қилиб, тахминий солиққа тортиш тушунчаси тахминий солиққа тортишнинг ва тахминий ҳисобнинг оқилоналигини кафолатлаб, солиққа тортишнинг бирламчи усули дейилади.

Тахминий солиққа тортишда табиийки, солиқ тўловчи бунга рози бўлмайди ва мустақил равишда декларация топширмайди. Шунинг учун бу ҳолатда солиқ инспекцияси бошлигининг солиққа тортиш ваколати қўлланилиб (хабарнома бериш орқали) солиқ тўловчидан солиқ суммаси ундирилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси қонуилари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Адолат», 2009 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. –Т.: «Адолат», 2010 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. №474-І .29 август 1997 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорати тўғрисида»ги қонуни. №717-І.24 декабрь 1998 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. №69-І. 2000 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. №279-І. 1996 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги 1998 йил 19 ноябрь ПФ-2114-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июнь ПФ-3619-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 октябрь ПФ-3665-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2005 йил 28 ноябрь ПФ-3694-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисбот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганилик учун

жавобгарликни кучайтириш түғрисида»ги 2005 йил 15 июнь ПҚ-100-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардан депозит ҳисоб-варажлардан нақд иул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари түғрисида»ги 5 август 2005 йил ПҚ-147-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш түғрисида»ги 2005 йил 29 сентябрь ПҚ-186-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсагичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари түғрисида»ги 2009 йил 22 декабрь ПҚ-1245-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари түғрисида» 2010 йил 8 январь ПҚ-1257-сонли қарори.

16. Постановление Президента Республики Узбекистан. «О мерах по дальнейшей оптимизации структуры государственного налогового комитета Республики Узбекистан». ПП. №-1290. 25 февраля 2010 года.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида»ги 2010 йил 26 апрел ПҚ-1326-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигига ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар түғрисида»ги 1995 йил 12 май ПФ-1154-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигига ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар түғрисида»ги ПФ-1154 фармонини қисман ўзгартиш түғрисида» 1999 йил 19 июл ПФ-2340-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари түғрисида»ги 1996 йил 9 август ПФ-1504-сонли Фармони.

Ҳукумат қарорлари ва Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг месъёрий ҳужжатлари

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-496-сонли қарори. 1998 йил 27 ноябрь.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ВМҚ-75-сонли қарори. 2003 йил 13 февраль.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ВМ-504-сонли қарори. 1999 йил 17 ноябрь.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМ- 280-сонли қарори. 2002 йил 5 август.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истемол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ВМ-125-сонли қарори. 1999 йил 19 март.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМ-407-сонли қарори. 2002 йил 26 ноябр.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ВМ-511-сонли қарори. 2004 йил 1 ноябр.

28. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида» НИЗОМ (Адлия вазирлигига 2006 йил 5 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган).

29. «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллапитириш тартиби тўғрисида» НИЗОМ (Адлия вазирлигига 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан рўйхатга олинган).

30. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»ги НИЗОМ (Адлия вазирлигига 29 декабрь 2006 йил 1650-сон билан рўйхатга олинган).

31. «Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги НИЗОМ (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 17 августдаги 64, 2010-34-сон қарори).

32. 4-сон Бухгалтерия ҳисоби миллӣ стандартлари (БҲМС) «Товар-моддий захиралар» (Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 17 июнда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

33. 5-сон БҲМС. «Асосий воситалар» (Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

34. 19-сон БҲМС. «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» (Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маъruzalari

35. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». -Т.: «Ўзбекистон» 2009 й.

36. Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровошлигини янада юксалтиришдир. -Т.: «Ўзбекистон» 2010 й.

37. Каримов И.А. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир». Халқ сўзи. 28 январь 2010 йил.

Махсус адабиётлар

38. **Борьян Ю.Б.** Налоговые правонарушения и ответственность. Выигрываем налоговые споры. 2-е изд. - М.: Экономика. 2006.
39. **Братухина О.А.** Контроль и организация проверок налоговыми органами. Учебное пособие. -Ростов н/Д.: 2007.
40. **Доброхотова В. Б., Лобанов А.В.** Налоговые проверки: книга для налогоплательщика и налоговика. 2-е издание. - М.: МЦФЭР, 2007.
41. **Корниева Е.А., Ткачев В.Н.** Защита прав хозяйствующих субъектов-налогоплательщиков в спорах с налоговыми органами: Учебное пособие. - М.: «Издательский Дом «Городец». 2006.
42. Камеральная налоговая проверка: содержание, порядок проведения, последствия/ Под редакцией Г.Ю. Касьяновой. -М.: ИД «Аргумент», 2006.
43. **Лермонтов Ю. М.** Налоговые проверки по-новому. -М.: Издательство Индекс Медиа. 2007.
44. Налоговые проверки: практическое руководство/ Под общей ред. В.В. Семенихина. -М.: ЭКСМО, 2006.
45. **Попонова А.Н., Несторов А.В., Терзиди А.В.** Организация налогового учета и налогового контроля. Учебное пособие. -М.: Эксмо, 2006.
46. **Суворов М.А.** Процессуализация налоговых проверок (Проблемы и пути совершенствования) -М.: Наука, 2007.
47. **Спиррина Л.В., Тимошенко В.А.** Налоговые проверки. Учебно-практическое пособие. -М.: Экзамен, 2006.
48. **Тихонова Е.П., Понова З.Е.** К вам пришла проверка. Что и как проверяет налоговый инспектор? -М.: «Журнал «Горячая линия бухгалтера», 2007.
49. **Шилкин С.А.** Зарплатные налоги в свете ужесточения налогового контроля. -М.: Главбух, 2007.
50. **Ходиев Б.Ю., Бекмородов А.Ш., Фофуров У.В., Тухлиев Б.К.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. -Т.: «Иқтисодиёт», 2009.
51. **Ортиқов А.А** ва бошқалар. Хуфёна иқтисодиёт. -Т.: 2002.
52. **Рўзиев Ф.** Солиқ назорати. Ўқув қўлланма. -Т.: 2007 й
53. **Тагаев А., Ф. Хашimoto, F. Рўзиев, K. Хотамов.** Солиқ назорати. -Т.: «Янги аср авлоди», 2010.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР РЎЙХАТИ

Назорат қилувчи орган даражаси	
A	Туман
B	Вилоят
C	Республика
Код	Назорат қилувчи орган номи
1	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
2	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
6	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси
9	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитаси
11	Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази
12	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
13	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчиллик ишларни бўйича бош давлат инспекцияси
14	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бўйича бош давлат инспекцияси
15	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
16	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
17	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
18	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси
19	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
20	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгидан сақлаш бош бошқармаси
21	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
22	Ўзбекистон Республикасининг Электр энергетикасида назорат қилиш давлат инспекцияси

25	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоний муҳофаза қилиш вазирлиги
26	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси
27	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Бош давлат ветеринария инспекцияси
29	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси
30	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Давлат алоқа инспекцияси
31	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Бадиий экспертиза бошқармаси
33	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишини назорат қилиш давлат инспекцияси
34	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси
35	Ўзбекистон Республикасининг Темир йўлда ташишлар хавфсизлигини назорат қилиши давлат инспекцияси
36	Республика Темир йўлда давлат санитария-эпидемиология назорати маркази
37	Транспортда ИИБ ҳузуридаги ёнғиндан сақлаш бўлими
38	Саноат, кон иши ва коммунал-маишӣ секторда ишларни хавфсиз олиб боришни назорат қилиш давлат инспекцияси «Саноатконтехназорат»
39	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси
40	«Ўзбектуризм» миллий компанияси
41	Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлигининг Давлат намуналар олиш палатаси
43	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
44	Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геология назорати бошқармаси
45	«Ўзбеккино» миллий агентлиги
46	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси

Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги «амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги №222-сонли қарори билан тасдиқланган)

* Курол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, ҳимояланиш воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини (агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса), шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун маҳсус материалларни ва маҳсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

* Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш.

* Жанговар заҳарловчи моддалардан ҳимояланиш воситаларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш.

* Бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш.

* Ов ва спортга мўлжалланган ўқотар қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек тиғли қуролни (пичоқларнинг мизлий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

* Ёнгинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнгиндан дарак берувчи ва ёнгиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш.

* Ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан муомалада бўлинадиган соҳалардаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, улар учун технологик асбоб-ускуналар, радиациядан ҳимояланиш воситаларини ясаш ва тайёрлаш.

* Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш ҳамда заарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш.

* Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш.

* Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

* Ягона энергетика тизимиға уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш.

* Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиши), сақлаш, реализация қилиш (бериш), тақсимлаш, ташиш, ишлаб чиқиши ва ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида, шунингдек ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шу жумладан тиббиётда ва ветеринарияда фойдаланиш.

* Таркибида гиёхванд моддалари бўлган ўсимликларни стишириш.

* Ветеринария фаолияти.

* Тиббий фаолият.

* Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

* Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

* Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқариларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш.

* Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш.

* Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш.

* Баландликларда саноат альгинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш.

* Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темирйўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиниш.

* Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиши.

* Аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти.

* Авиация ишларини бажариш.

* Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофидаги, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиниш.

* Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиниш.

* Телекоммуникацияларнинг маҳаллий тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

* Телекоммуникацияларнинг шаҳарлараро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

* Телекоммуникацияларнинг ҳалқаро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

* Кўчма радиотелефон алоқаси тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

* Шахсий радиочақириув тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

* Маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

* Телекўрсатувлар ва радиозшигтиришларни тарқатиш (узатиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

* Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш.

* Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлилар қазиб олиш.

* Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек техник мой ва мойлаш материалларини) реализация қилиш, заводда идишларга қадоқланганлари бундан мустасно.

* Этил спирти ва алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш.

* Қимматбаҳо металлар ва тошлилардан заргарлик буюмлари тайёрлаш.

* Банк фаолияти.

* Банклар томонидан, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасида операциялар ўтказиш.

* Қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш.

* Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият.

* Баҳолаш фаолияти.

* Суғурталовчилар ва сугурта брокерларининг суғурта фаолияти.

* Текширувчилик фаолияти.

* Гаровхоналар фаолияти.

* Лотереялар ташкил этиш.

- * Адвокатлик фаолияти.
- * Нотариал фаолияти.
- * Божхона омбори таъсис этиш.
- * Божсиз савдо дўконини таъсис этиш.
- * Божхона режимида омборхона таъсис этиш – «эркин омборхона».
- * Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш.
- * Геодезия ва картография фаолияти.
- * Таркибида қимматбаҳо ва рангли металлар, қимматбаҳо тошлилар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш.
- * Энергетика текширувлари ва экспертизалири ўтказиш.
- * Ноширлик фаолияти.
- * Нодавлат таълим муассасаларининг фаолияти.
- * Диний таълим муассасаларининг фаолияти.
- * Бадиий ва хроникал-хужжатли, илмий-оммабол, тасвирий, мультипликацион киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш.
- * Киновидеофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш.
- * Киновидео маҳсулотлар прокати.
- * Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш.
- * Тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш.
- * Грампластиналар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни яратиш, ишлаб чиқариш, ёзиг олиш, кўпайтириш ва реализация қилиш.
- * Биржа фаолияти.
- * Туризм фаолияти.
- * Улгуржи савдо.
- * Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш.
- * Микрокредит ташкилотлари ҳамда * кредит уюшмалари фаолияти.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК	6
1.1§. Солиқ текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектни танлаш услуби	6
1.2§. Текшириш ўтказишга тайёргарлик жараёнлари, уларда амалга ошириладиган ишлар	17
1.3§. Солиқ тўловчиларга доир ахборот ресурсларини цакллантириш	19
1.4§. Солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисбботларини ўрганиши ҳамда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик ҳолатини таҳлил қилиши	22
1.5§. Тегишли орган ва ташкилотлардан текширилувчи хўжалик юритувчи субъект фаолиятига доир ахборот ва маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш	54
1.6§. Текширилиши режалаштирилган хўжалик юритувчи субъект бўйича аввал ўтказилган текширишлар натижаларини ўрганиш	58
1.7§. Солиқ текширувники амалга оширувчилар таркибини аниqlаш ва зурурий ҳолларда мутахассисларни жалб этиш тартиби	60
1.8§. Текширув ўтказиш дастурини тузиш қоидалари ва уни тасдиқлаш	62
II. ЖОЙИДА ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШ	70
2.1§. Солиқ текширувнинг бошланишида амалга ошириладиган дастлабки ишлар	70
2.2§. Солиқ текширувлари жараёнида кўпланиладиган усуллар	73
2.3§. Солиқ текшируви жараёнида мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш	75
2.4§. Касса ва касса операцияларини тафтиш қилиш	82
2.5§. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ва харажаглар таркибини текширишнинг ўзига хос жиҳатлари	98
2.6§. Қисқа муддатли текширувлар ўтказиш тартиби	105
2.7§. Хўжалик юритувчи субъектларни фаолият турларига нисбатан текширишнинг ўзига хос хусусиятлари	116

III. БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТЕКШИРИШ	121
3.1§. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билан солиқтар бўйича ҳисоб-китобларини текшириш	121
3.2§. Фойда солигини ҳисобланиш жараёнини текшириш	125
3.3§. Қўшилган қиймат солигини текшириш	136
3.4§. Акциз солигини текшириш	142
3.5§. Жисмоний шахстардан олинадиган даромад солиги бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни текшириш	145
3.6§. Мол-мулк ва ресурсларни текшириш	151
3.7§. Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибида тўланадиган солиқтарни текшириш	157
3.8§. Мақсадли жамғармаларга тўловларни текшириш	160
IV. СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ЯКУНИ ВА НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ	174
4.1§. Солиқ текшируванинг якунтаниши ва солиқ текшируви далолатномасининг тузилиши	174
4.2§. Солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш	175
4.3§. Солиқ текшируви далолатномасига илова қилинадиган ҳужжатлар	177
V. ЯПОНИЯДА СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ	181
5.1§. Текширишга тайёргарлик	181
5.2§. Жойида текшириш ўтказиш	186
5.3§. Тахминий ҳисоб-китоблар ва тахминий солиққа тортиш	195
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	199
ИЛОВАЛАР	204

Илмий-услубий нашр

СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ УСУЛЛАРИ

Мұхаррір:
Гавәр МИРЗАЕВА

Тех. мұхаррір
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадиий мұхаррір
Үйғун СОЛИХОВ

Мусақхық
Маъмура ҚҰТЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишига 7.01.2011 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоги 6,625. Шартли босма тобоги 11,13.
Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 530 нұсха. Буюртма № 22.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонаасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзар-8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожсаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiastavlod@mail.ru
Ҳамкоримиз: *kitobxon.uz*

10000-00

65.9(2)26
C 600




ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-08-690-6



9 789943 086906